



ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ

ВЕСТНИК ЮРИСТА * LAWYER HERALD

ҲУҚУҚИЙ, ИЖТИМОИЙ, ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ



CYBERLENINKA



НАУЧНАЯ ЭЛЕКТРОННАЯ
БИБЛИОТЕКА
LIBRARY.RU



ISSN 2181-9416

Doi Journal 10.26739/2181-9416

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ

2 СОН, 1 ЖИЛД

ВЕСТНИК ЮРИСТА

НОМЕР 2, ВЫПУСК 1

LAWYER HERALD

VOLUME 2, ISSUE 1



TOSHKENT-2020

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ
ҳуқуқий, ижтимоий, илмий-амалий журнали
№2 (2020) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2020-2>

Бош муҳаррир:
Раҳматов Анвар Исламович
Адлия вазирлиги қошидаги
Юристлар малакасини ошириш
маркази директори

Бош муҳаррир ўринбосари:
Отажонов Абдоржон Анварович
Адлия вазирлиги қошидаги
Юристлар малакасини ошириш
маркази директори ўринбосари,
юридик фанлар доктори, профессор

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ЖУРНАЛИ
ҳуқуқий, ижтимоий, илмий-амалий журнали
ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Одилқориев Ҳожимурод Тўхтамуродович

*Юристлар малакасини ошириш маркази кафедра
мудири, юридик фанлар доктори, профессор*

Окюлов Омонбой

*Юристлар малакасини ошириш маркази
профессори, юридик фанлар доктори,
профессор, Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган юрист*

Саидова Лола Абдувахидовна

*Юристлар малакасини ошириш маркази кафедра
мудири, юридик фанлар доктори*

Тошев Бобокул Норқобилович

*Юристлар малакасини ошириш маркази кафедра
мудири, юридик фанлар доктори*

Аюбов Улугбек Тулаганович

*Юристлар малакасини ошириш маркази доценти,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган
юрист, юридик фанлар номзоди, доцент*

Мамасиддиқов Музаффаржон Мусаҷонович

*Бош Прокуратура Академияси Марказ бошлиғи,
юридик фанлар доктори, профессор*

Отаҳонов Фозилжон Хайдарович

*Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси
ҳузуридаги Халқаро тиҷорат арбитраж (ҳакамлик)
суди раиси, юридик фанлар доктори (DSc), доцент*

Исроилов Боҳодир Ибрагимович

*Юристлар малакасини ошириш маркази
кафедраси мудири, иқтисод фанлар доктори,
профессор*

Масъул Котиб:

Раҳманов Шухрат Наимович

*Юристлар малакасини ошириш маркази доценти,
юридик фанлар номзоди*

Саҳифаловчи: Шаҳрам Файзиев

Контакт редакцији журнали:
100001, город Ташкент, улица Катта Дархон, 6.
WEB: yuristjournal.uz
E-mail: info@yuristjournal.uz
yuristjournal@gmail.com
Телефон: (+99898) 0000341

Contact Editorial Staff
100001, Katta Darhon str. 6, Tashkent, Uzbekistan
WEB: yuristjournal.uz
E-mail: info@yuristjournal.uz
yuristjournal@gmail.com
Telephone: (+99898) 0000341

Общественно-правовой и научно-практический журнал
ВЕСТНИК ЮРИСТА

№2 (2020) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2020-2>

Главный редактор:

Рахматов Анвар Исламович

Директор Центра повышения квалификации юристов при Министерстве юстиции

Заместитель главного редактора:

Отажонов Абдоржон Анварович

Первый заместитель директора Центра повышения квалификации юристов при Министерстве юстиции, доктор юридических наук, профессор

РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ:

**Общественно-правового и научно-практического журнала
ВЕСТНИК ЮРИСТА**

Адилкариев Хожимурод Тўхтамуродович

Заведующий кафедрой Центра повышения квалификации юристов, доктор юридических наук, профессор

Окюлов Омонбой

Профессор Центра повышения квалификации юристов, доктор юридических наук, профессор, Заслуженный юрист Республики Узбекистан

Саидова Лола Абдувахидовна

Заведующая кафедрой Центра повышения квалификации юристов, доктор юридических наук

Тошев Бобокул Норқобилович

Заведующий кафедрой Центра повышения квалификации юристов, доктор юридических наук

Исроиллов Боходир Ибрагимович

Заведующий кафедрой Центра повышения квалификации юристов, доктор экономических наук, профессор

Аюбов Улугбек Тулаганович

Доцент Центра повышения квалификации юристов, Заслуженный юрист Республики Узбекистан, кандидат юридических наук, доцент

Мамасиддиқов Музаффаржон Мусажонович

Начальник Центра Академии Генеральной Прокуратуры, доктор юридических наук, профессор

Отахонов Фозилжон Хайдарович

Председатель Международного коммерческого арбитражного суда при Торгово-промышленной палате, доктор юридических наук, доцент

Ответственный секретарь:

Рахманов Шухрат Наимович

Доцент Центра повышения квалификации юристов, кандидат юридических наук

Верстка: Шахрам Файзиев

Контакт редакции журнала:

100001, город Ташкент, улица Катта Дархон, 6.
WEB: yuristjournal.uz
E-mail: info@yuristjournal.uz
yuristjournal@gmail.com
Телефон: (+99898) 0000341

Contact Editorial Staff

100001, Katta Darhon str. 6, Tashkent, Uzbekistan
WEB: yuristjournal.uz
E-mail: info@yuristjournal.uz
yuristjournal@gmail.com
Telephone: (+99898) 0000341

**Public, legal and scientific-practical journal of
LAWYER HERALD**

№2 (2020) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2020-2>

**Chief Editor:
Rakhmatov Anvar**

Director of the Lawyers' Training Center
under the Ministry of Justice

**Deputy Chief Editor:
Otajonov Abrorjon**

First Deputy Director of the Lawyers' Training
Center under the Ministry of Justice, Doctor of
Law Sciences, Professor

EDITORIAL BOARD

**Public, legal and scientific-practical journal of
LAWYER HERALD**

Adilkariyev Khojimurat

*Head of the Department at the Lawyers' Training
Center, Doctor of Law Sciences, Professor*

Oqyulov Omonboy

*Professor at the Lawyers' Training Center, Doctor of
Law Sciences, Professor, Honored Lawyer of the
Republic of Uzbekistan*

Saidova Lola

*Head of the Department at the Lawyers' Training
Center, Doctor of Law Sciences*

Toshev Bobokul

*Head of the Department at the Lawyers' Training
Center, Doctor of Law Sciences*

Israilov Bokhodir

*Head of the Department at the Lawyers' Training
Center, Doctor of Economics, Professor*

Ayubov Ulugbek

*Senior Lecturer at the Lawyers' Training Center,
Candidate of Juridical Sciences, Associate
Professor, Honored Lawyer of the Republic of
Uzbekistan*

Mamasiddikov Muzaffarjon

*Head of the Center of the Academy of the General
Prosecutor's Office, Doctor of Law Sciences, Professor*

Otaxonov Foziljon

*Chairman of the International Commercial
Arbitration Court at the Chamber of Commerce
Doctor of the Science of Law, Associate Professor*

**Executive Editor:
Rakhmanov Shukhrat**

*Senior Lecturer at the Lawyers' Training Center,
Candidate of Juridical Sciences*

Pagemaker: Shakhram Fayziev

Контакт редакции журнала:

100001, город Ташкент, улица Катта Дархон, 6.
WEB: yuristjournal.uz
E-mail: info@yuristjournal.uz
yuristjournal@gmail.com
Телефон: (+99898) 0000341

Contact Editorial Staff

100001, Katta Darhon str. 6, Tashkent, Uzbekistan
WEB: yuristjournal.uz
E-mail: info@yuristjournal.uz
yuristjournal@gmail.com
Telephone: (+99898) 0000341

МУНДАРИЖА/СОДЕРЖАНИЕ/CONTENT

ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ НАЗАРИЯСИ ВА ТАРИХИ. ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ

1.АЗАМОВ Жасурбек Муродович
ҲУҚУҚНИ ҚЎЛЛАШ АМАЛИЁТИ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР.....8

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚ. МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ. МОЛИЯ ВА БОЖХОНА ҲУҚУҚИ

2.МАМАТОВ Худоёр
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИНИ ИЖРОЧИЛАР ВА АҲОЛИГА ЕТКАЗИШ
МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ.....15

ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ. ТАДБИРКОРЛИК ҲУҚУҚИ. ОИЛА ҲУҚУҚИ. ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚ

3.ИСМАИЛОВА Раъно Шухрат қизи
ДОГОВОР В СИСТЕМЕ МЕЖДУНАРОДНЫХ АВТОМОБИЛЬНЫХ
ПЕРЕВОЗОК ГРУЗОВ.....21

4.ГАНИЕВ Нихолбек Валиевич
ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ХИЗМАТЛАРИ СОҲАСИДАГИ
ШАРТНОМАЛАРНИНГ ТИЗИМИ.....30

5.ХАЙРУЛЛАЕВА Дилбар Абдусаматовна
ЧЕТ ДАВЛАТЛАР СУДЛАРИНИНГ ВА АРБИТРАЖЛАРИНИНГ ҲАЛ КИЛУВ
ҚАРОРЛАРИНИ ТАН ОЛИШ ВА ИЖРОГА ҚАРАТИШ ТУШУНЧАСИ ВА
МОҲИЯТИ.....38

6.ZAYNOBIDDINOVA Farangiz Baxtiyor qizi
REFORMS IN THE INVESTMENT LEGISLATION OF UZBEKISTAN.....45

7.ЮЛДАШОВ Абдумумин
ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК БЎЙИЧА МИЛЛИЙ СТРАТЕГИЯЛАРНИНГ
АҲАМИЯТИ ВА БУТУНЖАҲОН ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК
ТАШКИЛОТИНИНГ БУ БОРАДА ТУТГАН ЎРНИ.....53

ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ. ИҚТИСОДИЙ ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ. ҲАКАМЛИК ЖАРАЁНИ ВА МЕДИАЦИЯ

8.ЭШИМБЕТОВА Дармон Уразбаевна, МАШКУРОВ Ғайрат Абдужалилович
КОРПОРАТИВ НИЗОЛАР ТААЛЛУҚЛИЛИГИ МЕЗОНЛАРИНИНГ ЎЗИГА
ХОС ЖИҲАТЛАРИ.....60

ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИ, ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ. КРИМИНОЛОГИЯ. ЖИНОЯТ-ИЖРОИЯ ҲУҚУҚИ

9.ОТАЖОНОВ Абдоржон Анварович, КУШБАКОВ Дилшод Мусурмонкулович
АҚЛИ РАСО ВА НАРОСОЛИК ТУШУНЧАСИ ҲАМДА МЕЗОНЛАРИ,
ШУНИНГДЕК УЛАРНИ ТАРТИБГА СОЛИШГА ДОИР ЖИНОЯТ
ҚОНУНИ НОРМАЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ.....73

10.АЛИЕВ Шухрат Хасанович, ҚАРШИЕВ Фуломжон Сайфуллаевич
ОИЛАДА ЁШЛАР ЖИНОЯТЧИЛИГИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ
ЙЎНАЛИШЛАРИ.....87

**ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИ. КРИМИНАЛИСТИКА, ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ҲУҚУҚ
ВА СУД ЭКСПЕРТИЗАСИ**

- 11.РАЖАБОВ Бахтиёр Алмахматович, АБДУҚОДИРОВ Фарходжон Фахритдин
ўғли**
ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА ИСБОТ ҚИЛИШНИНГ ИШТИРОКЧИЛАРИ.....94
- 12.ХАСАНОВ Шавкатбек Хайбатуллаевич**
СУД ЭКСПЕРТЛАРИНИНГ ПРОФИЛАКТИК ФАОЛИЯТИ.....102

ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ

- 13.САИДОВА Лола Абдувахидовна**
ЖАҲОН ГЕНДЕР ТАРИХИГА БИР НАЗАР ВА ЎЗБЕКИСТОНДА ГЕНДЕР
СИЁСАТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ.....110
- 14.ОЧИЛОВ Бехзод Эргашович**
ГЕНЕЗИС И ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ СУВЕРЕНИТЕТА И
МЕЖДУНАРОДНОЙ ПРАВОСУБЪЕКТНОСТИ РЕСПУБЛИКИ
УЗБЕКИСТАН (ТЕОРЕТИКО-ПРИКЛАДНОЙ АНАЛИЗ).....119

ЮРИДИК ХИЗМАТ, АДВОКАТУРА, НОТАРИАТ

- 15.ИСРОИЛОВ Боҳодир Ибрагимович**
НОТАРИАЛ ФАОЛИЯТНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШНИНГ ЎЗИГА ХОС
ХУСУСИЯТЛАРИ.....133

ҲУҚУҚИЙ АМАЛИЁТ ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА

- 16.ТОШҚУЛОВ Журабой Ўринбоевич, УМИДУЛЛАЕВ Қахрамон Усманович**
ҲУДУДЛАРНИНГ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШИНИ
РЕЙТИНГ БАҲОЛАШНИНГ МУҲИМ ЖИҲАТЛАРИ.....141
- 17.ERKABAЕVA Shakhnoza Ikromjonovna**
THE LEGAL STATUS OF PARTNERSHIPS IN SEVERAL DEVELOPED
COUNTRIES AND THE LIABILITY ISSUES IN PARTNERSHIPS.....149

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ НАЗАРИЯСИ ВА ТАРИХИ. ҲУҚУҚИЙ ТАЪЛИМОТЛАР ТАРИХИ

АЗАМОВ Жасурбек Муродович,

Қўқон давлат педагогика институти "Миллий гоё, маънавият асослари ва
ҳуқуқ таълими" кафедра мудири,
юримдик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)
E-mail: qdpi1983@mail.ru

ҲУҚУҚНИ ҚЎЛЛАШ АМАЛИЁТИ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР

For citation (иқтибос келтириш учун, для цитирования): АЗАМОВ Ж.М.
ҲУҚУҚНИ ҚЎЛЛАШ АМАЛИЁТИ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР // Юрист
ахборотномаси - Вестник юриста - Lawyer herald. № 2 (2020), Б.8-14.



№2 (2020) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2020-2-1>

АННОТАЦИЯ

Мақолада ҳуқуқни қўллаш фаолиятининг самарадорлигини оширишда
прогнозлашнинг аҳамияти очиб берилган. Унда амалиётда учрайдиган баъзи
хатоларнинг сабаблари ва омилларини аниқлашда прогнозлаш усулидан
фойдаланиш зарурлиги асосланиб, тегишли тавсиялар ишлаб чиқилган. Ҳуқуқни
қўлловчи субъектларнинг сифатсиз ишлаши натижасида шахс ҳуқуқлари,
эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилишлари ҳуқуқий меъёрлар ва амалий
мисоллар асосида ёритиб берилган.

Калит сўзлар: ҳуқуқни қўллаш фаолияти, фуқаро ҳуқуқлари, прогнозлаш, қонун,
жараён, ҳуқуқий фаолиятдаги хато ва камчиликлар.

АЗАМОВ Жасурбек Муродович,

Заведующий кафедрой "Национальная идея, основы духовности и
правового образования" Кокандского государственного педагогического
института, доктор философии по юридическим наукам (PhD)
E-mail: qdpi1983@mail.ru

ПРАВОПРИМЕНИТЕЛЬНАЯ ПРАКТИКА: ПРОБЛЕМЫ И ПУТИ РЕШЕНИЯ

АННОТАЦИЯ

В статье раскрывается значение прогнозирования правоприменительной

деятельности. В ней обосновывается использование метода прогнозирования в выявлении причин и факторов некоторых ошибок, встречающихся в реальной жизни. На основе анализа законодательства и реальной практики освещаются нарушение прав, свобод и законных интересов граждан в результате некачественной работы субъектов правоприменения.

Ключевые слова: правоприменительная деятельность, права граждан, закон, процесс, ошибки и недостатки в правовой деятельности.

AZAMOV Jasurbek,

Head of the Department of "National Idea, foundations of spirituality and legal education" Kokand State Pedagogical Institute,
Doctor of Philosophy (PhD) in Law
E-mail: qdpi1983@mail.ru

LEGAL PRACTICE: PROBLEMS AND SOLUTIONS

ANNOTATION

The article reveals the importance of predicting law enforcement. It substantiates the use of the forecasting method in identifying the causes and factors of some errors encountered in real life. On the basis of the analysis of legislation and real practice, the violation of the rights, freedoms and legitimate interests of citizens as a result of poor-quality work of subjects of law enforcement is highlighted.

Keywords: law enforcement, citizens' rights, law, process, errors and deficiencies in legal activity.

Хуқуқ ижтимоий муносабатларни тартибга солишнинг қудратли воситаси ҳисобланади. Аммо, хуқуқий тартибга солиш жараёни ўз-ўзидан амалга ошмайди. Қоғоздаги матн сифатида мавжуд бўлган қонунга "жон кириши" учун уни махсус фаолият ёрдамида амалга ошириш талаб этилади. Хуқуқшунос И.Тулътевнинг фикрича, хуқуқий нормалар яратиш ҳеч қачон хуқуқ ижодкорлиги субъектининг бирдан-бир мақсади бўлмаган ва бўлиши мумкин ҳам эмас. Қонун чиқарувчи идора ҳар қандай норматив-хуқуқий ҳужжатни қабул қилар экан, қонун талабларининг ҳаётда акс этишида ифодаланувчи муайян натижага эришишни кўзлайди. Давлат томонидан амалга оширилаётган хуқуқий сиёсат хуқуқ ижодкорлиги ва хуқуқни қўллаш жараёнида ўзининг аниқ ифодасини топади [1, Б.164].

Давлат хуқуқий сиёсатининг асосий мақсади, деб ёзади Б.У. Таджиханов, - норматив-хуқуқий ҳужжатларни қабул қилишдангина эмас, балки мазкур ҳужжатларни ҳаётга татбиқ этиш имкониятини берувчи тизимни яратишдан ҳам иборат [2, Б.171]. Давлат, таъбир жоиз бўлса, хуқуқнинг "ўлик" нормалари, яъни қоғозда мавжуд бўлгани ҳолда у ёки бу индивидуал-конкрет вазиятда қўлланилиши мумкин бўлмаган нормалар пайдо бўлишига йўл қўймасликка ҳаракат қилади. Зотан, хуқуқ қоидалари кишилар ва уларнинг ташкилотлари фаолиятида, ижтимоий муносабатларда амалга ошмаса, у ҳеч қандай қадр-қимматга эга бўлмайди. Агар хуқуқни жамият ҳаётида амалга ошириш механизми бўлмаса, уни тушуниш ҳам, фойдаланиш ҳам мумкин эмас. Қонуннинг хатто энг мукамал нормалари ҳам уларни амалга оширишнинг самарали механизми бўлмаса, ўзининг белгиланган мақсадига эриша олмайди.

Хуқуқнинг амал қилиш механизми юридик фанининг марказий, айтиш мумкин, вақтда, мураккаб ва серқамров тушунчаларидан бири ҳисобланади. Умумий категория

сифатида у "ижтимоий муносабатларга, кишилар хулқ-атвори ва уларнинг ташкилотлари фаолиятига ҳуқуқий борлиқ таъсирининг ўзаро боғланган элементлари ва жараёнлари мажмуи"ни [3, Б.358] ўз ичига олади. Дарҳақиқат, ҳуқуқни амалга ошириш ижтимоий ёки юридик ҳаракатларнинг оддий йиғиндиси эмас, балки норматив қоидаларни ҳаётга татбиқ этишга қаратилган ягона ва яхлит жараён ҳисобланади. Демак, ҳуқуқни қўллаш амалиётининг барча жиҳатларини узвий ҳолда ўрганиш талаб этилади. Зеро, ҳуқуқ нормаларини ҳаётга татбиқ этиш учун уларни амалга ошириш борасидаги ҳаракатлар ва қарорлар мажмуигина эмас, балки ҳуқуқни қўлловчи субъектнинг шахсий тажрибаси, жамиятнинг бутун "ижтимоий-ҳуқуқий тафаккури" аҳамиятга эга бўлади. Маълумки, ҳуқуқни қўллаш ҳужжатларида ҳуқуқни қўллаш амалиёти мазмунининг барча асосий элементлари (мақсади, уларни амалга ошириш режалари, ҳаракатлари, воситалари ва усуллари, натижалар, қабул қилинган қарорлар ва ш.к.) ҳам, унинг ички, процессуал шакли ҳам ўз аксини топади [4, Б.9].

Ҳуқуқни қўллаш амалиёти ҳуқуқни қўллашга доир турдош ҳаракатлар, тартиб-таомиллар ва ҳужжатларни таркибий жиҳатдан тартибга солинган яхлит жараёнга бирлаштиришни назарда тутди. Бу жараён ҳуқуқ нормаларининг кўрсатмаларини реал ҳаётга қўллаш борасидаги барча ҳаракатлар тизими ва бу фаолиятнинг босқичларидан таркиб топади. Ҳуқуқни қўллаш амалиёти ваколатли субъектларнинг айрим юридик ишларнинг тарафлари учун мажбурий бўлган индивидуал-конкрет қарорлар қабул қилиш йўли билан ечишга қаратилган, унинг асосида тўпланган ва мавжуд ҳуқуқни қўллаш тажрибаси билан бирга олинган бошқарув фаолиятidir. Бошқача айтганда, у ҳуқуқни қўллаш фаолияти ва унинг асосида шаклланган, жамиятда мавжуд юридик тажрибанинг ҳамоханг бирлигини ўзида ифодалайди.

"Ҳуқуқни қўллаш", "ҳуқуқни қўллаш фаолияти", "ҳуқуқни қўллаш амалиёти" атамалари биз таҳлил қилаётган муаммолар нуқтаи назаридан анча кенг юридик ҳодисани тавсифлайди. Уларнинг моҳияти ҳуқуқ нормаларини қўллаш расмий жараёнини тўла қамраб олади. Бу шундай бир жараёнки, унда давлат органлари ва мансабдор шахслар қонунни конкрет ҳаёт шароитларига татбиқ этадилар [5, Б.315]. Ҳуқуқни қўлловчи субъект ҳар бир конкрет ҳолда у ёки бу таърифлар, андозалар ва тартиб-таомиллардан фойдаланиб, муайян ҳуқуқий оқибатларга олиб келувчи қарор қабул қилади. Бунда шуни таъкидлаш лозимки, ҳуқуқни қўллаш фаолиятининг моҳияти ҳуқуқ нормаларини расмий даражада амалга оширишдан иборат бўлган мураккаб моддий-процессуал тузилма (механизм) ҳисобланади.

Бу механизм доирасида ҳуқуқни қўллаш воситалари деганда, ҳуқуқ билан ижозат этилган шундай предметлар, ҳодисалар ва воситаларни тушуниш лозимки, уларнинг ёрдамида зарурий ижтимоий, юридик ва бошқа натижани қўлга киритиш, ҳуқуқни қўлловчи субъект олдида қўйилган мақсадларга эришиш таъминланади [6, Б.10]. Ҳуқуқни қўллаш усули эса белгиланган мақсадлар ва натижаларга аниқ воситалар ёрдамида ва ҳуқуқни қўллаш амалиётининг тегишли шартлари ва омиллари мавжуд бўлган ҳолда эришишнинг аниқ йўлидир. Ушбу воситалар ва усуллар мақсадга эришиш - ҳуқуқни ҳаётга татбиқ этишнинг муҳим омиллари саналади. Шундан келиб чиққан ҳолда, қуйидагилар ҳуқуқни қўллаш фаолиятининг мақсадлари ҳисобланади: 1) моддий қонунни қўллаш билан боғлиқ бўлган моддий-ҳуқуқий муносабатлар мавжудлигини (ёки мавжуд эмаслигини) аниқлаш; 2) ҳал қилинаётган вазият (иш) ҳолатларини ҳар томонлама текшириш ва иш бўйича ҳақиқатнинг тагига етиш; 3) ишни ҳал қилишда иштирок этаётган субъектларнинг қонуний ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлаган ҳолда қонунни оқилона қўллаш.

Санаб ўтилган мақсадлар ҳуқуқни қўллаш императив хусусиятга эга эканлигини

кўрсатади. Шу туфайли ҳам тегишли фаолиятнинг самарадорлиги норматив ҳужжатнинг ижтимоий-юридик асосланганлиги ва сифатига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади [7, Б.18]. Сир эмаски, муайян ҳолатларда қонун нормалари ҳуқуқни қўлловчи субъектга "ўз ихтиёрига қараб иш кўриш эркинлиги"ни беради, яъни қонун субъектга чегараланган доирада, ўз ихтиёри билан у ёки бу актни амалга оширишга руҳсат беради. Аммо тегишли мансабдор шахс ёки орган ҳуқуқ нормасининг мазмунини баъзан қонун чиқарувчининг ўзи белгилаган мақсадларга зид бўлган тарзда кенг ёки тор талқин қилишни (шарҳлашни) амалга оширади. Демак, ҳуқуқни қўллаш ижтимоий фойдали мақсадларининг қонун чиқарувчи орган томонидан кўзланган мақсад билан қатъий боғланишигина қонуннинг зарурий самарасини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси ижтимоий ҳаётининг иқтисодий, сиёсий ва маданий соҳаларида жадал суръатларда амалга оширилаётган туб ўзгаришлар мансабдор шахслар ва давлат органларига улар қабул қилаётган ҳуқуқий қарорлар учун катта масъулият юклайди. Улар фаолиятининг сифати давлат ҳуқуқий сиёсатининг мазмунига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади [8, Б.72]. Ҳуқуқ ижодкорлиги сиёсати билан бир қаторда ҳуқуқни қўллаш сиёсати ҳам давлат ҳуқуқий сиёсатининг муҳим таркибий қисмларидан бири ҳисобланади. Юридик адабиётларда қайд этилганидек, "ҳуқуқни қўллаш - ҳуқуқий нормаларнинг тўғрилиги синовдан ўтказиладиган асосий майдондир". Бу қабул қилинган юридик норманинг ҳақиқийлик ва сифатлилик даражаси аниқланадиган ўзига хос "синов лабораторияси" бўлади. Гарчи ҳуқуқни қўллаш фаолиятига кўп босқичли қонун ижодкорлиги жараёни замин яратсада, айнан ҳуқуқни қўллаш давлатнинг ҳуқуқий функцияси сифатида ижтимоий онгдан мустаҳкам ўрин олган. Айни шу сабабли ижтимоий онгдаги ҳар қандай норматив соҳадаги камчилик ва нуқсонлар ҳуқуқни қўлловчи субъект зиммасига юклатилади.

Ўз навбатида ҳуқуқ нормаларини амалга оширишнинг самарадорлиги ҳуқуқни қўллашнинг сифатига боғлиқ бўлади. Ҳозирги юридик амалиёт таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, ҳуқуқни қўллаш органлари баъзан ҳуқуқни қўллаш фаолиятида ҳам қонунийликнинг бузилишига йўл қўйиш ҳоллари учрамоқда. Бу ҳуқуқни қўллаш жараёнининг самарадорлигини сезиларли даражада пасайтиради, ҳокимият ваколатларини амалга оширувчи органлар ва мансабдор шахслар обрўсига путур етказди. Ҳуқуқни қўлловчи субъект сифатсиз ишлаши фуқароларда унинг фаолияти ҳақида нотўғри тасаввур уйғотади. Энг хавотирлиси шундаки, ҳуқуқни қўллаш бундай натижасида шахс ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилади.

Ҳуқуқни қўллаш фаолиятининг самарадорлигини оширишнинг ўзаги, энг аввало, ҳуқуқни қўлловчи субъектларнинг касбий маҳорат даражаси бўлиб ҳисобланади. Мавжуд ҳуқуқни қўллаш фаолиятини таҳлил қилиш унинг бир қанча камчиликларини аниқлаш имкониятини берди. Уларнинг қаторига, хусусан, норматив тусдаги қуйидаги камчиликларни киритиш мумкин:

қонунчилик базасининг ноаниқлиги ва зиддиятларга эгаллиги, шунингдек, норматив тартибга солишни талаб этувчи бир қатор жиддий масалалар бўйича бўшлиқларнинг мавжудлиги;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги қоидаларни амалга ошириш нуқтаи назаридан уларга баҳо берувчи мустақил ҳуқуқни қўллаш экспертизасининг йўқлиги;

ҳуқуқни қўлловчи субъектларни ҳуқуқий ҳимоялаш ишлари лозим даражада эмаслиги;

ҳуқуқий нигилизмнинг сақланиб қолаётганлиги, айрим ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ҳуқуқий маданияти етарли даражада эмаслиги;

кўпчилик ҳолларда ҳуқуқни қўллаш фаолиятини амалга оширувчи субъектлар билан ҳуқуқни қўллашга доир муносабатнинг бошқа субъектлари ўртасида ўзаро психологик алоқанинг мавжуд эмаслиги;

ҳуқуқни қўллаш фаолиятининг баъзан оқилона ташкил этилмаслиги, унинг серхаражатлилиги, шунингдек тежамли ва самарали эмаслиги;

ҳуқуқни қўллаш фаолияти билан ҳозирги замон фанининг энг сўнгги ютуқлари ўртасида узвийликнинг йўқлиги;

ҳуқуқни қўллашнинг синалган технологиялари ва бошқа хил юридик технологиялардан етарлича фойдаланилмаслиги ва бошқалар.

Ҳуқуқни қўллаш фаолиятининг мазкур камчиликларини бартараф этиш ҳуқуқий тизимни ислоҳ қилиш шароитида нафақат ҳуқуқни амалга оширишнинг самарадорлигини, балки ҳуқуқни қўлловчи субъектлар фаолиятининг сифатини ҳам ошириш имкониятини беради.

Ҳуқуқни қўллашдаги нуқсонларнинг сабабларини ҳуқуқни қўлловчи субъектлар онгининг камчиликларидан, уларнинг касбий тайёргарлик даражаси ва маънавий савиясидан, яъни шахс, унинг субъектив (психологик) нуқсонларидан излаш ўринли бўлади. Амалда ҳар қандай хатони ҳуқуқни қўлловчининг шахси билан боғлиқ бўлган субъектив сабаблар билан изоҳлаш мумкин.

Мазкур камчиликларнинг айниқса кенг тарқалган сабаби ҳуқуқни қўлловчи субъектларда зарурий касбий билимларнинг йўқлиги ҳисобланади [9]. Ҳуқуқни хатосиз, сифатли қўллашнинг шартларидан бири, ҳеч шубҳасиз, ҳуқуқни билиш ва ҳурмат қилишдир [10, Б.25]. Ҳуқуққа нисбатан ҳурматсиз муносабат баъзан ҳуқуқни қўлловчиларда ҳуқуқий нормаларни амалга оширишга қуруқ расмиятчилик, иккинчи даражали ва аҳамиятсиз иш сифатида ёндашишда намоён бўлиши мумкин. Ҳуқуқни қўллашда нуқсонларга йўл қўймаслик учун тегишли норматив ҳужжатда белгиланган барча қоидаларга қатъий риоя қилиш талаб этилади. Ҳуқуқни қўллаш жараёнида ҳуқуқ нормалари билан белгиланган қоидаларни барча ҳолларда бир хилда бажарилиши зарур.

Ҳуқуқни қўллаш фаолиятидаги нуқсонларнинг яна бир сабаби ҳуқуқни қўлловчи субъектда муайян ҳусусият ва қобилиятларнинг йўқлигидир. Энг аввало, ҳуқуқни қўлловчи субъектларнинг қонунийлик ва адолатпарварлик туйғулари шаклланишига таъсир этувчи ахлоқий фазилатларига тўхталиш лозим. Ахлоқий хислатлар даражасининг пастлиги тегишли равишда мазкур туйғуларнинг ривожланиш даражасини ҳам белгилайди. Одамлар тақдирига бефарқлик ҳуқуқни қўллашни амалга оширишга юзаки ёндашилишига, тафсилотларни текширишни истамасликка ва бунинг оқибати ўлароқ - ҳуқуқни қўллашда камчиликларга йўл қўйилишига олиб келади.

Ҳуқуқни қўлловчи субъектнинг янглиш қарорлар қабул қилишига сабаб бўлувчи бошқа бир омил - ҳуқуқни қўллашни амалга ошириш субъекти учун зарур бўлган тегишли кўникма ва қобилиятларнинг йўқлиги. Юқори малакали мутахассис бўлиб етишиш ҳаммага ҳам насиб этавермайди; ҳуқуқни қўлловчи шахс бой тажрибага эга бўлсада, лекин унда зарурий қобилиятлар етарли бўлмаса, тажриба ўз-ўзидан келажакда хатога йўл қўймасликни кафолатламайди. Алоҳида ҳусусиятларга эга бўлган конкрет ҳолни муайян норма билан мувофиқ ҳолатга келтириш учун ҳуқуқни қўлловчи шахсдан ўз ақлий қобилиятларини фаол ишга солиши талаб этилади.

Давлат ҳокимияти органларининг ҳуқуқни қўллаш фаолиятидаги нуқсонларнинг сабаби ҳуқуқни қўллаш соҳасида тажрибасизлик ҳам бўлиши мумкин. Ҳуқуқни қўллаш фаолиятида тажрибасизлик шахс ҳуқуқни қўллашни амалга оширишнинг барча усуллари ва йўллари мукамал билмаслигида, шу жумладан мавжуд фактик маълумотларга баҳо беришда хатога йўл қўймаслик учун зарур кўникмаларга

эга эмаслигида, улардан нўноқлик билан фойдаланишида, у ёки бу фактик ҳолатларнинг аҳамиятига тўғри баҳо бермаслигида намоён бўлиши мумкин.

Ҳуқуқни қўллаш фаолиятидаги нуқсонлар амалда ўз оқибатларининг турлитуманлиги билан ҳам белгиланади. Давлат ҳокимияти олий органлари ҳуқуқни қўллаш соҳасида йўл қўядиган камчиликлар айниқса катта ижтимоий хавф туғдиради. Бундай камчиликлар кишилар онгига салбий таъсир кўрсатади ва давлат ҳокимияти органларининг ҳар қандай қарорларига нисбатан хавотир билан қараш муносабатини шакллантиради.

Бизнинг кузатишимизга кўра, ва мутахассисларнинг хулосаларига мувофиқ ҳуқуқни қўллаш фаолиятидаги жиддий камчиликлар одил судлов тизимда ва ички ишлар ходимлари амалиётида кўзга ташланади [6, Б.29].

Ҳуқуқни қўллаш фаолиятидаги хатоликларнинг энг оғир оқибатлари одил судлов тизимида юзага келиши мумкин. Ҳуқуқий оқибатлар жиноятни нотўғри квалификация қилиш, асоссиз жазога ҳукм қилиш ёки оқлаш билангина эмас, балки содир этилган қилмишга мувофиқ келмайдиган жазо тайинлаш билан ҳам боғлиқ бўлиши мумкин. Масалан, шахс озодликдан асоссиз маҳрум қилинган ҳолда, бу Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси билан кафолатланган ҳуқуқлар, энг аввало, эркин касб танлаш, ўзи истаган жойда яшаш имкониятлари сезиларли даражада чекланишига сабаб бўлади. Шахс жазони ўташ учун қаттиқроқ тартибли ахлоқ тузатиш муассасасига юборилиши мумкин, ҳуқуқий баҳонинг асослилигига эса жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш, судланганлик ҳолатини тугатиш ва олиб ташлаш, бошқа хил жиноят-ҳуқуқий оқибатлар ҳам боғлиқ бўлади. Айбсиз шахснинг ҳукм этилиши айниқса катта зиён етказди, лекин жинойий жавобгарликдан асоссиз озод қилиш ҳам жиддий салбий таъсир кўрсатади.

Масалан, қилмишни квалификация қилишнинг қонунга мувофиқ эмаслиги фуқаролик-ҳуқуқий оқибатларга, чунончи: турар жой майдонига бўлган ҳуқуқнинг йўқотилиши, моддий зиён ундирилиши, суд харажатлари ундириб олиниши, меҳнат шартномаси иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиниши, никоҳнинг бекор қилиниши ва ҳоказоларга сабаб бўлиши мумкин. Жиноятларни нотўғри квалификация қилишнинг ноҳуқуқий оқибатлари ҳам ҳар хилдир. Одил судлов соҳасидаги хато аҳолининг муайян қисмида суд тизими ҳам, умуман ҳуқуқни қўллаш тизими ҳам унча самарали эмас, деган тасаввур пайдо бўлишига олиб келиши мумкин. Бундан ташқари, у қонунга хилоф ҳукм қилинганларга, уларнинг оилалари ва қариндошларига истироф, улар ишлаган меҳнат жамоаларига катта моддий ва маънавий зиён етказди.

Хуллас, ҳуқуқни самарали қўллаш, унда хатолар ва нуқсонларни камайтиришнинг муқаррар шарти ҳуқуқни қўллаш субъектида ҳуқуқни қўллаш фаолияти натижаларининг барча чегаралари ва юз бериши мумкин бўлган оқибатлари ҳақида имкон қадар кенг, ишончли прогноз ахбороти мавжуд бўлиши лозимлигидир. Ҳуқуқни қўлловчи органларнинг хатоларини бартараф этиш воситаларидан бири прогнозлаш амалиёти ҳисобланади. Унинг шак-шубҳасиз афзаллиги ҳуқуқни қўллаш амалиётининг юз бериши мумкин бўлган ижобий ва салбий оқибатларини, шу жумладан қонунийликнинг бузилиши ҳолларини ҳам кенг қамраб олишида намоён бўлади.

Прогнозлаш нафақат ҳуқуқни қўлловчи шахсларнинг хатоларини улар содир этилганидан кейин аниқлаш имкониятини беради, балки уларга йўл қўймаслик, уларни бартараф этиш бўйича изчил иш олиб бориш учун ҳам имконият яратади. Бу фаолиятни прогнозлаштириш хатоларнинг сабаблари ва омилларини аниқлаш вазифаси ҳал қилишни енгиллаштиради, тегишли тавсиялар ишлаб чиқилишига

кўмаклашади.

Иқтибослар/Сноски/References

1. Тультеев И.Т. Правотворческая деятельность и прогнозирование. - Т., 2008. (Tulteev I.T. Lawmaking and forecasting - T., 2008)

2. Таджиханов Б.У. Ҳуқуқий сиёсат ва ҳуқуқий тизимнинг модернизациялашуви. - Т., 2007. (Tadjixanov B.U. Legal policy and modernization of the legal system. - T., 2007)

3. Исламов З.М. Давлат ва ҳуқуқ назарияси - Т., 2007. (Islamov Z.M. Theory of state and law. - T., 2007)

4. Горшенев В.М. Теория юридического процесса - Харьков, 1985. (Gorshenev V.M. Theory of legal process. - Kharkov, 1985)

5. Одилқориев Х.Т. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Дарслик. - Тошкент. 2018. (Odilqoriev X.T. Theory of state and law. Textbook. - Tashkent. 2018).

6. Пулатова Н.С. Ҳуқуқий тартибга солиш механизмида суд ҳужжатларининг роли (назарий-ҳуқуқий масалалар). Юрид. фан. номз. дис. ... автореф. - Т., 2011. (Pulatova N.S. The role of judicial documents in the mechanism of legal regulation (theoretical and legal issues): Author. diss. ... candidate of jurisprudence. - T., 2011)

7. Мухамедов Ў.Х. Ўзбекистон Республикасида қонунчиликни тизимлаштиришнинг назарий ва амалий муаммолари: Юрид. фан. докт. дисс. ... автореф. - Т., 2010. (Muxamedov U.X. Theoretical and practical problems of systematization of legislation in the Republic of Uzbekistan: Abstract of the dissertation for the degree of Doctor of Law. - T., 2010)

8. Жавлиев Н. Ҳозирги замон ҳуқуқни тушуниш муаммолари. - Т., 2008. (Javliev N. Problems of understanding modern law. - T., 2008)

9. Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 январдаги ПФ-5618-сонли Фармони / Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. (On radical improvement of the system of raising legal awareness and legal culture in society. Decree of the President of the Republic of Uzbekistan dated January 9, 2019/ National database of legislation)

10. Маматов Х.Т. Ҳуқуқий маданият ва Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шаклланиш муаммолари. Юрид. фан. докт. дисс. ... автореф. - Т.: 2011. (Mamatov X.T. Problems of legal culture and the formation of civil society in Uzbekistan. fan. doct. diss. abstracts. - T.: 2011)

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚ. МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚ. МОЛИЯ ВА БОЖХОНА ҲУҚУҚИ

МАМАТОВ Худоёр,
Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Юристар
малакасини ошириш маркази профессори,
юримдик фанлар доктори, профессор
E-mail: x_mamatov@mail.ru

ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИНИ ИЖРОЧИЛАР ВА АҲОЛИГА ЕТКАЗИШ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

For citation (иқтибос келтириш учун, для цитирования): МАМАТОВ Х.
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИНИ ИЖРОЧИЛАР ВА АҲОЛИГА ЕТКАЗИШ
МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ // Юрист ахборотномаси -
Вестник юриста - Lawyer herald. № 2 (2020), Б.15-20.

 №2 (2020) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2020-2-2>

АННОТАЦИЯ

Мақолада қонун ҳужжатларини қабул қилиш, уларни ижрочиларга ва аҳолига етказишнинг ҳозирги ҳолати, ҳуқуқий механизмлари, афзалликлари ва мавжуд муаммолар, бу борадаги хорижий тажриба, тарихий жараёнлар, бу борадаги давлат сиёсатини амалга ошириш йўллари таҳлил қилинган. Аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда қонун ҳужжатларининг тутган ўрни, ҳуқуқий нормаларни аҳолига содда тилда тушунтириш ишларини янада кенгайтириш, олимлар ва мутахассисларнинг норматив ҳуқуқий ҳужжатларга берадиган шарҳлари, изоҳларини оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш, қонун ҳужжатларидаги бўшлиқларни тўлдириш масалалари юзасидан илмий асосланган таклифлар билдирилган.

Калит сўзлар: Конституция, норматив-ҳуқуқий ҳужжат, ҳуқуқий ахборот, ҳуқуқий маданият, ҳуқуқий таълим, инсон ҳуқуқлари, ҳуқуқий тарғибот, ҳуқуқий тарбия.

МАМАТОВ Худоёр,
Профессор Центра повышения квалификации юристов при Министерстве
юстиции Республики Узбекистан, доктор юридических наук, профессор
E-mail: x_mamatov@mail.ru

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МЕХАНИЗМОВ ДОВЕДЕНИЯ НОРМАТИВНЫХ АКТОВ ИСПОЛНИТЕЛЯМ И НАСЕЛЕНИЮ

АННОТАЦИЯ

В статье представлен подробный анализ современного состояния принятия законодательства, его распространения исполнителям и общественности, правовых механизмов, их преимуществ и существующих проблем, зарубежного опыта, исторических процессов в этой области. Предоставлены научно-обоснованные предложения по заполнению существующих правовых пробелов в распространении законодательства исполнителям и общественности, дальнейшему расширению работы по разъяснению населению норм законодательства доступным языком, при более широком использовании средств массовой информации, широкое освещение в СМИ официальных и неофициальных комментариев ученых и специалистов в области нормативно-правовых актов, связанных с развитием правовой культуры населения и граждан.

Ключевые слова: Конституция, нормативно-правовой документ, правовая информация, правовая культура, правовое воспитание, права человека, правовая защита, правовое воспитание.

MAMATOV Khudoyor,

Professor of the Lawyers' Training Center under the Ministry of Justice of the Republic of Uzbekistan, Doctor of Law Sciences, Professor

E-mail: x_mamatov@mail.ru

IMPROVEMENT OF MECHANISMS FOR CONDUCTING REGULATORY ACTS TO EXECUTORS AND POPULATION

ANNOTATION

This article provides a detailed analysis of the current state of adoption of legislation, its dissemination to executors and the public, legal mechanisms, their advantages and existing problems, foreign experience, historical processes in this area. Scientifically substantiated proposals have been made to fill the existing legal gaps in disseminating legislation to executors and the public, to further expand work on explaining legislation to the population in an accessible language, with wider use of the media, widespread media coverage of official and unofficial comments by scientists and experts in the field of regulatory -legal acts related to the development of the legal culture of the population and citizens.

Keywords: Constitution, regulatory document, legal information, legal culture, legal education, human rights, legal protection, legal education.

Халқнинг ҳуқуқий билимини ошириш, жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш демократик давлат ва эркин фуқаролик жамиятини қуришнинг муҳим шартларидан бири ҳисобланади. Мамлакатимизда бу масала давлат сиёсати даражасига кўтарилган бўлиб, ўтган давр мобайнида қабул қилинаётган қонун ҳужжатларини кенг халқ оммаси ва ижрочиларга содда ҳамда раван тилда етказиш, бу йўналишда ҳуқуқий-маърифий тадбирлар кўламини кенгайтиришни тизимли равишда ривожлантиришнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари яратилди.

Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги фармони билан қабул қилинган "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини

ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси" барча йўналишдаги ислохотларимизда дастурамал бўлиб хизмат қилапти. Ислохотларнинг асосий моҳияти эса - аҳолининг турмуш тарзи ва ҳаёт сифатини тубдан яхшилаш, жамиятда ҳуқуқий онг ва маданиятни юксалтириш, Ўзбекистонни юксак тараққий этган давлатлар қаторига олиб чиқишни кўзда тутди.

Тарихга назар ташлайдиган бўлсак, қадим замонлардан жамият аъзоларининг ҳуқуқий саводхонлиги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш масалалари давлат ва жамият тараққиётида ниҳоятда муҳим аҳамият касб этиб келган. Шарқда ҳуқуқий тарбияга аввало, зардуштийларнинг улуг китоби бўлган "Авесто"да жиддий эътибор қаратилган бўлса, кейинчалик ислом дини кириб келгач ҳадисшунос ва фикҳшунос олимларимиз бу долзарб масалани доимий равишда такомиллаштириб борилишига ўз ҳиссаларини қўшганлар. Буюк мутафаккирлар Абу Райҳон Берунийнинг "Ҳиндистон", Бурхониддин Марғинонийнинг "Ҳидоя", Абу Наср Фаробийнинг "Фозил одамлар шаҳри" асарларида ҳуқуқий тарбиянинг юксалтирилиб борилишига алоҳида эътибор қаратилади. Жумладан, Абу Наср Фаробийнинг ўғитларига кўра, фозил одамлар шаҳри аҳолиси амал қилиши лозим бўлган муҳим қоидалардан бири, қонунларни билиш ва унга итоат этишдир [1].

Олимларнинг тадқиқотларида қайд этилишича, қадимги Греция ва Римда қонунларни ўргатиш инсоннинг болалик давридан бошланган. Рим давлатида 14 ёшдан кичик бўлган болалар "12 жадвал" Қонунларини ёд олишган. Россия маданий тараққиётида алоҳида ўрин тутадиган Пётр I томонидан тақдим этилган "Россиялик болаларни ёшлик пайтидан баркамолликка эриштириш учун ўқитиш ва меҳнат орқали тарбиялаш" концепциясида барча юридик адабиётларни таржима қилиб ўқитиш ҳақида махсус кўрсатмалар берилган.

Ҳуқуқий тарбия муаммолари Франция, Англия, Италия каби Европа давлатларида, шунингдек АҚШда ҳам давлат миқёсида муҳокама қилиниб, ечимлари топилган. Бунда ҳуқуқий тарбиянинг ёшларга бўлган таъсири фақат ахлоқий бўлиб қолмасдан, бир вақтнинг ўзида катта сиёсий аҳамиятга эга эканлиги назарда тутилган. Масалан, Францияда 1879 йилда жорий этилган мактабларда ахлоқ ва ҳуқуқ қоидаларини ўқитиш "фуқаро", "Ватан", "армия", "қонун", "жамият", "адолат" сўзларининг маъноларини тушунтириб беришдан бошланганлиги илмий манбаларда ўз аксини топган.

Бугун ҳам замонавий демократик ҳуқуқий давлатларнинг ҳаётида ҳуқуқий таълим ва тарбия беришга жиддий эътибор қаратилади. 2003 йил Венада бўлиб ўтган Инсон ҳуқуқлари бўйича иккинчи Жаҳон конференциясида инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим бериш масалаларига ҳам жиддий эътибор қаратилди. Демократик ҳуқуқий жамият қуриш кўп жиҳатдан фуқаровий-ҳуқуқий таълим даражасига боғлиқ. БМТ илгари сурган "таълим-демократия асоси", деган даъват эса мактаблар, олий ўқув юртлари, ўқитувчилар ушбу вазифани ҳал этишда алоҳида роль ўйнашидан далолатдир [2].

Мамлакатимизда ҳам мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ҳуқуқий соҳадаги давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган. Хусусан, БМТнинг Инсон ҳуқуқлари соҳаси таълим ўн йиллиги (1995-2004) доирасидаги тавсияларини рўёбга чиқариш асносида юртимизнинг барча таълим масканларида "Инсон ҳуқуқлари" ўқув курси татбиқ этилди.

Бугунги кунда ҳуқуқий билимларни ўқитиш мактабгача тарбия муассасаларидан бошлаб, олий ўқув юртигача бўлган барча босқичларда узвийлиги таъминланган конституциявий-ҳуқуқий таълим тизими яратилган. Унга мувофиқ ёшлар онгига Конституция ва қонунларнинг мазмун-моҳияти, ижтимоий ҳаётдаги амалий

аҳамияти сингдирилиб борилади. Айниқса, Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида бу масалага жиддий эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Конституциямиз қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишлаб ўтказилган тантанали маросимдаги маърузасида ҳуқуқий тарғибот масаласига алоҳида тўхталиб, қўйидаги фикрларни билдирган эди. "Ҳаммамиз яхши тушунамизки, қонунларни қабул қилиш - бу ишнинг бир қисми, холос. Асосий масала - қонунларнинг мазмун-моҳиятини халқимизга ва масъул ижрочиларга ўз вақтида етказиш, уларнинг ижросини тўғри ташкил этиш ҳамда қонун талабларига қатъий амал қилишни таъминлашдан иборатдир" [3].

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 8 февралдаги "Қонун ҳужжатларини тарқатиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-2761-сон қарори бу борадаги давлат сиёсатининг янги бир босқичини бошлаб берди. Ушбу қарор билан норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тарқатиш тизимини тубдан такомиллаштириш, ижрочилар ва аҳолини қонун ҳужжатларининг моҳияти ва аҳамияти ҳақидаги ҳуқуқий ахборот билан таъминлашнинг сифатини ошириш, ушбу соҳадаги ишларни ташкил этишга принципиал янги ёндашувларни ишлаб чиқиш бўйича қўйидаги муҳим вазифалар белгиланди. Жумладан, вазирлик, давлат қўмиталари, идоралар, хўжалик бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни, уларга киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларни ижрочиларга ўз вақтида етказишни таъминлаш, уларнинг моҳияти ва аҳамиятини тушунтириш, шунингдек тегишли қонун ҳужжатлари матнидан монеликсиз фойдаланиш имконини яратиш ва ўз таркибий ва ҳудудий бўлинмаларида қонун ҳужжатлари нормаларининг бир хилда қўлланилиши устидан доимий назоратни амалга ошириб боришни таъминлаш.

Бундан ташқари, 2017 йилнинг февраль ойидан бошлаб шундай тартиб ўрнатилдики, унга кўра:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритилаётган қонун лойиҳалари матнларида тегишли қонунлар қабул қилингандан кейин унинг ижросини ташкил этиш, ижрочиларга етказиш ва аҳоли ўртасида моҳияти ва аҳамиятини тушунтиришни ташкил этишга масъул бўлган аниқ давлат органлари, шу жумладан давлат бошқаруви органлари кўрсатилиши шарт;

ҳужжат назоратни амалга ошириш юклатилган масъул давлат органи ёки ташкилоти, шунингдек, мансабдор шахслар томонидан имзолангандан кейин, уни ижро этиш, ижрочиларга етказиш ҳамда моҳияти ва аҳамиятини аҳоли ўртасида тушунтириш юзасидан чора-тадбирлар режаси тасдиқланади;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар имзоланган куни ахборот-таҳлилий материаллари билан бирга (норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг концепцияси баён этилган тушунтириш хати, ўзгартириш ва қўшимчалар тушунтирилган ҳолдаги таққослаш жадвали) қоғоз ва электрон шаклда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига юборилади;

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир кунлик муддатда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ва тегишли ахборот-таҳлилий материалларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган рўйхат бўйича барча давлат органлари ва ташкилотларига электрон шаклда етказилишини таъминлайди;

давлат органлари ва ташкилотлари норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ахборот-таҳлилий материаллари асосида, қабул қилинган қонун ҳужжатларини ижрочиларга етказиш ҳамда моҳияти ва аҳамиятини аҳолига тушунтириш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилишини таъминлайди [4].

Шу ўринда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари олдида турган бир қатор вазифалар тўғрисидаги фикрларни билдириб ўтиш мақсадга мувофиқ.

Биринчидан, бугунги кун ахборот коммуникация технологиялари имкониятидан келиб чиққан ҳолда, ҳуқуқий ахборотни тарқатиш ва ҳуқуқий тарғибот ўтказишнинг амалдаги тизимини танқидий таҳлил қилиш орқали мониторинг қилиб, бу соҳадаги муайян камчиликларни аниқлаш ва унинг ечимини топиш;

иккинчидан, оммавий ахборот воситалари, айниқса, сўнгги йилларда кенг жамоатчиликнинг асосий ахборот олиш манбаига айланган ижтимоий тармоқлар, интернет сайтлари ("uza.uz" "kun.uz", "daryo.uz", "xabar.uz")га материаллар жойлаштириб бориш, Ўзбекистон МТРКнинг теле ва радиоканаллари, шунингдек нодавлат телеканаллар "Sevimli", "ZO'R TV", "Uzreport TV", "Mening yurtim" телеканаллари билан амалий ҳамкорликни кучайтириб, уларда қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини содда тилда, аҳолига тушунарли қилиб очиб берадиган телекўрсатув ва радиоэшиттиришларни доимий равишда эфирга узатиб боришни йўлга қўйиш;

учинчидан, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг Матбуот хизматлари расмий веб-сайтларида ёки матбуот органларида ўзларининг соҳаси бўйича янги қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга шарҳларни бериб бориш амалиётини кенг йўлга қўйиш;

тўртинчидан, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларида жамоатчилик асосида "Ҳуқуқий тарғибот ва маърифат" гуруҳларини тузиш ва аҳоли билан сайёр учрашувлар, мулоқотлар (онлайн, видеоконференцалоқа, телеграмм, Zoom дастурларидан фойдаланган ҳолда) ўтказишни ташкил этиш амалий аҳамият касб этади.

Ривожланган демократик давлатлар жамият ҳаётига бир назар ташланса, қонунга итоат қилмаган, қонунни менсиммаган кишилар "ижтимоий масъулиятсиз" тоифага киритилиб, ниҳоятда қаттиқ қораланади. Энг муҳими, кўпчилик давлатларда қонунларга бўйсунгани назорат қилиш жамоатчилик назорати орқали амалга оширилади.

Очигини эътироф этиш керакки, қонунларга сўзсиз итоат қилиш масаласини баъзи ўринларда хорижий мамлакатлар тажрибасидан ўрганиш лозим. Агар, кундалик ҳаётимизга чуқур назар ташласак ёки оммавий ахборот воситалари орқали тарқатилаётган маълумотларни таҳлил этадиган бўлсак, аҳолининг ҳуқуқий маданияти билан боғлиқ жиддий муаммолар борлиги кўзга ташланади.

Хулоса қилиб айтганда, юксак ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият ҳар бир инсоннинг ҳуқуқий тафаккури юксалишига омил бўлади. Ҳуқуқий тафаккури юксак инсон эса, қонунларга сўзсиз итоат этади. Қонун устуворлигининг амалда таъминланиши эса, жамият ва давлат тараққиётини белгиловчи асосий мезонлардан бири ҳисобланади.

Иқтибослар/Сноски/References

1.Абу Наср Фаробий., "Фозил одамлар шаҳри". "Янги аср авлоди", 2018 йил., 278-бет. (Abu Nasr al-Farabi, "The City of Noble People", "The Generation of the New Century", 2018)

2."Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш миллий тизими". Тошкент, "Ўзбекистон" нашриёти, 2010 йил. ("Universal Declaration of Human Rights and the National System for the Protection of Human Rights in Uzbekistan", Tashkent, "Uzbekistan" Publishing House, 2010)

3. "Халқ сўзи" газетаси. 2016 йил 8 декабрь. ("Xalq So'zi", December 8, 2016)

4. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси "Lex.uz" расмий сайти. (National database of the legislation of the Republic of Uzbekistan Official site "Lex.uz")

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ. ТАДБИРКОРЛИК ҲУҚУҚИ. ОИЛА ҲУҚУҚИ. ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚ

ИСМАИЛОВА Раъно Шухрат қизи,

Докторант (PhD) Университета мировой экономики и дипломатии

E-mail: r.fayzieva@mail.ru

ДОГОВОР В СИСТЕМЕ МЕЖДУНАРОДНЫХ АВТОМОБИЛЬНЫХ ПЕРЕВОЗОК ГРУЗОВ

For citation (иқтибос келтириш учун, для цитирования): ИСМАИЛОВА Р. Ш. ДОГОВОР В СИСТЕМЕ МЕЖДУНАРОДНЫХ АВТОМОБИЛЬНЫХ ПЕРЕВОЗОК ГРУЗОВ // Юрист ахборотномаси - Вестник юриста - Lawyer herald. № 2 (2020), С.21-29.

 №1 (2020) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2020-2-3>

АННОТАЦИЯ

Данная статья изучает понятие, виды и систему договоров международных перевозок грузов автомобильным транспортом. Мнения различных ученых о теоретических аспектах договора перевозки грузов, а также анализ свойств договора международной перевозки грузов автомобильным транспортом детально отражены в представленном материале. Консенсуальность или реальность договора перевозки грузов и других смежных договоров поставлены в центре проведенного исследования. Анализ проведенных научных исследований правовой природы договора международной перевозки грузов показывает наличие в науке гражданского права различных взглядов в отношении данной тематики. Несмотря на множество научных работ по исследуемой теме и их ценность, в статье делается вывод, что в Узбекистане недостаточно уделено внимание обобщению правового регулирования договора перевозки грузов отдельными видами транспорта, в частности автомобильным.

Ключевые слова: договор перевозки грузов, реальный, консенсуальный, автомобильная перевозка, система, международная перевозка.

ИСМАИЛОВА Раъно Шухрат қизи,

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети (PhD) докторанти

E-mail: r.fayzieva@mail.ru

АВТОМОБИЛЬ ОРҚАЛИ ХАЛҚАРО ЮК ТАШИШ ТИЗИМИДА ШАРТНОМА

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада автомобиль орқали халқаро юк ташиш шартномаси тушунчаси, турлари ва тизими ўрганилган ва мазкур масаланинг назарий жиҳатлари юзасидан қатор олимларнинг фикрлари ўз аксини топган. Юк ташиш шартномаси ва бошқа турдош шартномаларнинг консессуал ёки реаллиги масалалари ёритилган. Халқаро юк ташиш шартномасининг ҳуқуқий табиатининг илмий таҳлили фуқаролик ҳуқуқи фанида юқорида қайд этилган масалага нисбатан турли қарашлар мавжудлигини исботлайди. Ўрганилаётган масала бўйича илмий ишлар мавжудлиги ва уларда берилган маълумотлар муҳимлигига қарамасдан, Ўзбекистонда алоҳида транспорт турлари, айниқса, автомобиль орқали юк ташиш шартномаси бўйича илмий тадқиқотларни умумлаштиришга етарлича эътибор қаратилмагани тўғрисида хулоса қилинган.

Калит сўзлар: юк ташиш шартномаси, реал, консессуал, автомобиль орқали ташиш, тизим, халқаро ташиш.

ISMAILOVA Rano,

University of World Economy and Diplomacy, PhD candidate

E-mail: r.fayzieva@mail.ru

CONTRACT IN THE SYSTEM OF INTERNATIONAL CARGO TRANSPORTATION BY ROAD

ANNOTATION

This article studies the concept, types and system of contracts for the international carriage of goods by road. It gives the opinions of various scientists on the theoretical aspects of the contract for the carriage of goods, as well as an analysis of the features of the contract for the international carriage of goods by road. The consensual or real features of the contract for the carriage of goods and other related contracts are at the center of the analysis given in the article below. An analysis of the scientific researches on the legal nature of the contract for the international carriage of goods shows the existence of different views in the science of civil law. Despite the fact that there are many valuable scientific works on the given topic, the article concludes that in Uzbekistan there is not enough attention to the generalization of scientific research regarding the legal regulation of the contract for the carriage of goods by certain modes of transport, in particular by road.

Keywords: contract for carriage of goods, real, consensual, road transport, system, international transportation.

Регулирование сферы перевозок грузов автомобильным транспортом является одним из ключевых направлений политики Узбекистана. В своем Послании Олий Мажлису 24 января 2020 года Президент Республики Узбекистан Шавкат Мирзиёев отметил структурные преобразования, осуществляемые в сфере транспорта, а также необходимость полной цифровизации данной сферы. Президент среди прочего уделил особое внимание развитию государственно-частного партнерства для развития транспорта, а также поднял вопрос о внедрении механизмов компенсации государством части расходов на использование автомобильного и

воздушного транспорта для поддержки экспорта [1].

Бу борада тадқиқотчиларнинг ёндашувлари турли туман бўлиб, аксарият тадқиқотчилар фикрига мувофиқ, чет давлатлар суд қарорларини тан олиш қарздор жойлашган давлатнинг суверенитети чекланиши билан боғлиқ [6, Б.252]. Лекин

мазкур фикрни инкор этган А.А. Рубанов давлатнинг чет давлат ҳуқуқини қўллаш ёки чет давлат суд қарорини тан олишининг ихтиёрийлиги давлат суверенитетини чеклаш масаласини инкор этишини таъкидлайди [8, Б.94]. Бундан ташқари, мазкур қарорлар хусусий шахслар ўртасидаги низо бўйича қабул қилинганлиги учун ҳам қарздор жойлашган давлат суверенитетига раҳна солмайди [9, Б.66-84]. Фикримизча, давлатнинг суверенитети давлат функцияларини амалга оширишга бўлган давлат монополияси бўлиб, чет давлат суд қарори қарздор жойлашган давлатнинг мазкур монополияни чеклашга бўлган розилиги асосидагина амал қилади.

Чет давлатлар судлари ва арбитражлари қарорларини тан олиш тушунчасини аниқлашда унинг назарий қоидаларига тўхталиш лозим. Зеро, мазкур доктриналар қарздорнинг жойлашган давлат ҳудудида чет давлат суд қарорини тан олишнинг ҳуқуқий оқибатларини аниқлашда муҳим аҳамиятга эга.

Ҳаракатларнинг тарқалиши назарияси (инг. extension of res judicata) [13, Б.441-461] га мувофиқ суд қарорини тан олиш у қабул қилинган давлатда таъминланган юридик кучни тақдим этиш оқибатига эга бўлишдир. Мазкур ёндашув тарафдорларининг таъкидлашича, чет давлат суд қарорини тан олиш қарздор жойлашган давлатнинг ҳуқуқий ҳужжати бўлиб, унинг воситасида қарздор жойлашган давлатнинг ҳудудида қарорнинг қонуний кучи амал қилади [1, Б.149-151]. Назарияни танқид қилган тадқиқотчиларнинг фикрича, турли ҳуқуқий тизимларда суд қарорларининг ҳаракати турлича бўлиб, у қабул қилинган давлатда бўлгани каби таъсир кучини тақдим этиш кутилмаган оқибатларга олиб келиши мумкин [4, Б.145-146]. Фикримизча, мазкур ёндашув асосиздир, зеро ҳудудий устуворлик тамойилига мувофиқ суд қарори ўз ҳудудидан ташқарида ҳаракат қила олмайди, шу сабабдан чет давлат суд қарори тан олаётган давлат қонунчилиги доирасида амал қилади.

Ассимиляция назариясига мувофиқ чет давлат суд қарорининг амал қилиши тан олаётган давлатда қабул қилинган қарорнинг амал қилиши билан тенгдир. Бунда чет давлат суд қарори шунга ўхшаш иш бўйича миллий судлар қабул қилган қарор вужудга келтирадиган ҳуқуқий оқибатлардан ортиғи билан таъминламаслиги лозим [4, Б.146]. Фикримизча, чет давлат суд ҳужжатлари ёки ҳуқуқини тан олишнинг моҳияти давлат томонидан уларни ҳақиқий ва мавжуд дея ҳисобланишидир. Мазкур ёндашувни асосли деб ҳисоблаймиз, зеро, тан олинган ҳар қандай чет давлат ҳужжати миллий ҳужжат каби юридик кучга эга бўлиб, давлат ҳудудида қонуний амал қилади.

Мазкур ёндашув қатор давлатлар қонунчилигида тадбиқ этиб келинмоқда. Хусусан, Австриянинг 1896 йилги "Ижро иши ҳамда талабларни таъминлаш бўйича чоралар кўриш тўғрисида"ги Қонунининг 84b- моддасига асосан мажбурий ижро эълон қилинишининг қонуний кучга киришидан сўнг чет давлат ижро ҳужжати маҳаллий (австрия) ҳужжат сифатида қабул қилиниши лозим. Аммо унга келиб чиқувчи давлатда таъминланадиган амал қилиш кучидан ортиғи таъминланмайди [7, Б.176]. 2007 йилги Македониянинг "Халқаро хусусий ҳуқуқ тўғрисида"ги Қонунининг 100-моддасига мувофиқ, чет давлат суд қарорининг тан олиниши миллий суд қарори каби ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқаради.

Шундай қилиб, чет давлатлар судлари ва арбитражлари қарорларини тан олиш тан олаётган давлат суд қарори эга бўлган юридик кучни тақдим этиш бўлиб, мазкур тан олишни қарздор жойлашган давлат ҳудудий устуворлигининг ихтиёрий чекланиши деб ҳисоблаймиз.

Халқаро шартномалар ҳамда давлатлар қонунчилигида чет давлатлар суд ва арбитраж қарорларига нисбатан "тан олиш" билан биргаликда "ижро этиш" атамаси

ҳам қўлланилади. Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ҳамда халқаро шартномаларда атамаларнинг қўлланилишида бир хиллик мавжуд эмаслиги кузатилади. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексида "тан олиш ва ижрога қаратиш" (248-м.) қўлланилса, [10] Фуқаролик процессуал кодексида "ижро этиш" (372-м.) ва "тан олиш ҳамда ижрога қаратиш" (364-м.) белгиланган [12]. "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида" ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6-моддасида "ижро этиш" ифодаланган [11]. Халқаро шартномаларда, хусусан, 20 март 1992 йилги Хўжалик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ низоларни ҳал қилиш тартиби тўғрисида Киев Битимининг 7-моддаси ва 22 январь 1993 йилги Фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисида Минск Конвенциясининг 51-моддасида "тан олиш ва ижро этиш" келишилган.

Доктринада чет давлатлар суд қарорлари икки тоифага бўлинган: тан олиниши лозим бўлган ҳамда тан олиниши ва мажбурий ижро қилиниши лозим бўлган қарорлар [5, Б.347]. Иккинчи тоифадаги қарорларда чет давлат суд қарорини тан олиш уни мажбурий ижро қилинишининг зарурий шарти ҳисобланади. Мазкур ёндашув тарафдорлари чет давлат суд қарорини тан олиш унинг келгусидаги мажбурий ижро қилинишининг зарур шарти деб ҳисоблайди. [3, Б.47]. Мазкур фикрни Л.П. Ануфриева ҳам тасдиқлайди, чет давлат суд қарорининг тан олиниши ва ижроси бир медалнинг бир-биридан фарқланувчи икки томонидир [2, Б.379]. Мазкур фикрни асосли деб ҳисобламаймиз, негаки, чет давлат суд ва арбитраж қарорини тан олиш алоҳида мустақил процессуал ҳаракат бўлиб, ушбу суд қарорининг мажбурий ижро қилиниши талаб этилмаслиги ҳам мумкин.

Миллий қонунчилигимизга мурожаат этсак, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси (бундан кейинги ўринларда-ИПК) нинг 248-моддасига мувофиқ чет давлатлар судларининг ва арбитражларининг ҳал қилув қарорлари Ўзбекистон Республикасининг тегишли халқаро шартномалари ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда иқтисодий судлар томонидан тан олинади ва ижрога қаратилади [10]. ИПКнинг 248-249-моддаларида "тан олиш ва ижрога қаратиш" тушунчасининг қўлланилиши процессуал қонунчиликда чет давлат судлари ва арбитражлари қарорларининг Ўзбекистонда миллий судлар қарорлари каби амал қилишининг тартибга солинишини намоён этади.

Тан олинган ва ижрога қаратилган чет давлатлар судлари ва арбитражлари қарорлари Ўзбекистон ҳудудида ҳуқуқий оқибат келтириб чиқариши мумкин. Чет давлат ваколатли судининг иш юритувида айни бир шахслар ўртасидаги, айни бир предмет тўғрисидаги ва айни бир асослар бўйича низо юзасидан қонуний кучга кирган ҳал қилув қарорининг мавжуд бўлиши ИПКнинг 110-моддасига асосан, иш юритишни тугатиш учун асос ҳисобланади, бундан иқтисодий суд томонидан чет давлат судининг ҳал қилув қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш рад этилган ҳоллар мустасно. Бундан ташқари, ИПКнинг 243-моддасига асосан чет давлат судининг айни бир шахслар ўртасидаги, айни бир предмет тўғрисидаги ва айни бир асослар бўйича қабул қилинган, қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори мавжуд бўлса, ушбу ишни кўриш Ўзбекистон Республикаси иқтисодий судининг мутлақ ваколатига кирмаса ёки кўрсатилган ҳал қилув қарори тан олинса ва ижро этилса, иқтисодий суд иш юритишни тугатади. Демак, ИПКнинг 243-моддасига мувофиқ, процессуал оқибатлар чет давлат суди қарори Ўзбекистон Республикасида тан олинган ва ижро этилган ҳолларда вужудга келади. Таъкидлаш жоизки, чет давлат суди ва арбитражи қарорининг тан олиниши ёки ижро этилиши иқтисодий суднинг тан олиш ёки ижро этиш тўғрисидаги ажрими қабул қилиниши билан ифодаланади. Шу ўринда, чет давлат судларининг ва арбитражларининг

ҳал қилув қарорларини ижрога қаратиш 258-моддасида мустақамланган бўлиб, чет давлат судининг ёки арбитражининг ҳал қилув қарорини тан олиш ва ижрога қаратиш бу ҳақда ажрим чиқарган суд томонидан бериладиган ижро варақаси асосида Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

ИПКнинг 248-258-моддаларида чет давлатлар судлари ва арбитражлари қарорларини тан олиш ва ижрога қаратишнинг процессуал тартиби белгиланган бўлсада, ижрога қаратиш талаб этилмайдиган ишлар бўйича чет давлатлар судлари ва арбитражлари қарорларини тан олишнинг процессуал тартиби мустақил ҳолда тўғридан-тўғри тартибга солинмаган. Чет давлатлар судлари қарорларини тан олиш ва ижрога қаратиш ўртасида сабабий боғланиш масаласида тадқиқотчиларнинг фикри турлича. К.Керамеуснинг таъкидлашича, ҳозирги замон аксарият ҳуқуқий тизимларида чет давлатлар судлари қарорларини "тан олиш" ва уни "мажбурий ижрога қаратиш" ўртасидаги фундаментал фарқлар тўғрисидаги фикрлар қўллаб-қувватланмоқда [14, Б.335]. Мазкур фарқлар шундан иборатки, чет давлат суди қарорини тан олишнинг моҳияти суд қарорининг истисно ("res judicata effect of foreign judgment") хусусиятига эгаллигидир, "мажбурий ижро" эса ундирувни қарздорнинг мол-мулкига қаратиш ёки уни мажбуриятни бажаришга мажбур қилишдир. Мазкур ёндашув хорижий давлатлар қонунчилигида ҳам ифодаланган, жумладан, Россия Федерациясининг 24 июнь 2002 йилги Арбитраж процессуал кодексининг 245-1-моддасига мувофиқ, мажбурий ижро талаб этилмаган чет давлатлар судлари ва арбитражлари қарорлари, агар манфаатдор тараф томонидан эътироз билдирилмаса, иш юритувсиз тан олинади. Кодексда чет давлатлар судлари ва арбитражлари қарорларини иш юритувсиз тан олиш ҳамда мажбурий ижрога қаратиш алоҳида тартибга солинган. Бунда суд қарорини тан олишнинг процессуал талабларидан ижрога қаратиш учун ҳам қўлланилади. Демак, чет давлат суд қарорининг тан олиниши унинг мажбурий ижрога қаратилишининг дастлабки шарти ҳисобланмайди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, такидлаш лозимки, доктринада чет давлат суди қарорини тан олиш икки маънода тушунилади. Кенг маънода чет давлат суд ва арбитраж қарорининг тан олаётган давлат ҳудудида қонуний кучга эгаллигига бўлган давлатнинг розилиги тушунилади. Мазкур суд қарорлари тор маънода тан олаётган давлат ҳудудида мажбурий ижрога қаратилиши лозим бўлган чет давлат суд қарорининг истисно хусусиятига эга бўлишига давлатнинг розилигини англатади. Бунда чет давлат суди ва арбитражи қарорини тан олиш уни мажбурий ижрога қаратишни назарда тутмайди, яъни мазкур қарорларни тан олиш ва ижрога қаратиш ўртасида сабабий боғланиш мавжуд бўлмайди.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ, чет давлат суд ва арбитражи қарорини тан олиш уни ижрога қаратишнинг зарурий шарти бўлиб, мазкур қарорларни тан олишнинг уларни мажбурий ижро этишдан алоҳида, мустақил процессуал тартиби белгиланмаган. Бу эса, мазкур суд ҳужжатларни тан олиш ва ижрога қаратиш ўртасидаги сабабий боғланишнинг ноаниқлигидан далолат беради. Доктрина ҳамда чет давлатлар ҳуқуқни қўллаш амалиётига мувофиқ ИПКнинг 33-бобини ижрога қаратиш талаб этилмайдиган чет давлатлар судлари ва арбитражлари қарорларини тан олишнинг процессуал тартиби билан тўлдириш мақсадга мувофиқ.

Доктринага мувофиқ, тан олинган ҳамда ижрога қаратилган чет давлатлар ва арбитражлари қарорлари миллий суд қарорлари билан тенглаштирилган экан, ИПКнинг 73-моддасини тан олинган ва ижрога қаратилган чет давлатлар судлари ва арбитражлари қарорлари билан аниқланган ҳолатлар суд худди шу шахслар

иштирок этаётган бошқа ишни кўраётганида янгидан исбот қилинмаслиги тўғрисидаги банд билан тўлдириш мақсадга мувофиқдир.

Иқтибослар/Сноски/References

1.Аверин Д.Д. Положение иностранцев в советском гражданском процессе. - М.: Издательство Московского университета, 1966. (Averin D.D. The position of foreigners in the Soviet civil process. - Moscow: Moscow University Press, 1966)

2.Ануфриева Л.П. Международное частное право: учебник :3 т. - М.: БЕК, 2001. (Anufrieva L.P. International private law: textbook: V.3. - М.: БЕК, 2001)

3.Зайцев Р.В. Признание и приведение в исполнение в России иностранных судебных актов / под ред. В.В. Яркова. - М.: Волтерс Клувер, 2007. (Zaitsev R.V. Recognition and enforcement of foreign judicial acts in Russia / ed. V. V. Yarkov. - Moscow: Wolters Kluwer, 2007.)

4.Куликова Д.С. Основные концепции, лежащие в основе института признания и приведения в исполнение судебных решений зарубежных стран. Вестник РГГУ. Серия "Экономика. Управление. Право". - М.:2014. (Kulikova D.S. The main concepts underlying the institute of recognition and enforcement of judicial decisions of foreign countries. RSUH Bulletin. Series " Economy. Management. Pravo". - Moscow: 2014.)

5.Лунц Л.А. Международное частное право. Всесоюзный институт юридических наук Министерства юстиции СССР. - М.: Юрид. изд-во, 1949. (Lunts L.A. International private law. All-Union Institute of legal sciences of the Ministry of justice of the USSR. - Moscow: Yurid. ed., 1949)

6.Марышева Н.И. Семейные отношения с участием иностранцев: правовое регулирование в России. - М.: Волтерс Клувер, 2007. (Marysheva N.I. Family relations with the participation of foreigners: legal regulation in Russia.Moscow: WoltersKluwer, 2007)

7.Международное частное право: иностранное законодательство / Сост. и научн. ред. А.Н. Жильцов, А.И. Муранов. - М.: Статут, 2000.. (International private law: foreign legislation / Comp. and scientific ed. A.N. Zhiltsov, A.I. Muranov. - Moscow: Statute, 2000)

8.Рубанов А.А. Теоретические основы международного взаимодействия национальных правовых систем. - М.: Наука, 1984. (Rubanov A.A. Theoretical bases of international interaction of national legal systems. - Moscow: Nauka, 1984)

9.Терехов В.В. Дискуссия о возможности и необходимости трансграничного действия судебных решений // Вестник гражданского процесса, 2014, N 1. (Terekhov V.V. Discussion about the possibility and necessity of cross-border action of judicial decisions // Bulletin of civil procedure, 2014, N 1)

10.Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси. Расмий нашр - Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. - Т.: Адолат, 2018 й. (Economic procedural code of the Republic of Uzbekistan. The official publication - the Ministry of Justice of the Republic of Uzbekistan. - Tashkent: Justice, 2018)

11.Ўзбекистон Республикасининг "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида" ги Қонуни, 2001 йил 29 август. (Law of the Republic of Uzbekistan "On Execution of documents of judicial and other bodies", August 29, 2001) <https://www.lex.uz/acts/26477>

12.Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси, 2018 йил 22 январь.(Code of Civil Procedure of the Republic of Uzbekistan, January 22, 2018) <https://lex.uz/docs/3517337>

13.Harder S. The effects of recognized foreign judgments in civil and commercial matters. International and Comparative Law Quarterly / Volume 62 / Issue 02 /April

2013.- Cambridge University Press, 2013.

14. Kerameus K.D. Enforcement in the international context in: *Recueil Des Cours: Collected Courses of the Hague Academy of International Law.* - Leiden: Martinus Nijhoff Publishers, 1998.

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

ZAYNOBIDDINOVA Farangiz,

University of World Economy and Diplomacy, PhD candidate

E-mail: FZaynobiddinova@uwed.uz

REFORMS IN THE INVESTMENT LEGISLATION OF UZBEKISTAN

For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования): ZAYNOBIDDINOVA F.B. REFORMS IN THE INVESTMENT LEGISLATION OF UZBEKISTAN // Юрист ахборотномаси - Вестник юриста - Lawyer herald. № 2 (2020), P.45-52.



№2 (2020) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2020-2-6>

ANNOTATION

This article discusses the implementation of an active investment policy and the issues of the modern investment legislation in the country taking into account the main tasks set by the President in the Message of 2020. Besides, the scientific work analyses the features and differences of the previous legislation of the Law of the Republic of Uzbekistan "On Investments and Investment Activities". Moreover, based on the study, the main factors of a favorable investment environment and modern investment policy in the country are identified as an answer to the question of why investors should invest in Uzbekistan today.

Keywords: investment, investment agreement, investment legislation, investment subsidy, mediation, state support, tax credit. foreign trade.

ЗАЙНОБИДДИНОВА Фарангиз Бахтиёр қизи,

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети (PhD) докторанти

E-mail: FZaynobiddinova@uwed.uz

ЎЗБЕКИСТОН ИНВЕСТИЦИЯ ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада мамлатимизда фаол инвестициявий сиёсатини амалга ошириш, бу борада Президентимизнинг 2020 йилги Мурожаатномасида белгиланган асосий вазифалар ҳамда замонавий инвестиция қонунчилигига оид масалалар кўриб чиқилди. Шунингдек, илмий ишда Ўзбекистон Республикасининг "Инвестициялар ва инвестициявий фаолият тўғрисида"ги Қонунининг ўзига хос хусусиятлари ва аввалги қонунчилик ҳужжатларидан фарқли жиҳатлари таҳлил қилинди. Бундан ташқари, мақолада қулай инвестиция муҳити ва замонавий инвестиция

сиёсатининг асосий омилларини қайд этиш орқали нима сабабли айнан Ўзбекистонга инвестиция киритиш мақбуллиги тўғрисидаги саволга жавоб беришга ҳаракат қилинди.

Калит сўзлар: инвестиция, инвестиция шартномаси, инвестициявий қонунчилик, инвестиция субсидияси, медиация, давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, солиқ кредити, ташқи сиёсат.

ЗАЙНОБИДДИНОВА Фарангиз Бахтиёр қизи,
Докторант (PhD) Университета мировой экономики и дипломатии
E-mail: FZaynobiddinova@uwed.uz

РЕФОРМЫ ИНВЕСТИЦИОННОГО ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА УЗБЕКИСТАНА

АННОТАЦИЯ

В статье, с учётом основных задач указанных в Послании Президента 2020 года рассматриваются вопросы реализации активной инвестиционной политики и инвестиционного законодательства в стране. В научной статье проанализированы новшества Закона Республики Узбекистан "Об инвестициях и инвестиционной деятельности" в новой редакции. На основе проведенного исследования определены основные факторы благоприятной инвестиционной среды и политики в стране как ответ на вопрос, почему инвесторы должны инвестировать именно в Узбекистан.

Ключевые слова: инвестиция, инвестиционное соглашение, инвестиционное законодательство, инвестиционная субсидия, медиация, государственная поддержка, налоговый кредит. внешняя торговля.

Uzbekistan is a resource-rich, most populated country, strategically located in the heart of Central Asia. The nominal Gross Domestic Product per capita in Uzbekistan was last recorded at 50 billion US dollars with 250 billion purchasing power parity (PPP) [1]. It is noteworthy that in 2019 Uzbekistan entered the top 20 countries in the world that achieved the greatest results in improving the business environment. It should be pointed out that in the "Doing Business" 2012 ranking, Uzbekistan was in 166th place (an increase of 97 positions). In the 2020 ranking, the country accomplished the best results in protecting minority investors, paying taxes, enforcing contracts and international trade. In fact, the republic moved up from 76th to 69th place in "Doing Business 2020" ranking among 190 countries [2].

Moreover, based on the best international practices, in December 2016 the government developed a program, "Strategy actions in five priority areas of the Republic of Uzbekistan in 2017-2021" [3]. The Strategy is directed to stimulate economic liberalization through the implementation of regulations, including the development of market mechanism, diversification of exports along with the expansion of economic and export potential, amendments of economic development policies due to export promotion and foreign direct investment attraction.

As a result, consistent measures are being undertaken in the country to implement modern, effective approaches and mechanisms for radical improvement and reform of investment policy, as well as to accelerate investment processes and to improve the business environment.

It should be noted that Investment activity is an indispensable factor of socioeconomic development of the country, which is directly linked to the reputation of the state in the

international arena. As a matter of fact, the role of investment for the state's economy is remarkable considering its substantial role in ensuring the sustainable development of the country's economy. In particular, quantitative changes in investment will have a direct impact on the dynamics of development and the systemic economic indicators of the total production volumes, employment rates and diversity of the national economy.

Accordingly, in our country, great attention is paid to investment activities. Along with this, the Republic of Uzbekistan conducts an open, mutually beneficial and constructive foreign policy based on the national interests of the country. Current foreign policy of Uzbekistan is formed taking into account the dynamic changes in the world and the region as well as large-scale reforms within the country.

In January 2020 the President of the Republic of Uzbekistan Shavkat Mirziyoyev in his Address [4] of on setting priorities and tasks for the next five years to the Legislative Chamber and Senate of the Oliy Majlis, was also paid attention to foreign policy and investment. In particular, the President emphasized the need to create the most favorable conditions for business and investment so that our community can receive sufficient income, increase the number of new enterprises and jobs along with consistently pursue an active investment policy in the country for the rapid development of the national economy. He also noted that this year investments in the amount of \$ 23 billion will be mastered with the commissioning of 206 new large production facilities, a significant part of investments amassed in 2020 will be foreign direct investment and loans. It was affirmed that at the same time, in order to support investors, installment payment mechanisms are being introduced, and the state partially compensates for the costs of creating infrastructure. Along with this, the practice of deduction of expenses for the purchase of new technological equipment, construction and modernization of new facilities during the calculation of income tax has been expanded.

In addition, the message identified such tasks as holding the Tashkent International Investment Forum at a high level, implementing public-private partnership mechanisms in transport, energy, roads, medicine, education and other areas of life so as to actively attract foreign investors together with preventing the scourge of corruption to create a real business climate and a favorable investment environment in the country.

It is noteworthy that the World Investment Report 2019 [5] of United Nations Conference on Trade and Development (UNCTAD) noted several positive indicators of the country, on initiating a project to create a special information portal, available in several languages, to provide information on visas, residence permits, registrations, tax mechanisms and other important news in Uzbekistan. It was pointed out that Uzbekistan increased the quota for issuing work permits for highly qualified foreign specialists. Accordingly, Country fact sheet Uzbekistan 2019 [6] a review of foreign direct investment (FDI) shows that recent reforms in the country have successfully affected the flow of direct investment, and in 2018 FDI increased more than 4 times compared to 2017.

In recent years, the country has undergone many reforms to effectively regulate investment activities, the relevant legislation has been revised and regulatory documents have been improved. In particular, the Decrees of the President of the Republic of Uzbekistan "On Measures for Cardinal Improvement of Investment Climate in the Republic of Uzbekistan" [7] and "On measures to Improve the Management System in the Field of Investment and Foreign Trade" [8] and the Resolutions "On measures for the Implementation of the Investment Program of the Republic of Uzbekistan for 2019" [9] and "On Measures to Further Improve the Mechanisms for Attracting Foreign Direct Investment in the Economy of the Republic" [10] were aimed at increasing the efficiency of attracting foreign direct investment in the economy, informing foreign investors about the opportunities and potential of the country, enhancing investment

attraction in priority sectors of the economy, and ensuring the interaction of the investment process with the manufacture of competitive export products.

Moreover, The Decree of the President of the Republic of Uzbekistan "On measures to Implement the Investment Program of the Republic of Uzbekistan for 2020 - 2022" [11] approved the Investment Program of the Republic of Uzbekistan for 2020 - 2022 (hereinafter - the Program), which includes summary forecast parameters for the development of capital investments in 2020 - 2022 as well as forecast parameters for the development and attraction of investments and loans in 2020 - 2022 providing for the development of investments in the amount of 850.5 trillion sums, including 35.5 billion US dollars of foreign investments; targeted program for the commissioning of large production facilities and capacities in 2020, arranging the creation of 206 new production capacities and more than 31 thousand jobs.

Furthermore, on the basis of this regulatory document, the following documents were approved:

- consolidated targeted program for the development of investments and loans in 2020, as well as forecast indicators of its quarterly performance;

- targeted program of investment projects implemented in 2020 with the attraction of foreign loans under the state guarantee of the Republic of Uzbekistan;

- targeted program of investment projects implemented in 2020 with the involvement of foreign direct investment and loans;

- a list of investment projects that require the development, approval and approval of pre-project and project documentation in 2020;

- list of promising investment projects to be developed in 2020.

However, the main document aimed at regulating investment activity in the country - the Law of the Republic of Uzbekistan "On Investments and Investment Activities" [12] (hereinafter - the Law) was adopted in a new edition on December 25, 2019. This law is directed towards regulating relations in the field of investment and investment activities carried out by foreign and domestic investors. It is the only document that combines the main provisions of laws "On Investment Activity", "On Guarantees and Measures to Protect the Rights of Foreign Investors" and "Foreign Investment Law" [13].

The new Law defines as main principles of this sphere are the rule of law, justice and equality of subjects of investment activity, non-discrimination against investors and the presumption of their good faith. It should be mentioned that this law is also notable for the fact that investment relations are regulated by more specific rules, the guarantee of investor rights is increased, and additional requirements are included in the content of investment agreements as well.

In addition, it should be pointed out that previous laws do not distinguish between foreign and local investors whereas the Article 3 of the current law provides clear definition of local and foreign investors.

Obviously, the significance of the definition of investor and investment is essential. In fact, from the perspective of a capital exporting country, the definition identifies the group of investors whose foreign investment the country is seeking to protect through the agreement, including, in particular, its system for neutral and depoliticized dispute settlement. From the capital importing country perspective, it identifies the investors and the investments the country wishes to attract; from the investor's perspective, it identifies the way in which the investment might be structured in order to benefit from the agreements' protection [14].

The third chapter of the law is entitled as "State Guarantees of the Rights of Subjects of Investment Activity and Investments Protection" and Articles 15-23 included legal

norms approving non-discrimination of investors in relation to their citizenship, place of residence or business, their country of origin or investments; the free transfer of funds in foreign currency to and from the Republic of Uzbekistan without any restrictions, on condition that the certain taxes and payments are accomplished. For instance, after the termination of the investment activity, the investor is authorised to freely repatriate the received assets in cash or in form that assets without disregarding the foreign investor's obligations to the Republic of Uzbekistan or towards other creditors. If the subsequent legislation of the Republic of Uzbekistan worsens the conditions for the investment, then the legislation that was in force on the date of investment will be applied within ten years from the date of investment. The investor has the right, at his discretion, to employ those provisions of the new legislation that improve the conditions for his investment.

1. It should be pointed out that the guarantees established by law provide for the assertion that "The state, the recipient of the property, must ensure the implementation of the rights of the investor, enshrined in the norms of investment law" [15. P.281].

2. Moreover, accordingly Stephan W. Schell the specific guarantees aim at implementing structures that are essential for the functioning of a market economy and cover aspects of the rule of law. National and most-favored-nation treatment are designed to bring about equality before the law by ensuring, as a prerequisite for fair competition, a level playing field for the economic activity of foreign and domestic economic actors. The protection against expropriation guarantees respect for property rights as an aspect of the rule of law and an essential prerequisite for market transactions; capital transfer guarantees ensure the free flow of capital in and out of the host state and contribute to the efficient allocation of resources in a global market; and umbrella clauses back up private ordering between foreign investors and the host state by ensuring that contractual and other similar promises vis-à-vis foreign investors benefit from a layer of international law protection in addition to the protections that exist under domestic law. All these standards address problems that businesses face and which concern aspects of the rule of law [16].

Chapter 6 of the Law contains rules providing with benefits and preferences for state support of investments and investment activities, according to which such benefits may include:

give value or property rights of state-owned objects to the investor with preferential or zero redemption;

tax and payments incentives;

subsidizing interest rates on loans received by the investor for implementation of the investment project.

Article 35 of the law supplies an investment tax credit that indicates changing the deadline of fulfilling a tax liability, in which the taxpayer - investor is given the opportunity to reduce the tax payments, that determined over a certain period, by systematically repaying the loan amount and accrued interest in accordance with the Tax Code [17] of the Republic of Uzbekistan.

Governments subsidies business sectors to promote economic growth, offset market imperfections, develop economies of scale and meet social policy objectives [18]. At country or industry levels, government subsidies can affect operational efficiency, production capacity, research and development activities, employment and export competitiveness [19]. Obviously, government subsidies are applied around the world to overcome market imperfections as well as article 36 of the Law states that, The Government of the Republic of Uzbekistan may provide an investment subsidy in the form of financial assistance furnished with investment preferences for the implementation of an

investment project to ensure the necessary engineering and communication conditions, as well as the provision of benefits.

One of the necessary conditions for investors is temporary registration in the territory of which they place their capital. The easy procedure and legal ensuring of obtaining and renewing such permission is of great importance in attracting more investors to the country. So, it is noteworthy that Article 47 approves the norm that Foreign investors - founders (participants) of enterprises with foreign investments have a right to receive an "Investment Visa" and their family members (spouse, parents and children) are allowed to get a "Guest Visa" considering the duration of the investment visawith the possibility of extending its term without leaving the Republic of Uzbekistan by complying with the statement of the President of the Republic of Uzbekistan.

Article 63 of the law strengthens the new multi-stage mechanism for resolving investment disputes. The new Law introduces a new multitiered argument resolution mechanism for investment disputes related to foreign investment that arising during the investment activity of a foreign investor in the territory of the Republic of Uzbekistan. The first tier requires that both parties endeavor to settle the conflicts through negotiations. If the parties fail to resolve the dispute amicably, mediation is the next step. It is noteworthy that Mediation Law [20] does not contain detailed provisions on the procedure for mediation in investment disputes. On mediation explicitly provides that mediation is based on a consensus between the parties to agree on mediation whether the refusal to mediate in a dispute will prevent the escalation of the conflict between the parties. Therefore, it is not clear to what extent mediation is mandatory for investment disputes and the transition of the dispute to the next level. The third level of the dispute resolution mechanism requires the parties to refer the dispute to the national courts of the Republic of Uzbekistan. If the parties are unable to resolve the dispute in court, the dispute may be submitted to arbitration.

Despite the adopted modern legislative documents and stable reforms, as in other sphere of the country, there are still some problems in investment activity, the solutions of which mean increasing the importance of research activities in this area.

For example, according to some foreign experts, the main obstacles to FDI in Uzbekistan are: economic diversification and dependence on commodity prices; low competitiveness; underdeveloped banking sector; state interventionism and difficult general business climate; autocratic regime [21].

Furthermore, as in other areas in investment activity, there are a number of problems associated with the implementation of legal norms as well as problems in the implementation of tax incentives and administrative barriers. In such circumstances, not only creates an unfavorable environment but also in many ways causes many investors to refuse to invest because of fear for their own investments, not only because of a lack of profitability, but more importantly for the complete loss of such investments. In order to eliminate problems, by analyzing theoretical literature on the effective legal regulation of investment activity and based on the experience of leading foreign countries, it is advisable to take the following measures:

- 1) creation of stable investment legislation;
- 2) elimination of existing economic and political barriers that adversely affect the development of investment activity;
- 3) join efforts in the direction of innovative development;
- 4) improve business education;
- 5) the creation of the most optimal economic and legal mechanisms for regulating investment activity;
- 6) the introduction of modern methods to ensure the rights of investors;

- 7) not just extending guarantees for investors, but also supplementing the legal document with legitimate interests, specific features of their protection;
- 8) reduce the tax burden for investors;
- 9) consolidate the legal norm on the investment agreement in the civil code and develop a system of investment agreements
- 10) creation of a non-profit investment risk insurance mechanism.

Moreover, one of the tools that could help eliminate almost all the problems in this area is the development and adoption of a unified investment code. This would make it possible to unify the norms of laws, bring them into line with international standards, and secure guarantees of the rights and legitimate interests of investors in a single codified act.

Along with this, there are very good reviews about Investment activity of our country based on a survey conducted earlier [22]. They considered that Uzbekistan has the best labor force, which is intelligent, hardworking and relatively low cost. The size of the internal and regional market is extremely attractive and there is a pent-up hunger for consumer goods. The central location was seen as enabling the country to become the main transport hub of the region.

Undoubtedly, the reforms in Uzbekistan in recent years, such as legislative updates, liberalization of the foreign exchange market, the provision of special guarantees and support measures (benefits and preferences) and the creation of special economic zones have made the country more attractive place for international capital.

It follows from the foregoing that we can cite many more positive features of the modern investment legislation of the Republic of Uzbekistan. Firstly, Uzbekistan has established a new modern legal framework to provide important rights and assurances to foreign investors and has avoided certain disputes with potential investors. Secondly, Uzbekistan has introduced taxation incentives to encourage FDI including "Investment Tax Credit". Thirdly, the Law established new investor support mechanisms such as "Investment Subsidies". Fourth, a new multi-level mechanism for resolving disputes between investors and the state on investment disputes. Fifth, Uzbekistan has attractive unexploited resources of minerals and appealing explorational potential for additional discoveries. Sixth, Uzbekistan also has abundant resources of land which is suitable for agriculture. Seventh, with a population of nearly 35 million, Uzbekistan is seen as presenting a sizeable market for investment in consumer goods and for services. Eighth, reasonable human resource, at same time with the levels of education and skills of the workforce. Ninth, Uzbek government constantly develops various tools aimed at improving the local business climate. In particular, as a result, according to the world Bank's "Business Registration" rating, Uzbekistan ranked 8th among 190 countries and entered the Top 10 for the first time in history. Tenth, socio-political stability in the country is the most important positive sign of the country. Uzbekistan has not been subject to the abrupt and violent changes in government that often undermine the investment climate in other emerging markets.

The main goal of each investor is to get more profit from their investments and be sure of the complete safety of their investments. For this reason, in the current attractive investment environment in Uzbekistan, which is based on the above positive factors, the introduction of investment activities in accordance with the norms of the new investment legislation may be the most optimal solution for any investor.

Иқтибослар/Сноски/References

1. Why invest in Uzbekistan? The Investment promotion Agency under the Ministry of Investment and Foreign trade of the Republic of Uzbekistan. <https://invest.gov.uz/>

investor/uzbekistan-is-a-resource.

2. Doing Business 2020. International Bank for Reconstruction and Development. The World Bank 2020. <http://documents.worldbank.org/curated/en/688761571934946384/pdf/Doing-Business-2020-Comparing-Business-Regulation-in-190-Economies.pdf>.

3. Strategy actions in five priority areas of the Republic of Uzbekistan in 2017-2021. https://strategy.uz/index.php?static=prioritetnye_napravleniya.

4. Text of President Shavkat Mirziyoyev's Address to the Oliy Majlis. 24.01.2020. <https://president.uz/en/lists/view/3324>.

5. The World Investment Report 2019. UNCTAD. https://unctad.org/en/PublicationsLibrary/wir2019_en.pdf.

6. Country fact sheet: Uzbekistan 2019 UNCTAD. https://unctad.org/Sections/dite_dir/docs/WIR2019/wir19_fs_uz_en.pdf.

7. National Legislation Database, 02.08.2018, 06/18/5495/1611. <https://lex.uz/docs/3845273>.

8. National Legislation Database, 11.10.2019, 06/19/5848/3901. <https://lex.uz/docs/4182345>.

9. National Legislation Database, 20.12.2018, 07/18/4067/2354. <https://lex.uz/docs/4117465>.

10. National Legislation Database, 13.11.2019, 06/19/5881/4045. <https://lex.uz/docs/4312752>.

11. National Legislation Database, 10.01.2020, 07/20/4563/0034. <https://lex.uz/docs/4689644>.

12. National Legislation Database, 26.12.2019, 03/19/598/4221. <https://www.lex.uz/docs/4751834>.

13. These Laws these laws are no longer in force from January 27, 2020 in accordance with the Law of the Republic of Uzbekistan dated December 25, 2019 No. LRU-598 "On Investments and Investment Activities".

14. B. Legum. "Defining Investment and Investor: Who is Entitled to Claim?" presentation at the Symposium "Making the Most of International Investment Agreements: A Common Agenda" co-organised by ICSID, OECD and UNCTAD, 12 December 2005, Paris.

15. B. Samarkhodjaev. Investment Law. UWED, 2014.

16. Stephan W. Schill. International Investment Law and the Rule of Law. Singapore: Academy Publishing, 2015. P. 87.

17. Tax Code of the Republic of Uzbekistan. National Legislation Database. 04.12.2019, 03/19/586/4106. <https://lex.uz/docs/1286558>

18. G. Schwartz, B. Clements. Government subsidies. Journal of Economic Surveys, Volume 13, Issue 2. 2008, pp. 119-147 <https://onlinelibrary.wiley.com/doi/abs/10.1111/1467-6419.00079>

19. Jinshuai Hua, Haiyan Jiang, Mark Holmes. Government subsidies and corporate investment efficiency: Evidence from China. Emerging Markets Review. Volume 41, December 2019, 100658. <https://doi.org/10.1016/j.ememar.2019.100658>

20. Law of the Republic of Uzbekistan "On Mediation". National Legislation Database, 5.01.2020, 03/20/602/0052. <https://lex.uz/docs/4407205>

21. UZBEKISTAN: FOREIGN INVESTMENT. Export Entreprises SA, May 2020. https://santandertrade.com/en/portal/establish-overseas/uzbekistan/investing?&actualiser_id_banque=oui&id_banque=0&memoriser_choix=memoriser

22. INVESTMENT GUIDE TO UZBEKISTAN 2009. United Nations Development Program Country Office for Uzbekistan, 2009. <https://www.theiguides.org/guides/uzbekistan.pdf>

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

Юлдашов Абдумумин,
Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк
агентлиги бўлим бошлиғи
E-mail: abdumuminyuldashev@gmail.com

ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК БЎЙИЧА МИЛЛИЙ СТРАТЕГИЯЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ ВА БУТУНЖАҲОН ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК ТАШКИЛОТИНИНГ БУ БОРАДА ТУТГАН ЎРНИ

For citation (иқтибос келтириш учун, для цитирования): ЮЛДАШЕВ А.
ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК БЎЙИЧА МИЛЛИЙ СТРАТЕГИЯЛАРНИНГ
АҲАМИЯТИ ВА БУТУНЖАҲОН ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК
ТАШКИЛОТИНИНГ БУ БОРАДА ТУТГАН ЎРНИ // Юрист ахборотномаси -
Вестник юриста - Lawyer herald. № 2 (2020), Б.53-59.

 №2 (2020) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2020-2-7>

АННОТАЦИЯ

Мақолада интеллектуал мулк муҳофазаси ва ҳимоясини таъминлашда, ихтирочилар, ижодкорлар, умуман тафаккур мулки яратувчиларнинг мутлақ ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлашда интеллектуал мулкнинг барча жиҳатларини қамраб олган миллий стратегияларнинг ўрни ҳақида сўз боради. Шу билан бирга, мақолада Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг аъзо-давлатлар учун стратегиялар ишлаб чиқишда тутган ўрни ва роли ҳақида маълумотлар келтирилган.

Калит сўзлар: интеллектуал мулк миллий стратегияси, Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти, тижоратлаштириш, товар ва хизматлар экспорти.

Юлдашов Абдумумин,
Начальник отдела Агентства по интеллектуальной собственности при
Министерстве юстиции Республики Узбекистан
E-mail: abdumuminyuldashev@gmail.com

ВАЖНОСТЬ НАЦИОНАЛЬНЫХ СТРАТЕГИЙ В ОБЛАСТИ ИНТЕЛЛЕКТУАЛЬНОЙ СОБСТВЕННОСТИ И РОЛЬ ВСЕМИРНОЙ ОРГАНИЗАЦИИ ИНТЕЛЛЕКТУАЛЬНОЙ СОБСТВЕННОСТИ

АННОТАЦИЯ

В статье рассматривается роль национальных стратегий, охватывающих все аспекты в обеспечении защиты и сохранения интеллектуальной собственности, в обеспечении исключительных прав и законных интересов изобретателей, создателей творческого труда в целом. В статье приводится информация о роли и места Всемирной организации интеллектуальной собственности в разработке стратегий для государств-членов.

Ключевые слова: Национальная стратегия интеллектуальной собственности, Всемирная организация интеллектуальной собственности, коммерциализация, экспорт товаров и услуг.

YULDASHOV Abdumumin,

Head of department Agency on Intellectual Property under the Ministry of Justice
of the Republic of Uzbekistan
E-mail: abdulmuminuldashev@gmail.com

THE IMPORTANCE OF NATIONAL INTELLECTUAL PROPERTY STRATEGIES AND THE ROLE OF THE WORLD INTELLECTUAL PROPERTY ORGANIZATION IN THIS REGARD

ANNOTATION

The article discusses the role of national strategies, covering all aspects of important intellectual property, in protecting and in general preserving intellectual property, ensuring the absolute rights and legitimate interests of inventors and creators. At the same time, the article provides information on the role of the World intellectual property organization in developing strategies for member states.

Keywords: National intellectual property strategy, World Intellectual Property Organization, commercialization, export of goods and services.

Интеллектуал мулкнинг юқори даражада ҳимояланганлик даражаси мамлакатнинг инвестицион жозибадорлиги ва ташқи имиджини оширишнинг муҳим кафолати ҳисобланади. Интеллектуал мулк соҳасида самарали ҳуқуқий муҳофаза ва ҳимоя тизимини яратмасдан туриб, мамлакатнинг инновацион тараққиётини таъминлаб бўлмайди. Бу борада нафақат интеллектуал мулк бўйича ваколатли давлат органи, балки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, божхона, монополия ва инновацион фаолият билан шуғулланувчи турли мутасадди органлар ва суднинг ҳам алоҳида ўрни мавжуд.

Интеллектуал мулк сиёсати соҳасидаги дунёнинг етакчи давлатлари тараққиётида ушбу йўналишдаги миллий стратегияларнинг ишлаб чиқилганлиги ва амалиётга татбиқ этилганлиги муҳим аҳамиятга эга. Шу сабабга кўра ҳам бугунги кунда интеллектуал мулк миллий стратегиясини ишлаб чиқиш ҳамда унинг асосида соҳанинг ҳуқуқий муҳофазаси ва ҳимоясини таъминлаш бўйича зарурий чоратadbирларни амалга ошириш Ўзбекистоннинг иқтисодий-ижтимоий тараққиётида муҳим аҳамият касб этади. Стратегия мамлакатнинг инновацион салоҳиятини мустаҳкамлаш ва инновацион давлатни барпо этиш учун замин яратади, тadbиркорлик субъектларининг бозордаги рақобатбардошлилигини оширади, бозор иқтисодиёти тизимини такомиллаштиради, шунингдек ташқи иқтисодий-сиёсий алоқаларни мустаҳкамлайди.

Стратегиянинг бош мақсади - тadbқиқотчи, ижодкор ва ихтирочи олимларнинг

ижодий фаолияти натижалари, инновациялар, янги технологиялар ва асарлар яратиш, уларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш механизмларини такомиллаштириш йўлида ишлашни таъминловчи пухта режани ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга татбиқ этишдан иборат.

Дунёнинг ривожланган мамлакатлари қатори МДХ давлатларининг аксарияти, хусусан Арманистон (2011-2013 йилларда Интеллектуал мулк ҳимояси бўйича стратегия), Беларусь (2012-2020 йилларда Интеллектуал мулк соҳаси стратегияси), Қозоғистон (2003-2015 йилларда Инновацион саноатни ривожлантириш стратегияси), Қирғизистон (2017-2021 йилларда Қирғизистон Республикасида интеллектуал мулкни ривожлантириш давлат дастури), Россия Федерацияси (2020 йилгача бўлган Инновацион стратегия), Тожикистон (2014-2020 йилларда Интеллектуал мулк соҳаси стратегияси) ва Туркменистон (2014-2018 йилларда Интеллектуал мулк соҳаси стратегияси) интеллектуал мулкнинг ривожланиш стратегияларини қабул қилган.

Стратегияни ишлаб чиқиш жуда катта меҳнатни, барча мутасадди вазирлик ва идоралар, шунингдек бизнес вакиллари ҳам жалб этилишини талаб қиладиган жараёндан иборат. Стратегия ўзида ошкоралик, шаффофлик ва вазифаларнинг аниқ тақсимланганлиги каби принципларни акс эттириши лозим. Стратегияни яратишда олий таълим муассасалари, илмий-тадқиқот муассасалари ва инновацион бизнес-тузилмаларнинг иштирок этиши ҳам муҳим аҳамиятга эга. Хусусан, бугунги кунда нафақат интеллектуал мулк объектларини яратиш, балки уни тижоратлаштириш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Халқаро тажриба шуни кўрсатадики, Европа давлатлари ва АҚШнинг бир қатор етакчи университетлари интеллектуал фаолият натижаларини тижоратлаштириш натижасида катта миқдорда маблағ топмоқда.

Стратегия нафақат саноат мулки билан боғлиқ бўлган жиҳатларни, балки муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар, блокчейн технологияси, сунъий интеллект, шунингдек фольклор, анъанавий билимлар ва генетик ресурсларни ҳам қамраб олган бўлиши лозим.

Стратегияда қуйидаги вазифалар белгиланиши лозим:

интеллектуал мулк соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштириш;

интеллектуал мулкнинг функционал соҳаларини ривожлантириш (тижоратлаштириш, баҳолаш, ҳимоя ва ҳ.к.);

интеллектуал мулкни бошқариш соҳасида идоралараро ҳамкорликни ривожлантириш, вазирлик ва муассасаларнинг бу борадаги вазифа ҳамда ваколатларини аниқ белгилаш;

интеллектуал мулк объектлари яратувчиларини қўллаб-қувватлаш, инновацион фаолиятни давлат миқёсида рағбатлантириш, миллий брендларни оммалаштириш;

кенг жамоатчилик ўртасида интеллектуал мулкка нисбатан ҳурмат ҳиссини шакллантириш ҳамда илмий ва бадиий асарлардан фойдаланиш учун имкониятларни яратиш бўйича тегишли вазирлик ва муассасаларнинг жавобгарлигини ошириш;

интеллектуал мулк соҳасидаги ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш, тегишли ваколатли идораларнинг бу борадаги вазифаларини тақсимлаш;

интеллектуал мулк соҳасида фаолият юритувчи мутасадди давлат органлари ва муассасалари учун малакали кадрлар тайёрлаш, олий таълим муассасаларида мазкур соҳага оид ўқув дастурларини жорий этиш.

Стратегиянинг яна бир устувор йўналиши - интеллектуал мулкдан кенг жамоатчилик хабардорлигини ошириш ҳамда интеллектуал мулкка нисбатан ҳурмат

руҳини шакллантиришдир.

Стратегияни амалга ошириш мамлакатнинг интеллектуал мулк ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлаб берувчи ҳуқуқий давлат сифатидаги имиджини яратишга, шунингдек интеллектуал мулк новаторлар ва ижод аҳлига ўз фаолияти натижасида эришадиган иқтисодий манфаатдорликни оширишга имкон берадиган, мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожига ва унинг келгусидаги рақобатбардошлилигини оширишга хизмат қиладиган муҳитни яратишга асос бўлади. Стратегияни яратишнинг нақадар муҳим экани билан бир қаторда мамлакатнинг халқаро миқёсдаги рейтинглардаги ўрнини яхшилаш катта аҳамият касб этади.

Интеллектуал мулк соҳасидаги стратегияларнинг қабул қилиниши ва амалга оширилиши натижасида ушбу йўналишда эришиладиган кўрсаткичларни биргина Беларусь Республикаси мисолида кўриш мумкин. Хусусан, Беларусь Республикасининг 2012-2020 йилларга мўлжалланган Интеллектуал мулк соҳаси стратегиясида 2020 йилга келиб қуйидагиларга эриши режалаштирилган:

давлат илмий-техник дастурларининг амалга оширилиши натижасида мамлакат резидентлари томонидан ихтиро учун патентга талабнома топширишларни 30 фоизга ошириш;

Беларусь Республикаси резидентлари томонидан Патент кооперацияси шартномаси (РСТ) ва ЕврооСИё патент конвенцияси иштирокчи давлатлари доирасида патент олиш учун ҳужжат топширишни 2 баробарга ошириш [1].

Шу билан бирга, бугунги кунда Беларусь Республикасининг фан ва технологиялар бўйича давлат қўмитаси томонидан интеллектуал мулк бўйича навбатдаги Стратегия ишлаб чиқилмоқда. Мутахассисларнинг фикрига кўра, ушбу стратегияда асосий эътибор мазкур соҳа ривожланган энг илғор мамлакатлар тажрибасидан келиб чиқиб, интеллектуал мулк объекларини тижоратлаштириш ва трансфер технологиясига қаратилиши мумкин [2].

Бу масала шак-шубҳасиз муҳим ҳисобланади, чунки инвесторлар мазкур масаланинг нақадар муҳимлиги ва унга давлат миқёсида эътибор қаратилганлигини белгиловчи омил яъни, мамлакатнинг халқаро рейтингларда тутган ўрнига эътибор қаратишади. Шу боисдан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 25 февралдаги "Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинг ва индекслардаги ўрнини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4210-сон қарорида нуфузли халқаро рейтингларда Ўзбекистоннинг ўрнини яхшилашни таъминлаш муҳим вазифа эканлиги қайд этилган.

Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг иқтисодиёти ўтиш давридаги мамлакатларда стратегияни ишлаб чиқиш бўйича қўлланмасида ушбу жараённинг иштирокчиларига тўхталиб ўтган.

1. Ҳукумат. Ушбу институт стратегиянинг асосий ядроси бўлиши лозим. Маъсул вазирликлар стратегиянинг бориш жараёнини кузатиш, назорат қилиш ва йўналтириш имкониятига эга. Ҳукуматнинг фаолият йўналиши қуйидаги йўналишларни таъминлашда кўринади.

мамлакатнинг иқтисодий вазифаларини стратегияга мувофиқ, таъминлаш мақсадида иқтисодиёт ва ҳудудий ривожлантириш;

стратегияда белгиланган вазифаларни амалга ошириш учун тадбирлар ва режалаштирилган манбаларни молиялаштириш;

муаммоларни ҳал қилиш, ҳимоя ресурсларини таъминлаш ва лозим даражадаги ёрдамни кўрсатиш учун адолатли судловни таъминлаш;

давлат мажбуриятлари ва савдо эҳтиёжларининг стратегияга мувофиқлиги нуқтаи-назаридан савдо ва хизматларни таъминлаш;

интеллектуал мулк ҳуқуқи муҳокамасини олиб боришда таълимни бошқариш; ижодкорлар (муаллифлар ва ижрочилар), шунингдек продюсерлар, ноширлар ва бошқа маданий маҳсулотларни тарқатувчиларни манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида маданият тизимини бошқариш;

университетлар ва давлат илмий-техник институтлари фаолиятини кучайтириш мақсадида фан-технологияни қўллаб-қувватлаш.

2. Бизнес ҳамжамият. Ушбу йўналишда нафақат йирик компаниялар балки кичик ва ўрта бизнес вакилларининг ҳам алоҳида ўрни мавжуд. Иқтисодиёти ўтиш давридаги мамлакатларда кичик бизнес кенг ривожланмаган бўлса-да, ушбу йўналишга интеллектуал мулк бўйича стратегиясида муҳим ўрин тутади. Стратегия бизнеснинг қуйидаги асосий йўналишларини қамраб олиши лозим:

машинасозлик ва қурилиш сектори;

юқори технология сектори;

ижодий сектор;

молиявий сектор.

3. Ихтирочилар ҳамжамияти. Бугунги кунда бозор иқтисодиёти шароитида ихтирочилар ва кичик бизнес ўртасидаги боғлиқликни таъминлаш муҳим аҳамиятга. Стратегия барча ихтироларни (патент мавжуд бўлган) инновацияга айлантиришни мақсад қилади. Бироқ, бозор иқтисодиёти шароитида барча ишланма ва ихтиролар ҳам инновацияга айланмаслиги, бу эса ихтирочилар ўзларининг патентларига тегишли ҳақни ололмаслигини билдиради. Бу бозор иқтисодиётига ўтаётган барча давлатлар учун одатий ҳол ҳисобланади. Стратегия айнан шу каби жиҳатларни ўзида ифодалаши керак.

4. Муаллифлар ва ижрочилар жамияти. Муаллифлар ва ижрочилар манфаатлари дахлсиз бўлмаслиги мумкин. Хусусан, уларнинг асарлари ишлаб чиқариш (кино, эшиттириш каби)га йўналтирилганда, уларнинг субъектлари билан доим ҳам тўғри келмайди. Ушбу жараёнда улар ўз манфаатларини муаллифлик жамиятлари орқали ҳимоя қилишлари мумкин. Айнан ушбу масалалар ҳам Стратегияда ўз аксини топиши лозим.

5. Илмий соҳа доираси. Стратегияда университетлар ва илмий-тадқиқот муассасалари ишлаб чиқаришга йўналтирилган ишланмалардан келган фойдани ушбу жараёнда иштирок этганлар ўртасида тенг равишда тақсимланиши назарда тутган бўлиши лозим. Бундан ташқари, Стратегия таълим ва тадқиқотнинг халқ ва давлат манфаатлари йўлидаги муҳим ролини ҳисобга олиши керак.

Стратегия давлат дастурларининг тизимли услубиёти асосида ишлаб чиқилиши ва амалга оширилиши лозим. Стратегияда белгиланган режаларни амалга ошириш бирон-бир муддатга режалаштирилган бўлиши лозим (одатда 5 йил). Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти қуйидаги ҳаракатлар режаси бўйича Стратегияни амалга оширишни таклиф этади [3].

| Интеллектуал мулкни самарали бошқариш орқали тадбиркорлик фаолиятини яхшилаш кўрсаткичи | | | | | | |
|---|---|--|--|-----------|--|--|
| Харакатлар | Масъул | Натижа | Кўрсаткич | Муддатлар | Ҳамкорлар | Талаб этиладиган ресурслар |
| Кичик ва ўрта бизнес учун тавсиявий характердаги ахборот материалларини яратиш | Интеллектуал мулк бўйича идора, савдо вазирлиги | Интеллектуал мулк ва унинг бизнесга таъсирига доир ахборот материалларини тўплаш | Тарқатилган материаллар сони | | БИМТ, Савдо палаталари | Интеллектуал мулк бўйича идора ходимлари вақти |
| Кичик ва ўрта бизнес вакиллари учун интеллектуал мулк бўйича семинар ва мастер-класслар ўтказиш | Интеллектуал мулк бўйича идора | Ўзатиш дастурлари ва семинарларни тайёрлаш ҳамда ўтказиш. | Ўтказилган семинар/курслар ва иштирокчилар сони | | Тадбиркорлик марказлари ризутубхоналар | Интеллектуал мулк бўйича идора ходимлари вақти |
| Кичик ва ўрта бизнес вакиллари учун маслаҳат марказлари тузиш | Савдо вазирлиги, фан ва таълим вазирлиги | Маслаҳат марказлари фаолиятини (Интеллектуал мулк бўйича идора ёки ҳудудларда) | Ўтказилган консултациялар сони | | Савдо палатаси, маҳаллий ҳокимият | Ходимларнинг вақти |
| Интеллектуал мулк бўйича бизнес консултантларни ўзатиш | | Бизнес консултантларни ўзатиш курсларини ташкиллаштириш | Интеллектуал мулк бўйича маслаҳатлар берадиган бизнес-консултантлар сони | | | |

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг Интеллектуал мулкни ривожлантириш миллий стратегиялар учун услубиёти мавжуд. Умуман олганда, интеллектуал мулк объектлари хусусан, ихтироларни патентлаштириш бўйича жаҳонда етакчи давлатлардан Япония, АҚШ, Хитой, Жанубий Корея, Сингапур, Австралия каби мамлакатларда интеллектуал мулкни ривожлантириш ва инновациялар бўйича махсус стратегиялар қабул қилинганлигини кўриш мумкин [4].

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрдаги ПФ-5544-сон Фармони билан "2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш Стратегияси" тасдиқланган. Шуни айтиш керакки, инновацион фаолият ва интеллектуал мулк ўзаро узвий бўлган жараён ҳисобланади [5].

Юқоридаги стратегияни ўрганиш жараёнида интеллектуал мулк сиёсатига етарли даражада эътибор қаратилмаганлигини кўриш мумкин. Унда асосан интеллектуал мулк объектларини баҳолаш жараёнига устуворлик берилган ҳолда, уларнинг муҳофаза чоралари, экспертиза жараёни ёки уларни тижоратлаштириш каби муҳим жиҳатлар қамраб олинмаган. Шу жиҳатдан келгусида мамлакатимизда ишлаб чиқиши режалаштирилган Стратегияни соҳага алоқадор барча институционал тузилмаларни жалб қилган ҳолда ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Хулоса қилиб айтганда, Стратегия мамлакат интеллектуал мулк объектларининг иқтисодий нуқтаи-назардан юқори қийматга эга бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқарилишига катта ҳисса қўшади. Ҳар бир давлатнинг бойлиги ундаги инсон капитали, адабий-бадий фонди, ҳунармандчилиги, генетик ва биологик ресурслари билан ўлчаниши ҳеч кимга сир эмас. Стратегия ушбу имкониятларни самаралилик ва қатъийлик тамойилларига амал қилган ҳолда амалга оширилишига кўмаклашади.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Стратегия интеллектуальной собственности Республики Беларусь. Кудашов В.И., Леонтьева В.Б. "Правовая информатика" №1, 2015 г. (Intellectual Property Strategy of the Republic of Belarus. Kudashov V.I., Leontiev V.B. Legal Informatics No. 1, 2015)

2. <https://pravo.by/novosti/obshchestvenno-politicheskie-i-v-oblasti-prava/2019/october/41440/>

3. Руководство по разработке стратегии в области интеллектуальной собственности в странах с переходной экономикой. Версия 2. Подготовлено управлением некоторых стран Европы и Азии. (Guidance on developing an intellectual property strategy in countries with economies in transition. Version 2. Prepared by the management of some countries in Europe and Asia)

4. Итоговый доклад "Стратегии-2020: Новая модель роста - новая социальная политика". URL: <http://2020strategy.ru/data/2012/03/14/121/45859981/itog.pdf>. (The final report "Strategies 2020: A New Growth Model - A New Social Policy". URL: <http://2020strategy.ru/data/2012/03/14/121/45859981/itog.pdf>)

5. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 22.09.2018 й., 06/18/5544/1951-сон. (National Database of Legal Documents, September 22, 2018, No. 06/18/5544/1951)

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ. ИҚТИСОДИЙ ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ. ҲАКАМЛИК ЖАРАЁНИ ВА МЕДИАЦИЯ

ЭШИМБЕТОВА Дармон Уразбаевна,
Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар
олий мактаби магистранти
E-mail: advice_d@mail.ru

МАШКУРОВ Ғайрат Абдужалилович,
Тошкент туманлараро иқтисодий суди судьяси

КОРПОРАТИВ НИЗОЛАР ТААЛЛУҚЛИЛИГИ МЕЗОНЛАРИНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

For citation (иқтибос келтириш учун, для цитирования): ЭШИМБЕТОВА
Д.У., МАШКУРОВ Ғ.А. КОРПОРАТИВ НИЗОЛАР ТААЛЛУҚЛИЛИГИ
МЕЗОНЛАРИНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ // Юрист ахборотномаси -
Вестник юриста - Lawyer herald. № 2 (2020), Б.60-72.



№2 (2020) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2020-2-8>

АННОТАЦИЯ

Мақолада корпоратив низолар тааллуқлигининг асосий назарий ва амалий муаммолари ёритилиб, судлар амалиётидан мисоллар келтириш асосида процессуал қонунчиликка ўзгартиришлар киритиш зарурлиги ҳақида фикр юритилади, шунингдек корпоратив низолар тушунчаси, корпоратив низолар туркумига кирувчи айрим низолар моҳияти ва бу низоларнинг тааллуқлилиги масалалари очиб берилди.

Калит сўзлар: Тааллуқлилик, корпоратив низо, корпорация, корпоратив муносабатлар, корпоратив низолар тааллуқлигининг предмет мезони, корпоратив низолар тааллуқлигининг субъект мезони, иқтисодий судлар, фуқаролик ишлари бўйича судлар.

ЭШИМБЕТОВА Дармон Уразбаевна,
Магистрант Высшей школы судей при высшем судейском совете
Республики Узбекистан
E-mail: advice_d@mail.ru
МАШКУРОВ Ғайрат Абдужалилович,
Судья Ташкентского межрайонного экономического суда

ОСОБЕННОСТИ КРИТЕРИЙ ПРИЧАСТНОСТИ КОРПОРАТИВНЫХ СПОРОВ

АННОТАЦИЯ

В статье освещаются основные теоретические и практические проблемы подведомственности корпоративных споров, приводятся примеры из судебной практики и даны выводы о необходимости внесения изменений в процессуальное законодательство, а также, раскрывается понятие корпоративных споров, отдельных категорий споров, которые относятся к корпоративным, и их проблемы.

Ключевые слова: причастность, корпоративный спор, корпорация, предметный критерий причастности корпоративных споров, субъектный критерий причастности корпоративных споров, экономический суд, суды по гражданским делам.

ESHIMBETOVA Darmon,

Master student of the Higher Judicial School under the Supreme Judicial Council of the Republic of Uzbekistan

Email: advice_d@mail.ru

MASHKUROV Gayrat,

The judge of the Tashkent Interdistrict Economic Court

Email: advice_d@mail.ru

PECULIARITIES OF CRITERIA FOR JURISDICTION OF CORPORATE DISPUTES

ANNOTATION

The article highlights the main theoretical and practical problems of the jurisdiction of corporate disputes, provides examples from judicial practice and concludes that it is necessary to amend the procedural legislation and the article reveals the concept of corporate disputes, certain categories of disputes that belong to the enterprise, and considers the problem of jurisdiction over these cases.

Keywords: jurisdiction, corporate dispute, corporation, object criterion for the jurisdiction of corporate disputes, subjective criterion for the jurisdiction of corporate disputes, economic court, civil courts.

Низолар тааллуқлиги масалаларининг суд тизими қайси тармоғи ваколатига мансублиги мезонларининг аниқ белгилаб қўйилиши ҳуқуқий ҳимоя кафолатининг самарали воситаси бўлиб, бу - фуқаролар ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини суд орқали ҳимоя қилишдан иборат бутун суд тизими тармоқлари судларининг, яъни фуқаролик ишлари бўйича судлар, жиноят ишлари бўйича судлар, маъмурий судлар ва иқтисодий судларининг одил судловни таъминлашдан иборат умумий мақсадига эришишида муҳим аҳамият касб этади.

Тааллуқлилиқ масаласининг қонуний ечим топиши фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳамда қонуний манфаатларининг одил суд томонидан ишончли ҳимоясини таъминлаш даражасини оширишга хизмат қилади.

Бу масалани ижобий ҳал қилишда низоларнинг, жумладан корпоратив низоларнинг тааллуқлиги мезонларини аниқ белгилаш муҳим аҳамиятга эгадир.

Корпоратив низолар тааллуқлиги институти ҳозирги кунда айниқса, янада кенгроқ ва теранроқ ўрганишни талаб қиладиган ҳуқуқ институтларидан бири бўлиб қолмоқда. Чунки корпоратив низолар тааллуқлиги процессуал

қонунчиликда нисбатан янги институт бўлиб, мамлакатимиз иқтисодиётида корпорациялар - яъни, икки ва ундан ортиқ фуқаро ва юридик шахслар иштирокидаги тадбиркорлик субъектларининг ўрни ва аҳамияти сезиларли даражада ортган ҳозирги даврда бу институтни алоҳида ўрганиш ҳамда бу низолар тааллуқчилигини аниқлашнинг махсус мезонларини ишлаб чиқиш муҳим масалалардан бўлиб қолмоқда.

Шу муносабат билан, ушбу илмий мақола долзарб аҳамиятга эга бўлиб, мақолада корпоратив низолар тааллуқчилигини аниқлаш мезонлари, корпоратив низолар туркумига кирувчи айрим низолар моҳияти ва бу низоларнинг тааллуқчилиги масалалари очиб берилади. Шунингдек, корпоратив низолар тааллуқчилигининг асосий назарий ва амалий муаммолари ёритилиб, судлар амалиётидан мисоллар келтириш асосида процессуал қонунчиликка ўзгартиришлар киритиш зарурлиги ҳақида фикр юритилади.

Амалиётда корпоратив ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низолар вужудга келган ҳолларда тарафлар бу низони ҳал қилиш учун фуқаролик ишлари бўйича ёки иқтисодий судларга мурожаат қилиш масаласида, яъни бу низоларнинг тааллуқчилиги масаласини ҳал қилиш ва низони суд тизимининг қайси тармоқ суди томонидан ҳал қилиниши масаласида бир қанча муаммоларга дуч келиш ҳоллари кўплаб учрамоқда. Бу эса, ўз навбатида одил судловга эришиш даражасининг ошиши, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг суд томонидан ҳимоясини таъминлаш йўлида тўсиқлар вужудга келишига сабаб бўлмоқда. Бу муаммоларни бартараф этиш учун эса, ўз навбатида процессуал қонунчилик томонидан корпоратив низолар тааллуқчилигини аниқлаш мезонларининг мукамал ишлаб чиқирилишини заруратга айлантирмоқда.

Шу сабабли корпоратив низоларнинг судловга тааллуқчилигини аниқлашда, асосан уни қандай мезонлар асосида аниқлаш зарурлиги алоҳида эътибор қаратилиши лозим бўлган масала бўлиб, бундай низолар тааллуқчилигини аниқлашнинг махсус мезонларини ишлаб чиқиш процессуал қонунчилик олдидаги муҳим вазифалардан бўлиб қолмоқда.

Корпоратив низоларнинг судловга тааллуқчилиги институтига оид айрим муаммолар МДҲга аъзо давлатларнинг ҳуқуқшунос олимлари томонидан алоҳида тадқиқот объекти сифатида ўрганилган. Хусусан, Е.В. Афанасьева [7], Е.И. Вялых [8], А.А. Данельян [9], Е.Ю. Пашкова [10], Д.Н. Северин [11] илмий ишларида корпоратив низоларнинг тааллуқчилик масалалари муайян даражада ёритилган бўлиб, миллий қонунчилигимизда бу институтнинг ҳамда корпоратив ҳуқуқий муносабатларнинг янгилиги боис ҳали етарлича тадқиқ қилинмаган. Лекин корпоратив ҳуқуқ, корпорациялар, масъулияти чекланган жамияти, акцияли жамиятларнинг ҳуқуқий ҳолати, корпоратив низолар, уларнинг турлари ва келиб чиқиш сабаблари, бу низоларнинг судлар томонидан ҳал қилиниш хусусиятлари бир қатор ҳуқуқшунос олимлар, жумладаг, Х.Р. Раҳмонқулов ва С.С. Гулямовлар [4], М.Н. Саидов [5], [6] томонидан ўрганилган ва илмий тадқиқ қилинган. Бироқ миллий қонунчилигимизда корпоратив ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларнинг айнан судловга тааллуқчилиги масалаларида бугунги кун ҳолатида илмий тадқиқотлар олиб борилмаган.

Бугунги кунда суд амалиётида бу туркум низоларнинг сони ортиб бораётганлиги бу низолар тааллуқчилиги юзасидан тадқиқотлар олиб бориш заруратини процессуал қонунчиликдаги энг долзарб масалалардан бирига айлантирмоқда. Шу боис, мазкур илмий мақолада корпоратив низолар тааллуқчилиги, уларни аниқлаш мезонлари, бу низоларнинг фуқаролик ишлари бўйича судлар ва иқтисодий судлар судловига тааллуқчилиги масалаларининг чегаралари,

уларнинг ўзига хос хусусиятлари ва белгилари хусусида фикр юритилиб, судлар амалиётида учрайдиган тааллуқлилик борасидаги масалаларга илмий-амалий ечим топиш хусусида мулоҳаза юритилади ва бу туркум низоларнинг судловга тааллуқлилиги юзасидан процессуал қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифлар баён қилинади.

Таъкидлаш керакки, қонун ҳужжатларида корпоратив низолар тушунчаси, уларнинг мазмуни бўйича аниқ тушунтиришлар мавжуд эмас. Хорижий мамлакатларнинг қонун ҳужжатларида, шуниндек айрим ҳуқуқшунос олимларнинг тадқиқот ҳамда илмий ишларида бундай низоларга тушунча беришда турлича ёндашилган. Барча ёндашувларнинг асоси мазкур тоифадаги низоларнинг негизида корпоратив муносабатлар туриши кўрсатилган [6, Б.50].

Корпоратив низолар тушунчаси ўз характериға кўра икки белгини ўз ичига олган тушунча бўлиб, булар низонинг предмети ва субъектиға кўра белгиларидир. Низони корпоратив низо сифатида малакалашда унинг асосан шу белгилари энг муҳим ва ўзига хос белгилари ҳисобланади.

Низонинг предмет мезони корпорацияни ташкил этиш, бошқариш ёки унда иштирок этиш, акциядорлик билан боғлиқ, жумладан унинг иштирокчиларининг ўзаро муносабатларини ҳам ўз ичига олган муносабатлардир. Бу мезон корпорация иштирокчилари ҳуқуқий муносабатларининг мазмунини, шунингдек иштирокчиларнинг ўзаро ва корпорация билан муносабатларини ўзида акс эттирувчи корпоратив табиатини ифодалайди.

Корпоратив низолар предмети - корпорация иштирокчиларининг ҳуқуқларини амалға ошириш ва мажбуриятларини бажаришға қаратилган ҳаракатлари, шунингдек мол-мулк - корпорация устав фондиға топширилган мол-мулк ва корпорация фаолияти натижасида қўлга киритилган мол-мулк, иштирокчилар ўртасида тақсимланадиган фойданинг бир қисмини улуш сифатида олинадиган пул маблағлари ва иштирокчиларға тегишли бўлган бошқа мулкый даромад объектлари ва ликвидацион квоталардир [9, Б.17].

Е.Ю.Пашкова фикрича, корпоратив низолар иқтисодий судлар судловиға тааллуқли бўлган барча низолар учун хос бўлган унинг иқтисодий характерини аниқлаувчи асосий белгиси билан бирға, бу низоларни корпоратив низолар сифатида тавсифловчи ўз хусусий ёки махсус белгиларига ҳам эға. Бу махсус белгилар қўйидагилардан иборат бўлиб, булар: 1) низо корпорацияда иштирок билан боғлиқ бўлиши; 2) низо корпорациянинг ички корпоратив муносабатларидан келиб чиққан бўлиши (бундан ташкилий-бошқарув муносабатлари мустасно); 3) низо корпорация ва унинг аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалға ошириш билан боғлиқ бўлиши лозимидир [10, Б.9].

Лекин фикримизча, Е.Ю.Пашкованинг низони корпоратив низо сифатида тавсифловчи белгилардан бири - "низо корпорацияда иштирок билан боғлиқ бўлиши", деган таърифи бу низони тўлиқ тавсифлай олмайди, чунки корпорациялар жумласиға акцияли жамиятлар ҳам кириши, қонунчиликда акцияли жамият акциядорига нисбатан корпорация иштирокчиси эмас, балки корпорация акциядори деган термин қўлланилиши бу таърифнинг тўлиқ эмаслигини келтириб чиқаради.

Бинобарин, Ўзбекистон Республикасининг "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида" ги Қонуни 11-моддасида: "Жамиятни ташкил этиш тўғрисидаги таъсис шартномасини имзолаган юридик ва жисмоний шахслар жамиятнинг муассислари (муассиси) деб этироф этилади", деб ушбу қонун 29-моддасида "Акцияларға бўлган ҳуқуқлар акцияларни олувчиға унинг депо ҳисоб варағиға тегишли кирим ёзуви киритилган пайдан ўтади", деб

белгиланган [2].

Демак, акцияли жамият муассислари, яъни иштирокчиси бу жамиятни таъсис этган шахслар бўлиб, жамият акциядори эса муассис, яъни иштирокчи мақомига эга эмас.

Шу сабабли, фикримизча корпоратив низонинг бу белгиси "низо корпорацияда иштирокчилик ёхуд акциядорлик билан боғлиқ бўлиши", деб таърифланса корпоратив низо субъектларини тўлиқ қамраб олган бўларди.

Шунингдек, иккинчи белги сифатида келтирилган: "низо корпорациянинг ички корпоратив муносабатларидан келиб чиққан бўлиши (бундан ташкилий-бошқарув муносабатлари мустасно)", деган таъриф ҳам бу низога тўлиқ тавсиф бера олмайди. Чунки, ўз мазмун-моҳиятига кўра корпоратив низолар, нафақат корпорация ички муносабатларидан, балки корпорация, корпорация иштирокчилари, акциядорларининг ташқи корпоратив муносабатларидан ҳам келиб чиқади. Бунга мисол сифатида, корпорация ёки акциядорнинг депозитарийлар, қимматли қоғозлар номинал сақловчилари билан муносабатларини, шунингдек қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органининг корпорация билан муносабатларини келтириш мумкин. Бу муносабатларни корпорациянинг ички муносабатлари деб бўлмайди, балки бу корпорация ҳамда акциядорларнинг корпорациядан ташқари корпоратив ҳуқуқий муносабатларидир.

Ташқи корпоратив муносабатлардан келиб чиқувчи низоларда бу низолар субъекти сифатида пай, улуш эгаси, акциядор қатори корпорацияларнинг ўзи ҳам чиқиши мумкин.

Корпоратив субъектлар қаторига тўлиқ ширкат, коммандит шаркат, масъулияти чекланган жамият, қўшимча масъулиятли жамият, акциядорлик жамиятлари, ишлаб чиқариш кооперативларини киритиш мумкин. Буларнинг ҳаммаси юридик шахс ҳисобланиб, ўз хўжалик юритувидаги мол-мулкига эга бўлади ва ўз мажбуриятлари юзасидан ушбу мол-мулк билан жавоб беради [4, Б.448].

Демак, фикримизча корпоратив низоларни тавсифловчи махсус белгилар қуйидагилар бўлиб булар: 1) низо корпорацияда иштирок ёхуд акциядорлик билан боғлиқ бўлиши; 2) низо корпорациянинг, иштирокчилар ҳамда акциядорларнинг ички ва ташқи корпоратив муносабатларидан келиб чиққан бўлиши (бундан ташкилий-бошқарув муносабатлари мустасно); 3) низо корпорация ва унинг аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга ошириш билан боғлиқ бўлиши лозимлигидир, деб таъриф бериш мақсадга мувофиқ бўларди.

Ушбу белгилар корпоратив ҳуқуқий муносабатлардан юзага келувчи низоларни корпоратив низо сифатида аниқлаш ва бу низоларнинг иқтисодий судларга тааллуқлилиқ мезонларини белгилашда муҳим аҳамият касб этади.

Корпорацияда иштирок муносабатлари, бошқа иқтисодий фаолият турлари ҳисобланиб, бу муносабатлар билан боғлиқ низолар, агар тарафлардан бири якка тартибдаги тадбиркор мақомига эга бўлмаган жисмоний шахс бўлса, бу низонинг иқтисодий судларга тааллуқлилигини аниқловчи предмет мезони ҳисобланади [8, Б.27].

Демак, корпоратив низоларнинг предметига хос мезони бу низоларнинг келиб чиқиш асослари, яъни низо тарафлари ўртасидаги корпоратив ҳуқуқий муносабатлар билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодий процессуал кодекси (бундан кейин матнда ИПК деб юритилади) нинг 30-моддасида келтирилган низолар ўз хусусиятига кўра, корпоратив низолар тааллуқлилигининг предмет мезони бўйича низолар жумласига киради [1].

Д.Н. Северин фикрича, корпоратив низолар иштирокчиларнинг иштирокчилар билан, иштирокчиларнинг корпорация билан, шунингдек, иштирокчиларнинг бошқа шахслар (реестр сақловчилар, акцияларнинг номинал сақловчилари) агар бу шахсларнинг ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги корпорация иштирокчиларининг ҳуқуқига дахл қилса корпорациядаги ички муносабатлардан келиб чиқади [11, Б.17].

Лекин юқорида келтирилган мулоҳазалардан келиб чиқиб, бу таъриф ҳам корпоратив низоларни тўлиқ қамраб олмайди. Чунки, бу таърифда бу ўринда фақат корпорация иштирокчиларини назарда тутилиб, акциядорлар ва улар иштирокидаги низоларни қамраб ололмайди.

Шунингдек, бу ҳолатда низоларни фақат корпорациянинг ички муносабатлари сифатида қаралиб, реестр сақловчилар, депозитарийлар билан корпорация ҳамда акциядорларнинг ўзаро муносабатларига ҳам ички муносабатлардан келиб чиққан муносабат сифатида таъриф берилган.

Д.Н. Северин томонидан корпоратив ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низога нисбатан берилган бу таъриф тўлиқ эмаслигини инобатга олиб, бу низоларни қуйидагича таърифлашни асосли деб ҳисоблаймиз, яъни корпоратив низолар - иштирокчиларнинг, акциядорларнинг иштирокчилар, акциядорлар билан, иштирокчилар, акциядорларнинг корпорация билан ички муносабатларидан, шунингдек, акциядорларнинг, корпорациянинг бошқа шахслар (реестр сақловчилар, акцияларнинг номинал сақловчилари) агар бу шахсларнинг ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги корпорация ёки акциядорларнинг ҳуқуқига дахл қилса ташқи муносабатларидан келиб чиқади.

М.Саидов фикрича, корпоратив муносабатлар деганда, корпорация иштирокчилари (акционерлари) билан корпорация раҳбарияти (директорлар кенгаши, раёсат) ўртасида, иштирокчилар (акционерлар) билан иштирокчилар (акционерлар) ўртасида, корпорация ишчилари билан корпорация раҳбарияти (директорлар кенгаши, раёсат) ўртасида, корпорация билан давлат, давлат органлари, кредиторлар, ҳамкорлар, бошқа ташкилотлар, фуқаролар ўртасида бўладиган корпорация фаолиятига боғлиқ муносабатлар тушунилади [5, Б.24].

Фикримизча, бу таъриф корпоратив муносабатларга берилган энг тўғри ва тўлиқ таъриф ҳисобланади ҳамда корпоратив муносабатларнинг барча жиҳатларини қамраб ўзида акс эттиради.

Корпоратив низолар унинг ички муносабатларига тааллуқли бўлган корпорация ва унинг иштирокчилари, акциядорлари, иштирокчилар ва иштирокчилар, акциядорлар шунингдек, бошқа шахслар, яъни қимматли қоғозлар эмиссияси билан, шу жумладан эмитентнинг бошқарув органлари қарорлари юзасидан низолашиш билан, эмиссиявий қимматли қоғозларни жойлаштириш жараёнида тузилган битимлар, эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқариш (қўшимча равишда чиқариш) натижалари бўйича ҳисоботлар (хабарномалар) юзасидан низолашиш билан боғлиқ низолар, қимматли қоғозларни номинал сақловчиларнинг акциялар ва бошқа қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олиш, қонунда назарда тутилган бошқа ҳуқуқ ва мажбуриятларни қимматли қоғозларни жойлаштириш ва (ёки) уларнинг муомаласи муносабати билан қимматли қоғозларнинг номинал сақловчилари томонидан амалга ошириш билан боғлиқ фаолиятидан келиб чиқадиган низолар ҳисобланади. Бу белгилар корпоратив низолар тааллуқлилигининг юқорида келтириб ўтганимиздек, предметига кўра мезонини тавсифловчи белгилардир.

Корпоратив низоларнинг субъектига кўра мезони қонунчиликда корпорациялар ва уларнинг иштирокчилари, акциядорлар, реестр сақловчилар, депозитарийлар,

қимматли қоғозлар номинал сақловчилари каби корпоратив муносабат иштирокчилари доирасини белгилайди. Яъни корпоратив низони субъектига кўра тавсифлашда ушбу муносабатлар иштирокчиларининг таркиби назарда тутилади. Бу таркиб албатта, корпоратив муносабатларнинг иштирокчиси, акциядори яъни муайян корпоратив ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга шахслар ҳамда бу ҳуқуқ ва мажбуриятларга таъсир ўтказувчи шахслар ҳисобланиши лозим.

Корпоратив низо юзасидан ишларда иштирок этувчи шахслар доирасини аниқлашнинг мураккаблигини корпоратив муносабатларда иштирок этувчи субъектлар доирасини аниқлаш мураккаблиги тақозо этади [8, Б.29]. Жумладан, бундай субъектлардан ҳисобланган юридик шахслар бошқарув органларини корпоратив низо иштирокчиси бўлиши тўғрисидаги масала ҳам баҳсли ҳисобланади.

Е.И. Вялих фикрича, юридик шахсларнинг бошқарув органлари моддий ва процессуал ҳуқуқ лаёқатларига эга бўлмаганлиги сабабли, улар корпоратив низолар юзасидан суд ишларининг иштирокчиси, яъни субъекти бўлиши мумкин эмас [8, Б.29].

Ҳуқуқшунос олим томонидан билдирилган бу фикр асосли ҳисобланиб, корпорация бошқарув органлари корпоратив низоларнинг иштирокчиси бўла олмайди.

Бу қоида бизнинг иқтисодий процессуал қонунчилигимизда ҳам ўз аксини топган бўлиб, масалан корпорация иштирокчиси ёки акциядори томонидан корпорация бошқаруви ёки директорлар кенгашининг йиғилиш қарорини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги низолар юзасидан корпорация бошқаруви ёки директорлар кенгашига нисбатан даъво келтирган ҳолларда, корпорация бошқарув органи, директорлар кенгаши юридик шахс мақомига эга эмаслиги сабабли, ИПК нинг 154-моддаси биринчи бандига асосан бу даъво аризаси иқтисодий суднинг иш юритувига қабул қилиш рад қилинади, агар даъво аризаси иш юритувга қабул қилинган бўлса ушбу кодекс 110-моддаси биринчи қисми биринчи банди билан иш юритиш тугатилади [1].

Демак, корпоратив низолар тааллуқлилигини аниқлашда унинг предмет ёки объект мезони қанчалик муҳим бўлса, субъект мезони ҳам шу даражада муҳим белги ҳисобланади.

Корпоратив низолар субъект мезонларини бир қадар шартли равишда ички (низо тарафлари сифатида корпорация иштирокчилари (акциядорлар) ва (ёки) корпорациянинг ўзи) ва ташқи (агар низода иштирок этувчи томонлардан бири корпорация ёки унинг иштирокчиси бўлмаган) низолар туркумига ажратиш мумкин [8, Б.30].

М.Н.Саидов ҳам корпоратив муносабатлар ички ва ташқи корпоратив муносабатлар эканлиги ҳақида, "агар муносабатлар корпорациянинг ичкарасида содир бўлса, бундай муносабатлар - ички корпоратив муносабатлар, агар корпорациянинг ташқарисида содир этилган бўлса, улар - ташқи корпоратив муносабатлар", деган фикрни билдиради [5, Б.26].

Шу асосда ички ва ташқи корпоратив муносабатлардан келиб чиққан низолар тегишли равишда ички ва ташқи корпоратив низолар ҳисобланади.

Е.Ю.Пашкова фикрича, корпоратив низолар иштирокчилари доираси фақатгина корпорация ва уларнинг иштирокчилари доираси билангина чекланиб қолмаслиги керак. Бу иштирокчилар доирасига, корпорациянинг собиқ иштирокчилари, яъни иштирокчи мақомини йўқотган шахсларни ҳам киритиш лозим. Бундай низолар сифатида иштирокчилар сафидан чиққан иштирокчининг ўз улушининг ҳақиқий қийматини тўлаш, унинг шахсий ҳисобварағидаги акциялар (уларнинг бир

қисми)ни ҳисобдан чиқаришни ҳақиқий эмас деб топиш каби низоларни келтириш мумкин [10, Б.9].

Бу иштирокчилар ва акциядорларнинг иқтисодий судларга даъво киритиш ҳуқуқи бизнинг миллий қонунчилигимизда мустаҳкамланган бўлиб, бу субъектлар корпоратив низо иштирокчилари мақомига эга ва улар ИПК 30-моддаси биринчи қисмининг иккинчи бандига асосан судга даъво аризалари киритиш ҳуқуқига эгадир [1].

Лекин процессуал қонунчилигимиз ва суд амалиётида жамият иштирокчиларининг ўзини жамият иштирокчилари сафидан чиқариш юзасидан даъво аризалари суд томонидан қаноатлантириш рад қилиниши белгиланган, чунки моддий қонунчиликда бу шахсларнинг бу туркум низолар юзасидан судга мурожаат қилиш ҳуқуқи алоҳида келтириб ўтилмаган. Шу сабабли бундай низоларни кўриб чиқишда ва ҳал қилишда, ҳуқуқ нормаларини амалиётга тадбиқ этишда турли мураккабликлар ва қийинчиликларни келтириб чиқаради.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди пленумининг 2014 йил 20 июндаги "Иқтисодий судлар томонидан корпоратив низоларни ҳал этишнинг айрим масалалари тўғрисида"ги 262-сонли қарори /қарор номи Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2018 йил 19 майдаги 17-сонли қарори таҳририда/ нинг 21-бандига асосан " Ўзбекистон Республикаси "Масъулияти чекланган ва қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида"ги Қонуни [3], (бундан буён матнда қонун деб юритилади) нинг 8-моддаси биринчи қисмининг олтинчи хатбошисига кўра жамият иштирокчиси "...жамият бошқа иштирокчиларининг розилигидан қатъи назар ушбу Қонунда ва жамиятнинг таъсис ҳужжатларида назарда тутилган тартибда исталган вақтда жамиятдан чиқишга ... ҳақли". Шу муносабат билан иштирокчи томонидан жамиятга нисбатан берилган ўзини жамиятдан чиқариш ҳақидаги талаб билан судга мурожаат қилинганда, бундай талабни қаноатлантириш рад қилинади" деб белгиланган [12].

МЧЖ иштирокчиси жамият бошқа иштирокчиларининг розилигидан қатъи назар "Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида"ги Қонунда ва жамиятнинг таъсис ҳужжатларида назарда тутилган тартибда исталган вақтда жамиятдан чиқишга ҳақли. Шу сабабли, жамият иштирокчиси ўзини жамият иштирокчилари таркибидан чиқаришни сўраб судга мурожаат қилганда, бундай талабни қаноатлантириш рад этилади [13, Б.204]. Лекин, фикримизча иштирокчининг жамиятга нисбатан ўзини жамиятдан чиқариш ҳақидаги талаб иқтисодий судлар томонидан кўриб чиқилиб, қонуний ҳал қилиниши лозим. Чунки бу ҳолат жамият таъсис ҳужжатларига ўз вақтида ўзгартириш киритилмаслиги ҳолатларини юзага келтириб, бу эса жамият иштирокчисининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари бузилишига олиб келиши мумкин. Масалан, жамият иштирокчиси ўз улушини бошқа шахсга сотганлиги ёки бошқа усулда бегоналаштирганлиги сабабли, у ўзини жамият таркибидан чиқариш ва жамият таъсис ҳужжатларига жамият таъсисчилари сафидан чиққанлиги тўғрисида ўзгартириш киритишни сўраб судга мурожаат қилган ҳолларда моддий қонунчиликда иштирокчининг исталган вақтда бошқа иштирокчилар розилигидан қатъий назар жамиятдан чиқиш ҳуқуқи мавжудлиги боис, унинг бундай талаби қаноатлантириш рад қилинади.

Бундай ҳолларда, иштирокчининг ўз вақтида жамият иштирокчилари сафидан чиқмаганлиги ҳолати, у гарчи ўз улушини бошқа шахсга сотиб, амалда жамият иштирокчилари сафидан чиқиб кетган бўлсада, лекин у расмий жиҳатдан ҳали жамият таъсис ҳужжатларида жамият иштирокчиси мақомида турганлиги боис, иштирокчи амалда бу жамият таркибидан чиқиб кетган вақтида юзага келган

жамиятнинг жавобгарлиги бўйича ҳам солидар тартибда жавобгар бўлиб қолиш ҳолатини келтириб чиқариши мумкин. Ваҳоланки, бу жавобгарлик унинг жамиятда фактик жиҳатдан иштирок этмаган, лекин фақат жамият таъсис ҳужжатларида фақат расмий жиҳатдан жамият иштирокчиси бўлиб турган вақтда вужудга келганлиги сабабли, бу ҳолат иштирокчининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари бузилишига олиб келиши мумкин.

Демак, жамият иштирокчисини ўзини жамият иштирокчиси сафидан чиқариш тўғрисидаги аризаси ҳам корпоратив низо сифатида судлар томонидан мазмунан кўриб чиқилиши ва қонуний ҳал қилиниб, иштирокчининг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилиниши лозим.

Шу боис, моддий қонунчиликка, яъни Ўзбекистон Республикаси "Масъулияти чекланган ва қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида" ги Қонунига иштирокчининг жамият иштирокчилари сафидан чиқиш юзасидан ҳуқуқлари бузилган ҳолларда бу ҳуқуқларни ҳимоя қилиш ва тиклаш учун унинг судга мурожаат қилиш ҳуқуқи ҳақидаги қоида билан тўлдирилиб ўзгартириш киритилиши мақсадга мувофиқ бўларди.

Шунингдек, Е.Ю.Пашкова фикрича, корпоратив низолар доирасига универсал ворислар (меросни қабул қилиш тўғрисидаги низолардан ташқари) иштирокидаги низоларни ҳам киритиш лозим [10, Б.9].

Масалан, мерос таркибига акцияларга, улушларга бўлган ҳуқуқларни киритиш фуқаролик ишлари бўйича судларнинг судловига тааллуқли. Лекин агар меросни қабул қилиб олган (акция, улушга нисбатан) меросхўр (ворис)ни корпорация аъзоллигига киритишни ёки акциядорлар реестрига киритишни рад қилиш юзасидан низолар корпоратив низолар ҳисобланади [10, Б.9].

Яъни бу ҳолатда меросхўр ҳали корпорация иштирокчиси эмас, лекин у ушбу низо субъекти доирасига киритилиши ва натижада бу низо корпоратив низо сифатида иқтисодий судларга тааллуқли бўлиши асосли ҳисобланади.

Е.Ю.Пашкованинг бу фикрига қўшилган ҳолда, шуни айтиш мумкинки, ҳақиқатан ҳам универсал ворисларни корпоратив низолар субъекти таркибига киритилиши, бу туркум низоларнинг малакали ҳал қилиниши ва уларнинг корпорацияга бўлган ворислик ҳуқуқига оид қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясининг кафолатлайди. Чунки, ИПК 30-моддаси биринчи қисмининг иккинчи бандида "хўжалик жамиятлари ва ширкатларининг устав фондидаги (устав капиталидаги) акцияларнинг, улушларнинг, кооперативлар аъзолари пайларининг мансублиги, уларга юкламалар белгилаш ва улардан келиб чиқадиган ҳуқуқларни амалга ошириш билан боғлиқ низолар, бундан хўжалик жамиятлари ва ширкатларининг устав фондидаги (устав капиталидаги) акцияларни, улушларни, кооперативлар аъзоларининг пайларини ўз ичига олувчи мерос мол-мулкни ёки эр-хотиннинг умумий мол-мулкни бўлиш билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган низолар мустасно", деб белгиланган.

Демак, хўжалик жамиятлари ва ширкатларининг устав фондидаги (устав капиталидаги) акцияларнинг, улушларнинг, кооперативлар аъзолари пайларининг мансублиги ва улардан келиб чиқадиган ҳуқуқларни амалга ошириш билан боғлиқ низолар - корпоратив низолар сифатида белгиланган экан, бу юқорида мисолда келтирилган универсал ворисларнинг корпорация аъзоллигига ёки акциядорлар реестрига киритиш тўғрисидаги даъволари ҳам иқтисодий судлар судловига тааллуқли бўлиши лозимлигининг асосли эканлигини изоҳлайди.

Корпоратив низоларнинг судлар томонидан кўриб чиқилиши ва ҳал этилиши, яъни бундай низоларнинг тааллуқлилиги иқтисодий судлар ваколатига киради.

Мазкур тоифадаги низоларни кўриб чиқиш учун аввало корпоратив ҳуқуқ

субъектларини аниқлаш лозим бўлади [6, Б.50].

Корпоратив низолар тааллуқлилигининг субъектига кўра мезонининг асосий иштирокчилари бу албатта, корпорация иштирокчилари, пай, улуш эгалари ёки акция эгаларидир. Чунки корпоратив ҳуқуқий муносабатлар аввало, ушбу иштирокчиларнинг ҳуқуқлари вужудга келиши, амал қилиши ва тугатилиши билан белгиланади.

Шу боис, субъект мезони доирасининг биринчи гуруҳи таркиби корпорация иштирокчилари (улуш, пай, акция эгалари) дан иборат ҳисобланади.

Корпоратив муносабатлар ўз мазмунига ва моҳиятига кўра, ички ва ташқи турларга бўлинади.

Ички корпоратив муносабатлар - бу корпорация ичидаги, яъни акциядор билан акциядор, акциядор билан жамият бошқарув органлари, ишчилар билан жамият бошқарув органлари ва ҳ.к. муносабатлар бўлса, ташқи муносабатлар - бу корпорациянинг бошқа ташкилотлар, кредиторлар, депозитарийлар ва ҳ.к.лар билан муносабатларидир [7, Б.19].

Демак, корпоратив низолар субъект мезони доирасида нафақат, корпорация иштирокчилари ва корпорациянинг ўзи, шу билан бирга корпорация ва иштирокчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларига таъсир этувчи, яъни улар билан муносабатга киришувчи ташқи субъектларни ҳам киритиш мумкин. Булар жумласига юқорида таъкидланганидек, депозитарийлар, қимматли қоғозлар номинал сақловчилари ва реестр сақловчилар, шунингдек, қимматли қоғозлар соҳасидаги ваколатли органларни киритиш мумкин. Чунки, корпорация ва уларнинг иштирокчиларининг бу субъектлар билан муносабатлари корпоратив ҳуқуқий муносабатлар доирасида содир бўлади. Бу субъектлар доирасини шартли равишда иккинчи гуруҳга мансуб субъектлар доирасига киритиш мумкин.

Корпоратив низолар субъектига кўра таркибига корпорация иштирокчиси мақомини йўқотган, универсал ворислик асосида улуш, пай, акциялар ворислари [11, Б.13], шунингдек, корпорацияни ташкил қилиш жараёнидаги муносабатлар иштирокчиларини, яъни корпорациянинг бўлажак иштирокчилари, пай эгалари, улуш ва ҳиссадорларни киритиш мумкин.

Бу субъектлар доирасини шартли равишда учинчи гуруҳга мансуб субъектлар доирасига киритишимиз мумкин. Лекин айнан шу гуруҳнинг корпоратив ҳуқуқий муносабатлар субъекти сифатидаги ҳуқуқий мақоми ҳозирги қонунчиликда муаммоли бўлиб, олимлар ўртасида турли баҳс-мунозараларни келтириб чиқармоқда.

Бир қатор ҳуқуқшунос олимлар жумладан, Е.Ю.Пашкова, Д.Н.Северин бу субъектлардан корпорация иштирокчиси мақомини йўқотган шахслар иштирокидаги низоларни ва универсал ворислик асосида улуш, пай, акциялар ворислари иштирокидаги низоларни корпоратив низолар жумласига киритишни асосли деб ҳисоблайди [10, Б.9], [11, Б.5].

Фикримизча, бу туркум низолар келтириб ўтилган шахсларнинг айнан корпорацияга ва унда иштирокчилик, акциядорлик ҳуқуқларига тааллуқли эканлиги низони корпоратив низо сифатида баҳолашга асос бўлади.

Юқорида баён қилинганларга асосан, корпоратив низолар тааллуқлилигининг предмет ва субъект мезонларини такомиллаштириш асосида қонунчиликка ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш юзасидан бир нечта таклифларни келтириб ўтамиз.

Биринчи таклиф, процессуал қонунчиликка корпоратив низо субъектлари қаторига корпорация иштирокчиси статусини (бошқа шахсларнинг ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги оқибатида) йўқотган субъектлар, шахсларни ҳам киритиш лозим

ҳисобланади, яъни бундай шахслар иштирокидаги низоларни шахснинг корпорацияда иштирокчилик муносабатига боғлиқ низо бўлганлиги сабабли, корпоратив низо эканлигидан келиб чиқиб, иқтисодий судлар тааллуқлилигига киритиш.

Чунки амалиётда бу шахслар иқтисодий судларга даъво аризаси билан мурожаат қилганларида уларнинг даъвоси арз қилинган пайтда корпорация иштирокчиси эмаслигига асосланиб низо иқтисодий судларга тааллуқли эмас деб рад қилиниши уларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари одил судлов томонидан кафолатланишига салбий таъсир ўтказди. Бу эса, бу шахсларнинг ўз бузилган ҳуқуқларини тиклаш ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш имкониятидан маҳрум бўлишига олиб келиши мумкин.

Агар бу масалага иқтисодий процессуал қонунчилик асосларига таяниб баҳо берганимизда ҳам, бу субъектларнинг иқтисодий судларга мурожаат қилиш ҳуқуқини қонунийлаштириш асосли эканлигига амин бўламиз. Чунки, процессуал қонунчилигимизда бу масала ЎЗР ИПКнинг 25-моддаси иккинчи қисмида "Якка тартибдаги тадбиркор мақомини йўқотган фуқаролар иштирокидаги низоларга доир ишлар ҳам, агар тегишли талаблар уларнинг аввалги тадбиркорлик фаолиятидан келиб чиқса, судга тааллуқли бўлади" деган норма асосида ҳал қилинган. Ушбу нормани қонун аналогияси асосида қўллаб, ИПК 25-моддасига қуйидагича ўзгартириш ва қўшимча киритилиб: "Корпорация иштирокчиси, акциядори мақомини йўқотган фуқаролар ва юридик шахслар иштирокидаги низоларга доир ишлар ҳам, агар тегишли талаблар уларнинг аввалги корпорацияда иштирокчилик, акциядорлик ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқса, судга тааллуқли бўлади", деган қисм билан тўлдирилиши лозим деб ҳисоблаймиз.

Иккинчи таклиф, иштирокчи томонидан жамиятга нисбатан берилган ўзини жамиятдан чиқариш ҳақидаги талаб иқтисодий судлар томонидан кўриб чиқилиб, қонуний ҳал қилиниши лозимлигини моддий қонунчилик томонидан мустаҳкамлаш ва Ўзбекистон Республикасининг "Масъулияти чекланган ва қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида" ги Қонунига иштирокчининг жамият иштирокчилари сафидан чиқиш юзасидан ҳуқуқлари бузилган ҳолларда бу ҳуқуқларни ҳимоя қилиш ва тиклаш учун унинг судга мурожаат қилиш ҳуқуқи ҳақидаги қоида билан тўлдирилиб ўзгартириш киритилиши мақсадга мувофиқ бўларди.

Учинчи таклиф, корпорация ташкил қилиш, яъни уни юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтишидан олдинги тарафлар ўртасида корпорация ташкил қилиш билан боғлиқ муносабатлардан келиб чиқадиган низоларни корпоратив низолар таркибига киритиш ва бу низоларнинг иқтисодий судларга тааллуқлилигини белгилаш. Бу шахслар иштирокидаги низони фуқаролик ишлари бўйича судлари эмас, балки иқтисодий судларга тааллуқлилигини белгилаш.

Бинобарин, корпоратив низолар бўйича ишлар жумласига Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 30-моддаси биринчи қисмининг биринчи бандига кўра, юридик шахсни ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш билан боғлиқ низолар, корпоратив низолар жумласига киритилган. Бу норма талабидан бу туркум низоларнинг корпоратив низо эканлиги ва уларнинг иқтисодий судлар судловига тааллуқли эканлиги талаби келиб чиқади. Лекин амалиётда, бу норманинг тегишли тартибда қўлланилишида корпорация, яъни юридик шахсни ташкил этиш жараёнидаги иштирокчилар ўртасида келиб чиқадиган низоларнинг корпоратив низолар таркибига киртилмаганлиги ва бу шахслар ҳуқуқининг лозим даражада қонуний ҳимоясини таъминлашда мураккабликлар келтириб чиқаради.

Бинобарин, ИПК 25-моддасида биринчи қисми биринчи бандида, "иқтисодиёт

соҳасида юридик шахслар ҳамда юридик шахс ташкил этмаган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган ва яқка тартибдаги тадбиркор мақомини қонунда белгиланган тартибда олган фуқаролар, шунингдек корпоратив низолар бўйича ишлар кўрилатганда тарафлар бўлган фуқаролар (бундан буён матнда фуқаролар деб юритилади) ўртасидаги фуқаровий, маъмурий ва бошқа ҳуқуқий муносабатлардан юзага келадиган низоларга доир ишлар", деб белгиланганлиги амалиётда тааллуқлилиқ борасида бу шахсларнинг бу туркум низолар иштирокчиси эканлиги юзасидан ноаниқликларни келтириб чиқаради.

Шу боис, ушбу нормага тегишли равишда ўзгартириш киритилиб, "шунингдек корпоратив низолар бўйича ишлар кўрилатганда, жумладан юридик шахсни ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш билан боғлиқ низоларда тарафлар бўлган фуқаролар (бундан буён матнда фуқаролар деб юритилади)", деган тахрирда қабул қилиниши таклиф қилинади.

Юқорида келтирилган таклифларнинг процессуал ва моддий қонунчилигимизга киритилиши корпоратив низоларнинг иқтисодий судларга тааллуқлилиқ мезонларининг мукамаллашишида, натижада бу низоларнинг тегишли суд ваколоти доирасида малакали кўриб чиқилишини таъминланишида ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини одил суд томонидан ҳимоя қилиш механизмларини такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

Иқтибослар/Сноски/References

1.Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси // URL:<https://lex.uz/docs/3523891> (The Code of Economic Procedure of the Republic of Uzbekistan // URL:<https://lex.uz/docs/3523891>)

2.Ўзбекистон Республикасининг "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида" ги Қонуни URL:<https://lex.uz/docs/2382409>. (The law of the Republic of Uzbekistan "On the protection of the rights of Joint-Stock Companies and shareholders" URL:<https://lex.uz/docs/2382409>)

3.Ўзбекистон Республикасининг "Масъулияти чекланган ва қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида" ги Қонуни // URL:<https://lex.uz/docs/22525> (Law of the Republic of Uzbekistan "On Limited Liability and Additional Liability Companies" // <https://lex.uz/docs/22525>)

4.Раҳмонқулов Х.Р., Гулямов С.С. Корпоратив ҳуқуқ. Т.: ТДЮИ нашриёти, 2008. (Rakhmonkulov X.R., Gulyamov S.S. Corporate law. T.: TSUL Publishing House, 2008)

5.Саидов М. Корпоратив низолар:тушунчаси, турлари ва уларни судда кўришнинг ўзига хос жиҳатлари. Амалий қўлланма. Тошкент, Complex Print. 2019. (Saidov M. Corporate disputes: concept, types and peculiarities of their consideration in court. Practical guide.- T.: Complex Print. 2019)

5.Саидов М.Н. Корпоратив низолар бўйича ишни суд муҳокамасига тайёрлашнинг айрим масалалари. // Юрист ахборотномаси- Вестник юриста- Lawyer herald. №1 (2020), <http://yuristjournal.uz/index.php/lawyer-herald/issue/view/6/2> (Saidov M.N. Some issues of preparing corporate disputes for the court // Юрист ахборотномаси- Вестник юриста- Lawyer herald. №1 (2020)

6.Афанасьева Е.В. Корпоративное право. Учебный курс. - Москва-2017. URL: <https://istina.msu.ru/publications/book/75206574/>. (Afanasyeva E.V. Corporate law. Training course. Moscow 2017. <https://istina.msu.ru/publications/book/75206574/>)

7.Вялых Е.И. Процессуальные особенности рассмотрения корпоративных споров в Российской Федерации. Автореферат диссертации на сосикание кандидата юридических наук. Екатеринбург - 2018. <https://www.twirpx.com/file/2626403/>.

(Vyalykh E.I. Procedural features of the consideration of corporate disputes in the Russian Federation. Abstract of the dissertation on the sucking of a candidate of legal sciences. Yekaterinburg - 2018 // URL:<https://www.twirpx.com/file/2626403/>)

8.Данельян А.А. Корпорация и корпоративные конфликты. Автореферат диссертации на сосикание кандидата юридических наук. Москва-2006. URL:<https://www.dissercat.com/content/korporatsiya-i-korporativnye-konflikty>. (Danelyan A.A. Corporation and corporate conflicts. Abstract of the dissertation on the sucking of a candidate of legal sciences. Moscow 2006. <https://www.dissercat.com/content/korporatsiya-i-korporativnye-konflikty>)

9.Пашкова Е.Ю. Подведомственность арбитражным судам споров, возникающих из корпоративных правоотношений. Автореферат диссертации на сосикание кандидата юридических наук. Москва-2016. URL: <https://www.dissercat.com/content/podvedomstvennost-arbitrazhnym-sudam-sporov-voznikayushchikh-iz-korporativnykh-pravootnoshen>. (Pashkova E.Yu. Jurisdiction of arbitration courts for disputes arising from corporate legal relations. Abstract of the dissertation on the sucking of a candidate of legal sciences. Moscow 2016. <https://www.dissercat.com/content/podvedomstvennost-arbitrazhnym-sudam-sporov-voznikayushchikh-iz-korporativnykh-pravootnoshen>)

10.Д.Н.Северин. Рассмотрение судами споров, вытекающих из условий учредительства хозяйственных обществ (корпоративные споры). Автореферат диссертации на сосикание ученой степени кандидата юридических наук. Минск, 2014. <http://dep.nlb.by/jspui/handle/nlb/45667> (D.N. Severin D.N. Court consideration of disputes arising from the conditions for the establishment of business entities (corporate disputes). Abstract of the dissertation on sucking the degree of a candidate of legal sciences. Minsk, 2014 // <http://dep.nlb.by/jspui/handle/nlb/45667>)

11.Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди пленумининг 2014 йил 20 июндаги "Иқтисодий судлар томонидан корпоратив низоларни ҳал этишнинг айрим масалалари тўғрисида" ги 262-сонли қарори /қарор номи Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2018 йил 19 майдаги 17-сонли қарори таҳририда/ <https://lex.uz/docs/2453499/>. (Resolution of the Plenum of the Supreme Economic Court of the Republic of Uzbekistan dated June 20, 2014 No 262 "On some issues of resolving corporate disputes by economic courts"/.<https://lex.uz/docs/2453499/> title of the decision as amended by the decision of the Plenum of the Supreme Court of the Republic of Uzbekistan dated May 19, 2018 No 17)

12.Иқтисодий ишлар бўйича суд амалиёти. Амалий қўлланма. Тошкент, Complex Print.2018. (Judicial practice in economic cases. Practical guide. Tashkent, Complex Print.2018)

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИ, ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ. КРИМИНОЛОГИЯ. ЖИНОЯТ-ИЖРОИЯ ҲУҚУҚИ

ОТАЖОНОВ Абдоржон Анварович,

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Юристлар
малакасини ошириш маркази директорининг ўқув-услубий ва илмий ишлар
бўйича биринчи ўринбосари, юридик фанлар доктори, профессор

E-mail: abror_otajonov@mail.ru

КУШБАКОВ Дилшод Мусурмонкулович

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси катта ўқитувчиси,

E-mail: d_kushbakov@inbox.uz

АҚЛИ РАСО ВА НАРОСОЛИК ТУШУНЧАСИ ҲАМДА МЕЗОНЛАРИ, ШУНИНГДЕК УЛАРНИ ТАРТИБГА СОЛИШГА ДОИР ЖИНОЯТ ҚОНУНИ НОРМАЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования): ОТАЖОНОВ А.А.,
КУШБАКОВ Д.М. АҚЛИ РАСО ВА НАРОСОЛИК ТУШУНЧАСИ ҲАМДА
МЕЗОНЛАРИ, ШУНИНГДЕК УЛАРНИ ТАРТИБГА СОЛИШГА ДОИР
ЖИНОЯТ ҚОНУНИ НОРМАЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
МАСАЛАЛАРИ // Юрист ахборотномаси - Вестник юриста - Lawyer herald. №
2 (2020), Б.73-86.



№2 (2020) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2020-2-9>

АННОТАЦИЯ

Мақолада ақли расо ва норасолик тушунчалари, белгилари ҳамда уларнинг тиббий ва юридик мезонлари, олимларнинг бу борадаги фикр ва мулоҳозалари, шунингдек қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти таҳлил қилинган. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги жиноят қонунида белгиланган ақли норасоликка берилган тушунчаси ва уларнинг белгилари ҳамда тиббий ва юридик мезонлари илмий жиҳатдан таҳлил қилиниб, уларга аниқлик киритилган, шунингдек уни мустақил нормада белгилаш зарурияти асослантилган. Ақлий ривожланишда орқада қолган шахсларнинг жавобгарликка тортишнинг жиноят-ҳуқуқий чоралари ишлаб чиқилган ҳамда уни жиноят қонунида белгилаш юзасидан таклиф ва тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: ақли расолик, ақли норасолик, тиббий мезонлар, юридик мезонлар, руҳий ҳолатнинг бузилиши, тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари,

ақлий ривожланишда орқада қолган шахс.

ОТАЖОНОВ Аброржон Анварович,

Первый заместитель директора по учебно-методической и научной работе

Центра повышения квалификации юристов

при Министерстве юстиции Республики Узбекистан,

доктор юридических наук, профессор

E-mail: abror_otajonov@mail.ru

КУШБАКОВ Дилшод Мусурмонкулович,

Старший преподаватель Академии МВД Республики Узбекистан

E-mail: d_kushbakov@inbox.uz

ПОНЯТИЯ "ВМЕНЯЕМОСТЬ" И "НЕВМЕНЯЕМОСТЬ", ИХ ПРИЗНАКИ, КРИТЕРИИ И МЕРЫ ПО СОВЕРШЕНСТВОВАНИЮ НОРМ УГОЛОВНОГО ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА

АННОТАЦИЯ

В статье проанализированы понятия "вменяемость" и "невменяемость", их признаки, медицинские и юридические критерии их определения, мнения ученых и правоприменительная практика. Автором обоснуется необходимость их регламентации как отдельной нормы уголовного права. Определены уголовно-правовые меры привлечения к уголовной ответственности лиц, отстающих в умственном развитии, а также разработаны предложения и рекомендации по их регламентации в уголовном законодательстве.

Ключевые слова: вменяемость, невменяемость, медицинские критерии, юридические критерии, психические расстройства, принудительные меры медицинского характера, лицо с умственной отсталостью.

ОТАЖОНОВ Abrorjon,

First Deputy Director of the educational, methodological and scientific affairs of

the Lawyers' Training Center under the

Ministry of Justice of the Republic of Uzbekistan,

Doctor of Law Sciences, professor

E-mail: abror_otajonov@mail.ru

KUSHBAKOV Dilshod,

Senior teacher of the Academy of the MIA of the Republic of Uzbekistan

E-mail: d_kushbakov@inbox.uz

THE EXPRESSION OF MENTAL INTELLIGENCE AND RETARDATION, SIGNS AND CRITERIA, AS WELL AS THE ISSUES OF REGULATION OF IMPROVING NORMS OF THE CRIMINAL LAW

ANNOTATION

The article analyzes the concepts of mental intelligence and retardation, signs and their medical and legal criteria, the views and opinions of scientists in this regard, as well as the practice of law and order are analyzed. The current criminal law of the Republic of Uzbekistan scientifically clarifies the concept of mental retardation and their symptoms, as well as medical and legal criteria, the need to define it in an independent norm. Criminal-legal measures have been identified to prosecute people with intellectual disabilities, and proposals and recommendations have been developed to strengthen it in the criminal law.

Keywords: mental intelligence, mental retardation, medical criteria, law criteria, destruction of mental abilities, medical coercive measures, a person with mental retardation.

Маълумки, ақли расо ва норасоликни белгилаш масалалари нафақат жиноят ҳуқуқнинг, балки суд психиатриясининг ҳам асосий муаммоларидан бири ҳисобланади. Шунинг учун ҳам ақли расолик (норасолик) ҳақидаги таълимот жиноят ҳуқуқи, психология, психиатрия ва бошқа фанлар билан узвий боғлиқликда ўрганилиши ва ривожлантирилиши мумкин. Шу жиҳатдан мазкур муаммони, ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан тўғри ҳал қилишнинг муҳим шарти, шахснинг жиноят содир этиш вақтидаги руҳий ҳолатини илмий жиҳатдан тўғри баҳолаш ҳисобланади.

Қонун чиқарувчи учун ақли расо ва норасолик масалаларини тартибга солувчи қонун нормаларини амалда самарали қўллаш имкониятларини баҳолашда уларнинг тушунчаси муҳим жиноят-ҳуқуқий аҳамият касб этади. Ваҳоланки, юридик адабиётларда ақли расо ва норасолик тушунчалари турлича таърифланади. Чунончи, профессор Р. Кабулов ва М. Усмоналиевлар "Ақли расолик - шахснинг жиноят содир этиш вақтида ўз қилмишининг ижтимоий хавфлилик хусусиятини англаши ва ўз ҳаракатларини бошқара олишидир" [6, Б.108], [25, Б.238], десалар, А.К. Иркаходжаев ва У.Ш. Холикуловлар, ижтимоий хавfli ҳаракат ёки ҳаракатсизлик содир этаётганлигини ақлан англаган ва ўзини бошқара оладиган шахс ақли расодир [8, Б.34], деб таъкидлайдилар. Шунингдек, бу борада Б.О. Сарманова, ақли расолик деганда, руҳиятнинг шундай ҳолати тушунилиши лозимлигини қайд этадики, унда шахс жиноят содир этиш вақтида ўз қилмишининг ижтимоий аҳамиятини англаши ва бошқара олиш қобилиятига эга бўлиши лозим [17, С.64]. Мазкур муаммони ўрганган Д.А. Пестов эса, ақли расолик деганда, содир этилган ижтимоий хавfli қилмиш учун шахсни жиноий жавобгарликка тортиш ва айбдор деб топишнинг юридик асосини белгиловчи, жиноят содир этилган вақтда ўз ҳаракатларини (ҳаракатсизлигини) ижтимоий хавfli ва фактик хусусиятини англаши ва бошқара олиш қобилияти мавжудлигини [14, С.369] тушунади.

Кўриб турганимиздек, ушбу муаллифлар ақли расоликка жиноят содир этган вақтда шахс қилмишининг ижтимоий хавfli эканлигини онгли равишда англаши ва уларни бошқара олишини ифодаланувчи бир-бирига яқин ва ўхшаш таърифларни берганлар. Мадомики, ақли расолик айбнинг асосий белгиси ҳисобланади. Жиноят қонунига биноан, фақат ақли расо шахслар томонидан содир этилган ижтимоий хавfli қилмишлар учун жиноий жавобгарлик белгиланади. Шу сабабли ҳам фақат ўз хулқ-атвори ва қилмишининг хусусиятини онгли равишда англаш ҳамда ўз қилмишини бошқара олиш ҳолатлари шахсни содир этган қилмиши учун жавобгар бўлиши мумкинлигини англатади.

Башарти, юқорида билдирилган фикрлардан ақли расоликнинг юридик табиатини очиб бериш масаласига чуқурроқ ёндашилмаганлигини кўрсак бўлади. Чунки ушбу масалага умуман бошқача ёндашилган, алоҳида илмий изланишлар мавжуд бўлиб, жумладан, бизнингча тўғрироқ бўлган фикрни М.Х. Рустамбаев берган. Олим, таҳлил қилинаётган ҳолатга ўз эътиборини қаратиб, "Ақли расолик деганда, шахснинг муайян ривожланиш босқичидаги қобилияти, ижтимоийлашувидан келиб чиқувчи ёшдаги ва жиноят содир этиш вақтидаги руҳий жиҳатдан соғлиғи ҳамда ҳаракатлари учун ўз-ўзига ҳисоб бериши ва уларни бошқариши, кейинчалик жиноий жавобгарлик ва жазони ўташдаги руҳий ҳолати тушунилади" [15, Б.208], деб ёзади. Шунингдек Р.Р. Тугушев, "Ақли расолик - бу шахснинг муайян ёшга етиши натижасида ва руҳий соғлом ҳолатида ижтимоий-

психологик ривожланиши ва ижтимоийлашиш даражасига кўра, жиноят содир этган вақтда ўз ҳаракатларининг (ҳаракатсизлигининг) жиноий ҳуқуқбузарлиги ва фактик хусусиятларини англаши, уларни бошқара олиши туфайли жиноий жавобгарликка тортишнинг юридик белгисидир" [19, С.21], деб фикр билдиради. Демак, айтиш мумкинки, шахс жавобгарлиги масаласини кўриб чиқишда ақли росолик учун унинг ақлий ривожланиши ва руҳий ҳолати нафақат жиноят содир этиш вақтида, балки суд ҳуқми чиқарилгунига қадар ва ундан кейин ҳам соғлом бўлиши билан бирга у ўз қилмишининг аҳамиятини англаши ёки уларни бошқара олиш қобилиятига эга бўлиши талаб этилади. Аммо бу борада Р.Р. Тугушевнинг "шахс жиноят содир этган вақтда ўз ҳаракатларининг (ҳаракатсизлигининг) жиноий ҳуқуқбузарлигини англаган бўлиши лозим" деган фикрига қўшилиб бўлмайди, чунки қонунни билмаслик жиноий жавобгарликдан озод қилмайди. Бунда шахс содир этаётган қилмишининг аҳамиятини англаганлиги етарли бўлади.

Бинобарин, айтиш жоизки, ташқи ёки ички омиллар натижасида инсон ҳуқ-атворининг ўзгариши шахс ҳаракатларини бошқара олиш ва унинг хусусиятларини англашдаги ролини олдиндан белгилаб бермайди. Шахснинг иродавий ҳуқ-атвори, доимо, унинг онгига боғлиқ ҳолда шаклланади. Шу боисдан, ақлий жараён шахснинг иродавий ҳуқ-атворида қўшилиб, унинг ҳаракатларини фикрлаш орқали ўзгартиради. Натижада иродавий ҳаракатнинг онгли хусусияти рўй беради, яъни шахс ўз ҳуқ-атворининг оқибатларини англайди.

Руҳий ҳолати бузилмаган ва нормал ҳолатда бўлган шахс содир этаётган ҳаракати натижасида келиб чиқадиган оқибатни онгли равишда баҳолай олади ёки муайян мақсадга эришиш учунамалга ошириладиган ҳаракатларини танлаш қобилиятига эга бўлади. Шундан келиб чиққан ҳолда шахсни жиноий жавобгарликка тортиш учун у ўзи содир этган қилмишининг ижтимоий хавфлилигини англаши ва уни бошқара олиш қобилиятига эга бўлиши лозим.

Айни пайтда амалдаги Жиноят кодексининг 18-моддаси биринчи қисмида "Жиноят содир этиш вақтида ўз ҳаракатларининг (ҳаракатсизлигининг) ижтимоий хавfli хусусиятини англаган ва уларни бошқара олган шахс ақли расо шахсдир", дейилади. Мазкур таърифдан ақли расоликнинг ақлий (ўз қилмишининг ижтимоий хавfli хусусиятини англаш) ва иродавий (ўз ҳуқ-атворини бошқара олиш) белгиларини фарқлаш мумкин.

Ақли расоликнинг ақлий белгилари шахснинг жиноят содир этиш вақтида ўз қилмишининг ижтимоий хавfliлик хусусиятини англашида ифодаланиб, фақат қилмишнинг объектив томонини эмас, балки унинг ижтимоий моҳиятини ҳам англаши лозимлигини назарда тутди. Бунда онг, инсон ҳуққининг руҳий функциясини белгилайди. Онг ва ирода индивид яшаётган объектив ҳақиқат ҳисобланган жамиятнинг моддий ҳаёт шароити ва ижтимоий муҳити билан боғлиқ бўлади. Бу борада М.Ю. Дворецкий ва Д.А. Пестовлар тўғри таъдлаганидек, жиноий ҳуқ-атвор ташқи омиллар мажмуи таъсирида шаклланади. Бироқ, ҳар қандай ташқи омиллар инсонга унинг онгини четлаб ўтган ҳолда таъсир кўрсата олмайди [5, С.312]. Шундай экан, инсон фикр қилувчи мавжудот сифатида муайян қарор қабул қилар экан, у ўз ҳаракатининг ҳақиқий ҳолатларини ҳамда ўз қилмишининг хусусияти ва аҳамиятини баҳолаш орқали ҳаракат қилади ва муайян мақсадга эришишнинг у ёки бу усулларини ўз эрки ва иродаси билан танлайди.

Ақли расоликнинг иродавий белгиси эса, шахснинг жиноят содир этиш вақтида ўз ҳаракатларини (ҳаракатсизлигини) бошқара олиш қобилияти билан ифодаланиб, шахснинг муайян мақсадга эришиш ёки фаоллигини тўхтатиши учун ақлий ва жисмоний кучини онгли равишда йўналтиришини англади. Ўз навбатида шахснинг иродавий ҳуқ-атвори унга ташқи омилларни инобатга олган

ҳолда ижтимоий хавфли қилмиш содир этиш вақтида у ёки бу хатти-ҳаракатни танлаш ва бошқариш имкониятини беради. Шу боисдан, ақли норасо шахслар томонидан ижтимоий хавфли қилмиш содир этилган вақтда уларнинг онги ва иродаси иштирок этмаганлиги сабабли, уларни жиноий жавобгарликка тортиш мумкин эмас. Зеро, бундай шахслар томонидан ижтимоий хавфли қилмиш содир этилганлиги уларнинг руҳий ҳолати бузилганлиги билан шартланади. Мазкур ҳолат қандай оғир оқибатларга олиб келмасин, бироқ уларни жиноий жавобгарликка тортиш учун ҳеч қандай асослар мавжуд бўлмайди. Бундан ташқари, ақли норасо шахсга, жиноий жазонинг мақсадларидан ҳисобланган, маҳкумни ахлоқан тузатиш ва улар томонидан янги жиноят содир этишнинг олдини олиш каби вазифаларига эришиш имконини бермайди.

Мадомики, ақли норасолик ақли расоликка нисабатан қарама-қарши тушунча ҳисобланиб, у инсон руҳий ҳолати бузилиши натижасида келиб чиқади, жиноий жавобгарликни истисно қилади ва бундай ҳолатлар учун тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллашни назарда тутаяди. Айни пайтда ақли норасолик тушунчаси Жиноят кодексининг 18-моддаси 2-қисмида белгиланган бўлиб, унда "Ижтимоий хавфли қилмишни содир этиш вақтида ақли норасо ҳолатда бўлган, яъни руҳий ҳолати сурункали ёки вақтинча бузилганлиги, ақли заифлиги ёхуд руҳий ҳолати бошқача тарзда бузилганлиги сабабли ўз ҳаракатларининг (ҳаракатсизлигининг) аҳамиятини англай олмаган ёки уларни бошқара олмаган шахс жавобгарликка тортилмайди", дейилади. Аммо қонунчиликда ақли норасоликнинг мезонлари ва уни фарқловчи жиҳатлари фарқланмаган.

Шу сабабли жиноят қонунида ақли норасоликнинг умумий мазмуни очиб берилишига қарамасдан, бугунги кунда адабиётларда унинг мезонлари борасида ягона тўхтамга келинмаган ва уларни фарқлашга қаратилган бир қатор ёндошувлар илгари сурилган. Хусусан, мазкур масала бўйича биринчи гуруҳ муаллифлари [6, Б.110], [16, 215] ақли норасоликнинг тиббий ва юридик мезонларини фарқласалар, иккинчи гуруҳ муаллифлари [21, С.302] унинг тиббий(биологик, психиатрик) ва психологик(патопсихологик, юридик) мезонларини ажратади. Яна бир бошқа гуруҳ муаллифлари [22, С.153], [10, С.29], ушбу мезонлар қаторига ижтимоий хавфли қилмиш содир этилган вақтда руҳий ҳолатнинг тиббий ва психологик мезонларига мос келишини ифодаловчи вақт чегарасини ҳам киритадилар. Жумладан, Р. Кабуловнинг ёзишича, "Шахсни ақли норасо деб топиш учун қуйидаги икки мезонни аниқлаш керак: юридик (ҳуқуқий) ва тиббий (биологик). Шахснинг содир этган қилмиши ва унинг жиноят содир этишга бўлган руҳий муносабатида ушбу белгиларнинг аниқланмаганлиги, уни ақли норасо деб топиш учун асос бўлиб хизмат қилади" [7, Б.70]. М.Рустамбаев эса, "Ақли норасолик ҳам ақли расолик каби икки: юридик (психологик) ва тиббий (биологик ёки психиатрик) мезонлар орқали белгиланувчи, ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни жиноят субъекти ҳисобламасдан олдин, унинг руҳий ҳолати тўғрисида ҳар томонлама баҳо бериш имконини беради" [15, Б.175]. Шунингдек, бу борада В.В. Лень ҳам ақли расоликнинг тиббий ва юридик мезонларга ажратиб, унинг биринчиси мазмунига шахс руҳий ҳолатининг сурункали ёки вақтинча бузилганлиги сабабли ўз қилмишининг аҳамиятини англаш ёки уларни бошқара олиш қобилиятининг йўқотганлигини киритса, юридик мезонга жиноят қонунида назарда тутилган ижтимоий хавфли қилмишнинг (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) содир этилганлик факти ҳамда ушбу шахс томонидан унинг содир этилганлигини тасдиқловчи далилларнинг мавжуд эканлигини киритади [12, С.98]. Дарҳақиқат, ақли норасоликни тиббий ва юридик мезонларга фарқлаб ўрганиш ва таҳлил қилиш, ушбу юридик категорияни тўғри англаш ва тушуниш имконини беради.

Шу сабабли биз ҳам олимларнинг ақли норасоликни тиббий ва юридик (психологик) мезонларга бўлинишини қўллаб-қувватлаган ҳолда уларни қуйида келтирилган белгиларга асосан изоҳлаймиз.

Ақли норасоликнинг тиббий мезонишахсни ақли норасо деб топиш учун объектив асос бўладиган руҳий ҳолатнинг бузилиши билан белгиланади. Шу ўринда айтиш мумкинки, айтиш вақтда "руҳий ҳолатнинг бузилиши" иборасига қонунчиликда таъриф берилмаган. Ушбу атаманинг умумэтироф этилган қонуний таърифнинг йўқлиги билан боғлиқ мавжуд ҳолат, ушбу муҳим ҳодисанинг ҳуқуқни қўллаш амалиётида турлича талқин қилинишига объектив шароит яратади. Гарчи, адабиётларда ҳам мазкур масала турлича тушунтирилади. Жумладан, Н.Н. Белокобилский ва Е.Ю. Комиссаровлар, асаб тизими фаолиятининг издан чиқиши туфайли жиноят содир этаётган шахсни ўз қилмишининг хавфлилик хусусиятии англаши ва ҳаракатларини бошқа олиш қобилиятини сезиларли даражада пасайишини руҳий ҳолатнинг бузилиши [2, С.157], деб тушунадилар. Бироқ, ушбу муаллифлар руҳий ҳолат бузилишини асосан, жиноят-ҳуқуқий тоифа сифатида кўриб чиқиш билан чекланганлар. Бу эса унинг тиббий масалаларини очиб бермайди. Шу билан бирга мазкур масалада Д.В. Ситковский руҳий ҳолатнинг бузилиши деганда, руҳий патологиянинг чуқур бўлмаган даражасидан бошлаб, шахсни соғлом деб ҳисоблаш учун белгиланадиган меъёрлари билан чегарадош бўлган ва аста-секин чуқурлашиб борадиган, руҳиятнинг оғир етишмовчиликлари билан яқунланадиган, жиддийлик даражаси ва нозологик табиати ҳамда клиник келиб чиқиши бўйича турлича ифодаланадиган асаб ва руҳий зўриқишларнинг кенг доирасидир [18, С.8] деб тушунади. Ҳолбуки, руҳий ҳолатнинг бузилиши, инсон руҳиятининг соғломлик даражасини белгиловчи меъёрларининг ўзгариши ва асаб тизимининг зўриқишида намоён бўлади.

Наинки, руҳий ҳолатнинг бузилиши замонавий тиббий-психиатрик тушунча ҳисобланиб, халқаро стандартларга мос келади. Яъни, руҳий ҳолатнинг бузилиши, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан ишлаб чиқилган Халқаро касалликлар таснифининг (10-ХКТ) V-қисмида назарда тутилган бўлиб, унда руҳий ҳолат бузилишини ифодаловчи қуйидаги ҳолатлари келтирилган: 1. Органик, шу жумладан симптоматик руҳий бузилишлари. 2. Психикфаол воситаларни истеъмол қилиш билан боғлиқ бўлган руҳий бузилишлар. 3. Шизофрения, шизотипик ва васваса бузилишлари. 4. Аффектив бузилишлар. 5. Стрессга боғлиқ невротик ва соматоформ бузилишлари. 6. Физиологик бузилишлар ва жисмоний омиллар билан боғлиқ бўлган хулқ-атвор синдромлари. 7. Етуклик ёшдаги шахс ва хулқ-атвор бузилишлари. 8. Ақл заифлиги. 9. Психологик (руҳий) ривожланишнинг бузилишлари. 10. Одатда болалик ва ўсмирлик ёшида бошланадиган эмоционал ва хулқ-атвор бузилишлари. Шубҳасиз, мазкур ҳолатлар, биз таҳлил қилаётган руҳий ҳолат бузилишларида ҳам ўз ифодасини намоён этиши лозим бўлади.

Айни пайтда, Жиноят кодекси 18-моддаси иккинчи қисмида руҳий ҳолат бузилишининг тўртта таснифи кўрсатилган. Хусусан, улар қуйидагилардир:

1. Руҳий ҳолатнинг сурункали бузилиши. Руҳий ҳолатнинг сурункали бузилиши - бу шахснинг атроф-муҳитдаги воқеяликни тўғри қабул қилиш ва ўз ҳаракатларига (ҳаракатсизлигига) тўғри баҳо бера олиш қобилиятига таъсир қиладиган руҳий ҳолатнинг нормал фаолиятини бузилишида ифодаланувчи касалликларда намоён бўлади. Ушбу касалликларга қуйидагилар киради: шизофрения, эпилепсия, параноя, ҳурижли шол касаллиги, маникал-депрессив психоз ва бошқалар. Санаб ўтилган касалликлар доимий ривожланиб боради ёки даволанмайди. Бироқ, баъзида бундай касалликлар билан беморда оралиқ тикланиш ҳолатлари кузатилиши мумкин.

2. Руҳий ҳолатнинг вақтинча бузилиши. Руҳий ҳолатнинг вақтинча бузилишини келтириб чиқарадиган касалликларга қўйидагилар киради: алкоғолли психозлар, оқ алаҳлаш (ичкиликка муккасидан кетиш касаллиги, яъни белая горячка), патологик мастлик, патологик аффектнинг турли кўринишлари. Ушбу ҳолатлар шахс онгига тажовузлар шаклида юзага келади, қисқа муддат давом этади ҳамда ташқи омиллар таъсирида келиб чиқади.

3. Ақли заифлик. Ақли заифлик ақлий фаолиятдаги норасолик билан тавсифланади ва у туғма - олигофрениянинг турли шакллари (идиотия, имбесиллик ва дебиллик) ёки ҳаёт даврида орттирилган - деменция ҳолатларида намоён бўлади.

4. Руҳий ҳолатнинг бошқача тарзда бузилиши. Руҳий ҳолатнинг бошқача тарзда бузилишига юқорида кўрсатилган руҳий ҳолат бузилишларининг ҳеч қайсисига кирмайдиган руҳий аномалилар киради, яъни, психопатиянинг ўткир шакллари, туғма кўриш, эшитиш, сўзлаш қобилиятининг бузилганлиги ва бошқа касалликларга йўлиққан шахсларнинг руҳиятидаги ўзгаришлар шулар жумласидандир.

Ақли норасоликнинг тиббий мезонни баҳолаш учун ушбу санаб ўтилган руҳий ҳолат бузилишларининг биттасини аниқланиши етарли ҳисобланади.

Юқоридагилар билан биргаликда, биз кўриб чиқаётган яна бир муҳим масала шуки, жиноят ҳуқуқи ва ҳаттоки амалдаги қонунчилик (ЖК 18-м. 2-қ.), ақли норасолик ҳолатини келтириб чиқаришни фақат руҳий ҳолатнинг бузилиши билан чеклайди. Дарҳақиқат, одатда, ақли норасолик руҳий ҳолатнинг бузилиши туфайли келиб чиқади. Бироқ, уни келтириб чиқарадиган сабабни фақат руҳий ҳолатнинг бузилиши билан боғлаш, назаримизда унчалик тўғри бўлмайди. Амалда ақли норасоликни келтириб чиқариши мумкин бўлган бошқа ҳолатлар ҳам мавжуд бўлиб, улар қонун нормасининг тузилишида инобатга олинмаган. Хусусан, бу борада тўғрироқ бўлган фикрни А.Б. Гиоргидзе билдирган бўлиб, унинг ёзишича, "Жиноят содир этиш вақтида руҳий касаллиги, ёши, ҳуқуқий хатолик ёки бошқа ҳолатлар сабабли ўз қилмишининг ҳуқуққа хилофлиги ёки фактик хусусиятини англамаган ёхуд англаш мумкин бўлган бўлсада, уларни бошқара олмаган шахс ақли норасо деб топилади" [4, С.156]. Шунингдек, мазкур масалада О. Гамкрелидзенинг "Руҳий соғлом бўлган, бироқ аниқ вазиятларда фактик хатолик ёки бошқа ҳолатлар сабабли ўз қилмишининг аҳамиятини англай олмаган ёки бошқара олмаган шахс ҳам ақли норасо ҳисобланади" [3, С.47] деган фикрини қўллаб-қувватлаш мумкин. Чунончи, инсоннинг руҳий ҳолати бузилишига ички ва ташқи омиллар сабаб бўлади. Бунда, ички омилларга наслдан-наслга ўтадиган касалликлар, туғма нуқсонлар, инсон организмга таъсир қиладиган турли потологиялар билан кечувчи касалликлар (қандли диабет, юрак ҳуружлари ва ҳ.к.) натижасида келиб чиқадиган ҳолатлар кирадиган бўлса, ташқи омилларга эса, алкоғол, наркотик ва токсик моддалар, радиация, турли вируслар ҳамда ҳиссий стресс, шунингдек, оилавий ва бошқа ижтимоий муаммолар таъсирида келиб чиқадиган ҳолатларни киритиш мумкин. Демак, шундай экан, ақли норасолик тушунчаси мазмунига руҳий ҳолат бузилишидан ташқари айбни истисно қилиши мумкин бўлган бошқа ҳолатлар ҳам киритилиши мақсадга мувофиқдир. Чунки юридик нуқтаи назардан ақли норасолик шахс ўз қилмишининг аҳамиятини англамаслигини ёки уларни бошқара олмаслигида намоён бўлади. Шу боисдан ҳам унга олиб келган сабаб айб ва жиноий жавобгарлик учун аҳамиятга эга бўлмаслиги керак.

Ақли норасоликнинг навбатдаги белгиси, унинг юридик мезони ҳисобланади. Уни тушуниш учун албатта юридик мезонни ифодаловчи белгиларига аниқлик киритилиши тақозо этилади. Гарчи, назаримизда ақли норасоликнинг юридик мезони қўйида келтирилган белгиларга эга бўлиши лозим.

Яъни, ақли норасолик юридик мезонининг биринчи белгисишахс томонидан Жиноят кодекси Махсус қисмида назарда тутилган жиноят таркибининг объектив томонини ташкил қилувчи қилмишларнинг содир этганлиги ва мазкур жиноят учун қонунда белгиланган жавобгарлик ёшига тўлганлиги ҳисобланади. Мазкур белгини қуйидаги ўзига хос бўлган хусусиятларига кўра изоҳлаш мумкин:

биринчидан, агар қилмиш ёки унинг оқибати ғайриихтиёрий ёки ташқи таъсирлар туфайли енгиб бўлмас куч, жисмоний ёки руҳий зўрлик ишлатиш, қилмишнинг жиноийлигини истисно қилувчи ҳолатлар мавжудлигида келиб чиққан бўлса, бундай ҳолда шахснинг руҳий ҳолатини аниқлаш учун эҳтиёж бўлмайди;

иккинчидан, ақли норасолик ҳолати шахс томонидан жиноят таркибининг объектив томонини ташкил қилувчи қилмишлар содир этилган тақдирда аниқланади. Чунки, агарда шахс қилмишида жиноят таркибини ташкил қилувчи объектив белгилар аниқланмаса, шахснинг руҳий ҳолати бузилганлигини аниқлаш билан боғлиқ материаллар жиноят ва жиноят-процессул қонунчилигида кўрсатилган тартибда эмас, балки умумий асосларга кўра кўриб чиқилади;

учинчидан, ақли норасолик ҳолатини кўриб чиқишда жиноят субъектининг иккита белгиси рақобатлашадиган бўлса, яъни мавжуд ҳолатда шахс қонунда кўрсатилган жавобгарлик ёшига тўлмаган бўлса, унга биринчи навбатда устунлик берилади ва бунда шахснинг ақли норасолик ҳолатини кўриб чиқиш шарт бўлмайди.

Ақли норасолик юридик мезонининг иккинчи белгиси шахс руҳий ҳолати бузилган ва жиноят содир этилган вақтнинг мос келиши ҳисобланади. Мазкур белги ижтимоий хавfli қилмиш фактини шахс содир этган қилмишининг аҳамиятини англай олмаган ёки уларни бошқара олмаган вақт билан мос келганлигини англатади. Яъни, шахс жиноий жавобгарликка тортилмаслиги учун у ижтимоий хавfli қилмиш содир этиш вақтида ақли норасо ҳолатда бўлиши керак. Агар шахснинг руҳий ҳолати жиноят содир этилганидан сўнг бузилганлиги аниқланса, бундай ҳолат жиноят субъектининг ақли норасолик ҳолатини тартибга солувчи ҳуқуқ нормаси доирасида кўриб чиқилмайди. Масалан, шахс жиноят содир этаётган вақтда ақли расо ҳолатда бўлган, бироқ у жазо ўташ вақтида жазони ўташ учун монелик қиладиган ҳолда руҳий ҳолати бузилди, яъни у ўз қилмишининг аҳамиятини англай олмайдиган ва ҳаракатларини бошқара олмайдиган ҳолатга тушиб қолди. Бироқ амалдаги жиноят қонунида мазкур масала ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинмаган. Бу эса айни пайтда ҳуқуқни қўлловчилар учун мантиқан келиб чиққан ҳолда тегишли қарор қабул қилишларига олиб келмоқда. Шу сабабли назаримизда мазкур масала ҳам қонунчилик доирасида ўз ифодасига эга бўлиш керак ва уни қуйидагича белгилашни тавсия қиламиз: "Ижтимоий хавfli қилмиш содир этиш вақтида ақли расо бўлган, бироқ суд ҳукми чиқарилгунига қадар ёки ундан кейин руҳий ҳолати бузилганлиги туфайли ўз ҳаракатларининг (ҳаракатсизлигининг) аҳамиятини англай олмаган ёки уларни бошқара олмаган шахсга нисбатан суд жазо билан бирга тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини тайинлайди, башарти шахс даволангандан сўнг белгиланган жазо муддатини ўтайди".

Ақли норасолик юридик мезонининг учинчи белгиси шахснинг ўз ҳаракатларининг (ҳаракатсизлигининг) аҳамиятини англай олмаганлиги ҳисобланади.

Қилмишнинг ижтимоий хавfliлигини англамаслик нафақат содир этилаётган ҳаракатнинг (ҳаракатсизликнинг) фактик хусусиятини тушунмаслик лозимлигини, балки ушбу қилмишнинг бошқа шахсларга (ижтимоий муносабатларга) қандай

таъсир ўтказишини, шунингдек унинг қандай ижтимоий моҳиятга эгаллигини ҳам тушунмаслигини ифодалайди. Яъни, шахснинг қонунга хилоф қилмиш содир этишида унинг фактик ва ижтимоий хавфлилик хусусиятини англамаслиги, унинг бошқаларга нисбатан бўлган салбий таъсирини тушунмаслигидан келиб чиқади. Ваҳоланки, одатда, шахсда дастлаб ўз танасининг ҳаракатга келишига баҳо бериш юзага келади ва бу эса ўз навбатида, қилмишнинг фактик томонини англашини билдиради. Сўнгра қилмишнинг ижтимоий алоқадорлик муносабатлари асосида бошқаларга нисбатан таъсири кузатилади ва шу орқали фактнинг ижтимоий моҳияти ҳамда ижтимоий қиймати (ижтимоий хавфлилиги ва ш.к.) анланади. Билишнинг ушбу даражалари ўртасида муайян тиббий сабаблар туфайли узилиш ҳолатлари келиб чиққан тақдирда, ақли норасолик ҳақида сўз юритиш мумкин бўлади.

Ақли норасолик юридик мезонининг тўртинчи белгиси шахснинг ўз ҳаракатларини бошқара олмаганлиги ҳисобланади. Иродавий белги шахснинг ўз ҳаракатини бошқариш лаёқатини акс эттиради. Шахсда англаш жараёнининг бузилганлиги унинг иродасини ҳам бузилишига олиб келади ва натижада у ўз ҳаракатларини бошқара олмайди. Айрим ҳолларда шахс ўз ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлигининг аҳамиятини англаши, аммо ўз ҳаракатларини бошқара олмаслиги мумкин. Бундай ҳолда шахснинг жинсий жавобгарлик масаласи умумий асосларга кўриб чиқилади.

Гарчи, ақли норасолик мия фаолиятини нормал ишлашининг издан чиқиши ва касаллик туфайли воқеъликнинг ҳақиқий ҳолати бузилган ҳолда ифода этилиши, шахсни ўз қилмишига нисбатан онгли равишда ёндошиш ва ҳуққ-атворини идора қилиш имкониятидан маҳрум қилади. Руҳият ҳолатнинг бузилишини ифодаловчи касаллик мавжуд бўлган вазиятда шахс томонидан ҳар қандай ижтимоий муносабатлар, ҳаттоки жиноят қонуни билан тақиқланган ижтимоий хавфли қилмишлар ҳам содир этилиши мумкин. Бироқ бундай ҳолат шахс томонидан руҳий касаллиги сабабли содир этилганлиги учун юридик жавобгарликни инкор этади.

Юқоридагилар билан бирга юридик адабиётларда шахсни ақли норасо деб топиш тартиби ва шартлари тўғрисида турлича фикрлар илгари сурилади. Масалан, айрим муаллифлар ақли норасолик ҳуқуқни қўлловчи томонидан суд-психиатрик экспертиза ҳулосаси асосида аниқланади [10, С.189], [24 С.458] десалар, бошқалар ушбу фикрга қўйшимча қилиб, иш бўйича аҳамиятли бўлган бошқа далиллар билан бирга баҳолаш лозимлигини киритадилар [23, С.258]. Яна бошқа гуруҳ олимлари шахсни ақли норасо деб ҳисоблашда ҳуқуқни қўлловчи суд-психиатрик экспертиза ҳулосаси асосида аниқлаб, судга тақдим этади, айти пайтда суд учун бу қатъий ҳуқуқий асос ҳисобланмайди ва агарда суд томонидан унинг сифатига шубҳа уйғонса, қайта экспертиза тайинлаш мумкин [22, С.235] лигини таъкидлайдилар.

Шунингдек, учинчи гуруҳ муаллифлари ақли норасоликнинг тиббий мезонларини аниқлаш тиббиёт соҳасидаги мутахассис ваколатига кирса, юридик мезонлар эса, ҳуқуқни қўлловчи томонидан аниқланади, дейди. Бундан ташқари ақли норасолик фактини аниқлаш фақат суд-психиатрик экспертизаси ҳулосасига боғлиқ бўлмасдан ишнинг бошқа фактик ҳолатларига асосланган ҳолда ҳуқуқни қўлловчи томонидан аниқланиши лозим [9, С.937]; [1, С.216] лигини назарда тутадилар.

Тўртинчи гуруҳ муаллифлари ақли норасолик унинг тиббий ва психологик мезонлари асосида суд-тиббиёт экспертизаси томонидан аниқланиши лозимлигини [20, С.394] таъкидлайдилар. Ҳуқуқни қўлловчилар эса эксперт ҳулосаси

асосидагина шахснинг ақли норасолиги тўғрисида якуний қарорни қабул қилишлари мумкин бўлади.

Айни пайтда М.Х. Рустамбаев, "... шахснинг жиноят содир этиш вақтидаги руҳий ҳолатини аниқлаш учун ЖПК 173-моддаси 1-қисмига кўра, мажбурий тартибда суд-психиатрия экспертизаси ўтказилади. Кейинчалик жиноят содир этган шахснинг ақли расолиги тўғрисидаги масалани ҳал қилиш суд-психиатрия хулосаси асосида суд томонидан ЖПК 446-моддасига кўра амалга оширилади", деб ёзади.

Амалдаги тартибга кўра (ЖПК 567-м.), шахснинг ақли норасолиги ёки руҳий ҳолатининг бузилганлигини аниқлаш масаласи юзасидан суд билан бирга суриштирувчи ва терговчилар томонидан ҳам амалга оширилиши мумкинлиги белгиланган. Бироқ бизнингча, мазкур масала қонун ҳужжатлари асосида бу борада ягона сиёсат юритилишини таъминлаш ва турли шубҳаларни олдини олиш учун фақат суд-психиатрия экспертизаси хулосаси инобатга олинган ҳолда судларга берилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Биз томондан кўриб чиқиладиган яна бир долзарб масала бу ақли ривожланиши ортда қолган шахсларнинг жавобгарлиги ҳисобланади. Чунки, айрим ҳолларда ақлий ривожланиш даражаси ёшига нисбатан жисмоний ривожланишдан орқада қолган шахслар ҳам ижтимоий хавфли қилмиш содир этадилар. Ўз навбатида, жисмоний ривожланишда муайян жиноят субъекти ёшига етган, аммо ақлий ривожланишдан орқада қолган шахслар жиноятнинг субъекти бўла оладими, деган савол туғилади. Ҳолбуки, мазкур масалада Б.Муродов, "агар шахс ўз қилган қилмишини аҳамиятини тўла равишда англаб етмаган бўлса, унга нисбатан нафақат мажбурлов чораси, балки умуман жавобгарликдан озод этилиши керак. Ўз қилмишининг моҳиятини тўлиқ тушуниш имкониятига эга бўлмаган инсоннинг айбини исботлаш мақсадида тергов ва суд жараёнларини тўлиқ ўтказиш, суднинг ҳукми билан уни айбдор деб топиш ва шундан кейингина жазодан озод этилиши нотўғридир. Шу боис, жиноят қонунчилигида вояга етмаган шахсни ўз қилмишининг аҳамияти ва ижтимоий хавфлилигини англамаганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод қилишнинг ҳуқуқий асослари тартибга солиниши лозим" [13, Б.93-94] деган фикрни билдиради. Дарвоқе, ақлий ривожланишдан орқада қолган шахслар ақли норасолар билан тенглаштирилмайди. Чунки улар ақлий ривожланишдан орқада қолган бўлса-да, ақли расо ҳисобланадилар. Бундан ташқари, аксарият ҳолларда бундай шахслар муайян бир қилмиш содир этиш вақтида ўз ҳаракатларининг аҳамиятини англай олмаслиги ёки бошқара олмаслиги ҳам мумкин. Аммо мазкур масала амалдаги қонунчиликда ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинмаган.

Руҳий ривожланиши ортда қолган вояга етмаганларга нисбатан юритилган жиноят иши материалларини ўрганиш натижалари мазкур тоифадаги ишларни ҳуқуқни қўллаш амалиёти ҳамда психиатор ва психологлар томонидан турлича ҳал қилинишини кўриш мумкин. Жумладан, юристлар руҳий ривожланишнинг ортда қолиши деганда, педагогик қаровсизлик ва туғма касаллик деб қарасалар, психиаторлар уни руҳий ҳолатнинг бузилиши билан боғлиқ алоҳида тушунча сифатида баҳолашади, педагоглар эса жамиятга мослаша олмаслик, деб тушунадилар [11, С.130-132].

Айни пайтда бунинг сабабларидан бири, жумладан, кўрсатилган масаланинг таъкидлаганимиздек, ҳақиқатдан ҳам қонунчилик даражасида ҳал қилинмаганлиги, назарияда етарлича ишланмаганлиги ҳамда шахснинг ақлий ривожланишда ортда қолиш билан боғлиқ ҳолатлар ўз хусусиятига кўра, жиноят-ҳуқуқий тоифага кирмаслиги, балки унинг мазмуни психология ва психиатрия соҳаларида кўриб

чиқилишидадир. Шундан келиб чиққан ҳолда Жиноят кодексининг 17-моддасини қўйидаги мазмундаги нормалар билан тўлдириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Агар шахс ушбу модданинг биринчи, иккинчи ва учинчи қисмларида кўрсатилган жавобгарлик ёшига тўлган бўлса, бироқ ижтимоий хавфли қилмишни содир этиш вақтида руҳий ҳолатининг бузилиши билан боғлиқ бўлмаган ҳолда ақлий ривожланиши ёшига нисбатан орқада қолганлиги сабабли ўз ҳаракатларининг (ҳаракатсизлигининг) фактик хусусияти ва аҳамиятини тўлиқ даражада англай олмаган ёки уларни бошқара олмаган бўлса, жавобгарликка тортилади.

Шахснинг ёшга нисбатан ақлий ривожланишидаги орқада қолиш факти суд томонидан жазо тайинлашда енгиллаштирувчи ҳолат сифатида ҳисобга олинади ва тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини тайинлаш учун асос бўлади.

Агар шахс ижтимоий хавфли қилмишни содир этиш вақтида ақлий ривожланиши ёшига нисбатан орқада қолганлиги сабабли ўз ҳаракатларининг (ҳаракатсизлигининг) аҳамиятини англай олмаган ёки уларни бошқара олмаса, бундай шахс жиноий жавобгарликка тортилмайди.

Мухтасар айтганда, юқорида билдирилган фикрлар асосида хулоса қиладиган бўлсак, жиноят субъектининг алоҳида белгилари ҳисобланган ақли расолик ва ақли норасолик масалаларини Жиноят кодекси Умумий қисмининг битта моддасида белгиланиши, бизнингча, жиноят қонуни нормаси тузилишининг мантиқий талабларини бузилишига ва қонунчилик техникаси қоидаларига зид равишда икки ҳуқуқий ҳодиса аралашиб кетишига ҳамда уларни амалда қўллаш имкониятларни мураккаблаштиришга олиб келиши мумкин. Шунингдек, хорижий давлатларнинг жиноят қонунчилиги ва ўтказилган тадқиқот натижаларининг таҳлили ҳам шуни кўрсатдики, ақли расолик ва ақли норасоликни Жиноят кодекси Умумий қисмининг алоҳида-алоҳида нормаларида белгиланиши ижобий натижаларга эришиш имкон беради. Шундан келиб чиққан ҳолда Жиноят кодексининг ақли расолик ва норасолик масалаларини тартибга солишга қаратилган нормаларини қўйидаги мазмунда баён қилиш мақсадга мувофиқдир.

...-модда. Ақли норасолик

Ушбу Кодекс Махсус қисмининг тегишли моддасида назарда тутилган ижтимоий хавфли қилмишни содир этиш вақтида руҳий ҳолати сурункали ёки вақтинча бузилганлиги, ақли заифлиги, руҳий ҳолати бошқача тарзда бузилганлиги ёхуд бошқа ҳолатлар сабабли ўз ҳаракатларининг (ҳаракатсизлигининг) аҳамиятини англай олмаган ёки уларни бошқара олмаган шахс суд-психиатрия экспертизаси хулосаси асосида суд томонидан ақли норасо деб топилади.

Ақли норасолик ҳолатида ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахс жавобгарликка тортилмайди. Бундай шахсга нисбатан суд томонидан тиббий йўсиндаги мажбурлов чоралари тайинланиши мумкин.

Ижтимоий хавфли қилмиш содир этиш вақтида ақли расо бўлган, бироқ суд ҳукми чиқарилгунига қадар ёки ундан кейин руҳий ҳолати бузилганлиги туфайли ўз ҳаракатларининг (ҳаракатсизлигининг) аҳамиятини англай олмаган ёки уларни бошқара олмаган шахсга нисбатан суд жазо билан бирга тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини тайинлайди, башарти шахс даволангандан сўнг белгиланган жазо муддатини ўтайди.

Ўйлаймизки, юқорида келтирилган таклиф ва тавсиялар ақли расо ва норасоликка оид қонун нормаларини ҳуқуқий тартибга солиш ва бу соҳада мавжуд бўлган муаммоларни бартараф этишга хизмат қилади.

Иқтибослар/Сноски/References

1. Бабий, Н.В. Уголовное право Республики Беларусь. Общая часть. Учебник. - Минск: ГИУСТБГУ, 2010. - 663 с. (Babiy N. V. Criminal law of the Republic of Belarus. Generalpart. Textbook. - Minsk: GIUSTBSU, 2010. - P. 663.).

2. Белокобыльский Н.Н. Комиссарова Е.Ю. Психическое расстройство как уголовно-правовая категория // 50 лет Рязанского государственного медицинского университета: Научные итоги и перспективы. - Рязань: РязГМУ, 2000. - Ч. I. - С. 157-162. (Belokobylsky N. N. Komissarova E. Yu. Mental disorder as a criminal law category // 50 years anniversary of Ryazan State Medical University: Scientific results and prospects. - Ryazan: Ryazan State Medical University, 2000. - P. I. - P. 157-162.).

3. Гамкрелидзе О. Жиноят ҳуқуқида ақли расолик муаммоси ва айб тушунчасини норматив жиҳатдан асослашга уруниш. Журнал "Инсон ва Конституция". - Тбилиси, 2002. - № 3-4 (грузин тилида). - С.45-58. (Gamkrelidze O. Attempt to normatively substantiate the concept of mental intelligence and guilt in the criminal law. Magazine "Human and the Constitution". - Tbilisi, 2002. - № 3-4 (in Georgian). - Pp. 45-58.).

4. Гиоргидзе А.В. О новом понимании невменяемости и ограниченной вменяемости в уголовном праве Грузии // Integration of the Scientific Community to the Global Challenges of Our Time Materials of the II international scientific-practical conference. In 3 volumes. - 2017. - С. 153-157. (Giorgidze A. V. On a new understanding of the insanity and limited sanity in the criminal law of Georgia // Integration of the Scientific Community to the Global Challenges of Our Time Materials of the II international scientific-practical conference. In 3 volumes. - 2017. - Pp. 153-157.).

5. Дворецкий М.Ю., Пестов Д.А. Понятие невменяемости в уголовном праве в контексте оптимизации уголовной ответственности. Вестник Тамбовского университета. - 2010. - № 1 (81). - С. 311-314. (Dvoretzkiy M. Yu., Pestov D.A. The concept of insanity in criminal law in the context of optimizing criminal liability. Bulletin of the Tambov University. - 2010. - № 1 (81). - Pp. 311-314.).

6. Жиноят ҳуқуқи (Умумий қисм). Дарслик. Р. Кабулов, М.Х. Рустамбоев, А.А. Отажонов ва бошқ. - Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2019. - 376 б. (Criminal law (General part). Textbook. R. Kabulov, M. Kh. Rustamboyev, A. A. Otajonov et al. - T.: Academy of the MIA of the Republic of Uzbekistan, 2019. - P. 376.).

7. Жиноятларни квалификация қилиш: ИИВ олий таълим муассасалари учун дарслик / Р. Кабулов, А. А. Отажонов, Д.Ю. Пайзиева бошқ. - Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2016. - 352 б. (Qualification of crimes: a textbook for higher education institutions of the Ministry of Internal Affairs / R. Kabulov, A. A. Otajonov, D.Yu. Payziev et al. - T.: Academy of the Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan, 2016. - P. 352.).

8. Иркаходжаев А.К., Холикулов У.Ш. Жиноятларни квалификация қилишнинг илмий асослари. Ўқувқўлланма. - Т.: ТДЮИ нашриёти, 2007. - 135 б. (Irkakhodjaev A.K., Kholikulov U.Sh. Scientific basis of crime qualification. Studyguide. - T.: TSU Publishing House, 2007. - P. 135.).

9. Комментарий к Уголовному Кодексу Российской Федерации / отв. ред. В. М. Лебедев. - М.: Издательство Юрайт, 2014. - 1077 с. (Commentary on the Criminal Code of the Russian Federation / resp. ed. V.M. Lebedev. - M.: Publishing house Yurayt, 2014. - P. 1077.).

10. Комментарий к Уголовному кодексу Российской Федерации / под ред. Л.В. Иногамовой-Хегай. - М.: Инфра-М, 2014. - 572 с. (Commentary on the Criminal Code of the Russian Federation / resp. ed. L. V. Inogamova-Xegay. - M.: Infra-M, 2014. - P. 572.).

11. Кошкина И.В. К вопросу о справедливости уголовно-правовой оценки деяний

при "возрастной невменяемости" и "ограниченной вменяемости" // European Scientific Conference сборник статей XIX Международной научно-практической конференции. - М., 2020. - С. 130-132. (Koshkina I.V. To the question of the justice of the criminal law assessment of acts with "age-related insanity" and "limited sanity" // European Scientific Conference collection of articles of the XIX International Scientific and Practical Conference. - М., 2020. - Pp. 130-132.).

12. Лень В.В. Кримінально-правові проблеми визначення осудності злочинця: дис. ... канд. юрид. наук. - Харш, 2003. - 215 с. (Len V.V. Criminal-legal problems and main conviction zlochintsa: dis. ... cand. legal sciences. - Harsh, 2003. - P. 215.).

13. Муродов Б.Б. Жиноят ишени тугатиш: назария ва амалиёт: Монография. - Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2016. - 166 б. (Murodov B.B. Termination of criminal proceedings: theory and practice: Monograph. - T.: Academy of the Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan, 2016. - P. 166.).

14. Пестов Д.А. Проблема невменяемости в уголовном праве. Вестник Тамбовского университета. - 2010. - № 4 (84). - С. 368-371. (Pestov D.A. The problem of insanity in criminal law. Bulletin of the Tambov University. - 2010. - № 4 (84). - Pp. 368-371.).

15. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи курси. Беш томли. 1 том. Умумий қисм. Жиноят тўғрисида таълимот: Олий таълим муассасалари учун дарслик. Тўлдирилган ва қайта ишланган иккинчи нашр / М.Х.Рустамбаев, А.А.Отажонов ва бошқ. - Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2018. - 382 б. (Course of criminal law of the Republic of Uzbekistan. Five volumes. 1st volume. General part. Crime Doctrine: A Textbook for Higher Education Institutions. Completed and revised second edition / M.Kh.Rustambayev, A.A.Otajonov et al. - T.: Academy of the Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan, 2018. - P. 382.).

16. Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи курси. I Том. Умумий қисм, Жиноят тўғрисида таълимот. Олий ўқув муассасалари учун дарслик. - Т.: "ILM ZIYO", 2010. - 400 б. (Rustambayev M. Kh. Course of Criminal Law of the Republic of Uzbekistan. 1st volume. General part, Crime Doctrine. Textbook for higher education institutions. - T.: "ILMZIYO", 2010. - P. 400.).

17. Сарманова Б.О. Субъект преступления по уголовному законодательству Кыргызской Республики. Дис. ... канд.юрид.наук. - Бишкек 2010.- 183 с. (Sarmanova B.O. Subject of crime under the criminal law of the Kyrgyz Republic. Dis. ... cand. legalsciences. - Bishkek. 2010.- P. 183.).

18. Ситковский Д.В. Преступность лиц с психическими расстройствами (по материалам Республики Дагестан). Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. - Махачкала, 2006. - 14 с. (Sitkovsky D.V. Crime of persons with mental disorders (based on the materials of the Republic of Dagestan). Abstract. dis. ... cand. legalsciences. - Makhachkala, 2006. - P. 14.).

19. Тугушев Р.Р. Невменяемость: уголовно-правовое значение и проблемы отграничения от вменяемости и ограниченной вменяемости: Дис. ... канд. юрид. наук.- Саратов, 2002 - 195 с. (Tugushev R.R. Insanity: criminal law significance and the problems of delimitation from sanity and limited sanity: Dis. ... cand. legal sciences. - Saratov, 2002 - P. 195.).

20. Уголовное право. Общая часть: учеб. / Н. Ф. Ахраменка [и др.]; под. ред. И. О. Грунтова, А. В. Шидловского. - Минск: Изд. центр БГУ, 2014. - 727 с. (Criminal law. General part: textbook. / N. F. Akhramenka [et al.]; under. ed. I.O. Gruntova, A.V. Shidlovsky. - Minsk: Publ. BSUCenter, 2014. - P. 727.).

21. Уголовное право России. Общая часть: учебник / под ред. Г.Л. Касторского, А.И. Чучаева. - СПб.: МИЭП; СПбИГО; Книжный дом, 2009. - 754 с. (The criminal law of Russia. General part: textbook / ed. G.L. Kastorsky, A.I. Chuchaeva.

- SPb.: МІЕР; SPbIGO; Bookhouse. 2009. - P. 754.)

22. Уголовное право России. Общая часть. Учебник для академического бакалавриата / под ред. О.С. Капинус. - М.: Юрайт, 2015. - 539 с. (The criminal law of Russia. A common part. Textbook for academic undergraduate / ed. O.S. Capinus - M.: Yurayt, 2015. - P. 539.)

23. Уголовное право России. Части Общая и Особенная: учебник / М. П. Журавлев, А.В. Наумов, С. И. Никулин и др.; под ред. А. И. Рарога. - М.: Проспект, 2012. - 728 с. (The criminal law of Russia. Parts General and Special: textbook / M.P. Zhuravlev, A.V. Naumov, S.I. Nikulin, and others; under the editorship of A.I. Raroga. - M.: Prospect, 2012. - P. 728.)

24. Уголовное право: учебник / под ред. Н. И. Ветрова, Ю. И. Ляпунова. - М.: Юриспруденция, 2008. - 752 с. (Criminallaw: textbook / ed. N.I. Vetrova, Yu.I. Lyapunova. - M.: Jurisprudence, 2008. - P.752.)

25. Усмоналиев М. Жиноят ҳуқуқи (Умумий қисм). - Т., 2010. - 358 б. (Usmonaliev M. Criminallaw (Generalpart). - T., 2010. - P. 358.)

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

АЛИЕВ Шухрат Хасанович,
Бухоро вилояти ИИБ бошлиғи, Ўзбекистон Республикаси
ИИБ Академияси мустақил изланувчиси
ҚАРШИЕВ Фуломжон Сайфуллаевич,
Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси катта ўқитувчиси
E-mail: bezzodumirza@gmail.com

ОИЛАДА ЁШЛАР ЖИНОЯТЧИЛИГИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

For citation (иқтибос келтириш учун, для цитирования): АЛИЕВ Ш.Х., ҚАРШИЕВ Ф.С. ОИЛАДА ЁШЛАР ЖИНОЯТЧИЛИГИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ // Юрист ахборотномаси - Вестник юриста - Lawyer herald. № 2 (2020), Б.87-93.

 №2 (2020) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2020-2-10>

АННОТАЦИЯ

Мақолада оилада ёшлар жиноятчилигининг олдини олиш йўналишлари, оилага бағишланган буюк мутаффақкурларнинг қарашлари, мамлакатимизда оила мустақамлигини таъминлаш, ёш авлод тарбияси, оила ва таълим муассасаларининг ўзаро ҳамкорлиги, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида оилага бағишланган алоҳида бобнинг мавжудлиги, ёшлар тарбиясида ота-она, устоз ва мураббийнинг ўрни, оиланинг жамиятдаги ўрни ва ролини мустақамлаш, миллий қадриятларимизни авайлаб-асраш, оилада соғлом маънавий-руҳий муҳитни шакллантириш, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзига интилишни шакллантириш, шунингдек ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш ва ёшлар спортини оммавий ривожлантириш, ўзбек оилаларининг бой миллий анъаналарига бўлган садоқати, ёшларни ватанпарварлик, фуқаролик туйғуси, бағрикенглик, қонунларга, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида, зарарли таъсирлар ва оқимларга қарши тура оладиган, ҳаётга бўлган қатъий ишонч ва қарашларга эга қилиб тарбиялаш, оилада ёшларни тadbиркорликка кенг жалб этиш, ёшлар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш, ёшларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш ва ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш каби масалалар ёритилган.

Калит сўзлар: оила, ёшлар, таълим-тарбия, жиноятчилик, ёшларга оид давлат сиёсатининг йўналишлари.

АЛИЕВ Шухрат Хасанович,
Начальник УВД Бухарской области,
соискатель Академии МВД Республики Узбекистан
КАРШИЕВ Гуломжон Сайфуллаевич,
Старший преподаватель Академии МВД Республики Узбекистан
E-mail: bekozodumirza@gmail.com

АННОТАЦИЯ

В данной статье освещены вопросы, касающиеся основных направлений по предупреждению преступности среди молодежи в семье. Автором рассматриваются мнения выдающихся мыслителей о семье, контакт семьи с образовательными учреждениями, нормы, посвященные семье Конституцией Республики Узбекистан, роль родителей, учителей и наставников в воспитании молодежи, укрепление роли и значимости семьи в обществе, сохранение национальных ценностей, формирование здоровой духовной сферы, формирование стремления к здоровому образу жизни среди молодежи, а также правильное распределение свободного времени и массовое развитие спорта молодежи, воспитание молодежи в духе патриотизма, гражданской ответственности, уважения к законам, национальным и общим ценностям, совершенствование правового сознания и правовой культуры молодежи, реализация государственной молодежной политики и другое.

Ключевые слова: направление государственной политики, семья, молодежь, образование, преступность.

ALIEV Shukhrat,
Chief of the Department of Internal Affairs of the Bukhara region, Researcher of
Academy of the MIA of the Republic of Uzbekistan
KARSHIEV Gulomjon
Senior Lecturer at the Academy of the Ministry of Internal Affairs of the
Republic of Uzbekistan
E-mail: bekozodumirza@gmail.com

DIRECTIONS FOR THE PREVENTION OF YOUTH CRIME IN THE FAMILY

ANNOTATION

The issues of strengthening the role of the family in the prevention of youth crime were highlighted. Also there are the views of the greatest thinkers, cooperation between family and educational system, youth upbringing, ensuring family reinforcement in the country, the existence of a separate chapter on the family in the Constitution of the Republic of Uzbekistan, the role of parents, teachers and coaches in the upbringing of young people, strengthening the role and place of the family in the society, adoption of national values, forming healthy cultural-spiritual sphere, forming healthy daily routine among the youth, making up the meaningful free time and mass development of the youth sport, commitment of uzbek families to national traditions, upbringing young people's sense of patriotism, citizenship, respect for the law and national values, forming strong beliefs to unnecessary, harmful stream and impact, making strong beliefs for life in the mind of youth, wide attracting young people to entrepreneurship, development legal consciousness and legal culture of youth and realization of state

youth policy.

Keywords: directions of state policy on family, youth, education, crime, youth.

Мамлакатимизда оила мустақамлигини таъминлаш, ёш авлод тарбияси ва ҳар бир соҳа бўйича етук малакали мутахассисларни тайёрлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Баркамол авлод тарбияси ва етук малакали мутахассисларни тайёрлаш бир-биридан ажратиб бўлмайдиган, узлуксиз ва ўта мураккаб жараёндир. Унинг мураккаблиги биринчидан, ушбу жараёнда жамиятнинг барча таркибий тузилмалари иштирок этади, иккинчидан, жамият ижтимоий ҳаётининг барча соҳаларидаги вазият тўғридан-тўғри унга ўз таъсирини ўтказди, учинчидан, бугунги кунда ушбу жараёнга таъсир қилувчи турли кўринишдаги таҳдидлар кучайиб бормоқда. Шунинг учун ҳам оилани мустақамлаш, ўсиб келаётган авлодни тарбиялаш ва уларни етук малакали мутахассис қилиб тайёрлаш ва бу жараён учун масъул бўлган жамиятнинг ҳар бир таркибий қисми, айниқса оила ва таълим муассасаларидан тинимсиз меҳнат қилишни ва фидойи бўлишни талаб қилади.

Таъкидлаш керакки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 63-моддасида "Оила жамиятнинг асосий бўғини ҳисобланади, у жамият ҳамда давлат томонидан муҳофазада бўлиш ҳуқуқига эга" [1, Б. 69] лиги мустақамлаб қўйилган. Зеро, дунёдаги бир қатор ривожланган мамлакатлар Конституцияларида оила масаласига бағишланган алоҳида нормалар ажратилган эмас.

Бугун оиланинг беназир нуфузи, улкан ижтимоий аҳамиятга молик воқелик эканлиги ҳеч кимда шубҳа туғдирмайди. Оила жамиятнинг асосий ҳужайраси ва ижтимоий таянчидир. Ҳар бир оиланинг баҳтиёрлиги ва фаровонлиги пировард натижада жамиятнинг барқарорлиги, гуллаб-яшнаши ҳамда фаровонлиги шартидир. Оила нафақат инсон наслини давом эттириш омили сифатида, балки жамият аъзоларини, айниқса ўсиб келаётган ёш авлодни миллий истиқлол ғояси асосида тарбиялаш маскани сифатида катта аҳамиятга моликдир.

Оила ёшларни ижтимоий ҳаётга тайёрлашда, маънавий ва ахлоқий тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади. Агар оилада қанчалик иноқлик, бир-бирини тушуниш мавжуд бўлса, у оиладан маънавий баркамол инсонлар етишиб чиқади.

Немис классик фалсафасининг буюк намоёндаларидан бири Георг Вильгелем Фридрих Гегель фикрига кўра, оила уч жиҳатга эга. Булар: 1) оила ўзининг бевосита тушунчаси бўлган, никоҳ орқали; 2) оиланинг ташқи кўринишдаги борлиги - унинг кўчмас ва бошқа мулклари ҳамда уларни асраш борасидаги ишлар орқали; 3) фарзандларни тарбия қилиш ҳамда оиланинг тарқаб кетишида номаён бўлади [2].

Файласуфнинг фикрига қўшилган ҳолда, оила бевосита никоҳга асосланиши, ушбу никоҳ тузилганидан сўнг, инсоннинг мавжудлиги ва наслнинг давомийлигини ифода этади. Шундай экан, оилада фарзандлар тарбияси муҳим эканлигини тушуниш лозим.

Умуман инсоният юзага келган энг қадимий даврлардан бошлаб ёшлар ва унинг тақдирига жуда катта таъсир, ёки акс таъсир ўтказадиган масала бу - ёшларнинг оила муҳитида униб ўсиши ва тарбия қилинишидир. Ўша қадимий вақтлардан бошлаб то бугунгача ёшлар тарбияси учун оила муҳитидан яхшироқ, самаралироқ ва мукамалроқ ижтимоий организм шу кунга қадар топилгани йўқ. Ёшлар тарбияси, уларнинг таълими, уларни ижтимоий ҳаётга тайёрлаш ўта мураккаб ва масъулятли жараёндир. Ёшлар тарбиясида оилавий муҳитнинг қай даражада муҳимлиги Қуръони карим инсон зотини энг улуг мавжудот сифатида тараннум этар экан, унинг улуглиги инсон амаллари орқали намоён бўлади. Инсонни тўғри, солиҳ амаллар қилишга ҳозир қилиш эса тарбия орқали амалга

оширилади. Ёшлар илк тарбияни оилада олади. Шу боис, айнан оила илк тарбия ўчоғи, унинг маркази ва юраги саналади.

Бугунги кунда юзага келаётган хавф-хатар ва таҳдидлар, ёшлар ўртасида ҳалқимизга ёт гоёлар тарқалишининг тобора кучайиб бораётганлиги олдимизга янги вазифалар қўймоқда. Маълумки, ёшлар жамиятнинг ижтимоий ёрдамга муҳтож, доимо эътибор ва парвариш талаб қилинадиган қатламидир. Инсоният тарихи шуни кўрсатадики, қайси жамиятда, миллатда, оилада ота-онага, ёшларга бўлган ҳурмат кўрсатувчи урф-одатлар мавжуд бўлса, шу ерда жиноятчилик даражаси паст бўлган.

Шу ўринда, республикамиз ҳудуди бўйича жиноят содир этишда иштирок этган ёшлар тўғрисидаги статистика маълумотларига эътибор қаратсак.

2019 йилда 18 ёшдан - 30 ёшгача бўлган шахслар томонидан маст ҳолда 279 та 18,9 фоизга, гуруҳлар томонидан 2014 та 21,3 фоизга, хотин-қизлар томонидан 1299та 30,3 фоизга, коллеж ва лицей ўқувчилари томонидан 274 та 49,7 фоизга, олий ўқув юрти талабалари томонидан 291 та жиноят содир этилиб, 13,4 фоизга, [3] камайган.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Олий Мажлис Сенатида сўзлаган маърузасида жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш ҳақида тўхталиб, сўнги йилларда жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш борасида бир қатор ишларни амалга оширдик. Бироқ, соҳада олдимизда ҳали ўз ечимини кутаётган масалалар мавжуд. Масалан, ўтган йили мамлакатимиз бўйича жиноят содир этган 47 мингдан ортиқ шахснинг 12 минг нафари ёки 25 фоизини ёшлар ташкил этган. Бу кўрсаткич Қашқадарё, Хоразм вилоятлари ва Тошкент шаҳрида 39 фоиз, Андижон ва Наманган вилоятларида 38 фоиздан ошган. Лекин минг афсуски, на Қашқадарё, на Хоразм, на Андижон, на Наманган вилоятларида, на Тошкент шаҳрида ушбу ташвишли аҳвол бўйича Сенатнинг сайёр мажлислари ўтказилиб, бу масала жиддий муҳокама қилинмаган. Ҳамма томошабин. Ўзингиз айтинг бу аҳволда биз қасққа борамиз [4], деб таъкидлади.

Мамлакатимизда оиланинг жамиятдаги ўрни ва ролини мустаҳкамлаш, миллий қадриятларимизни авайлаб-асраш, оилада соғлом маънавий-руҳий муҳитни шакллантиришга, келажак насллар тақдирига кучли таъсир кўрсатадиган тарбия масканига кучли эътибор қаратилмоқда.

Намунали оила ва етук малакали мутахассис тайёрлаш бевосита бир-бирига узвий боғлиқ бўлган, бири иккинчисини нафақат бугунини, балки у келажакда қандай мазмун-моҳиятга эга бўлишини белгилаб берувчи, тақозо этувчи маконлардир. Шунинг учун "Намунали оила - етук малакали мутахассис тайёрлаш гарови", шу вақтнинг ўзида "Етук малакали мутахассис - намунали оила гарови", "Намунали оила ва етук малакали мутахассис - жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш гарови"дир, десак тўғри бўлади. Чунки етук малакали мутахассис учун зарур бўлган фазилатлар, шу жумладан туғма фазилатлар ҳам илк бор ота-она ўртасидаги муносабатлар натижасида, намунали оила муҳитида шаклланади ва ривожланади.

Инсон етук малакали мутахассис сифатида оила қуришга ҳар томонлама тайёргарлик кўриш, уни қуриш, ривожлантириш ва унинг ҳар томонлама мустаҳкам бўлишини таъминлаш, оилани ҳар қандай таҳдидлардан ҳимоя қилиш учун кенг имкониятларга эга бўлади. Оилада ёшларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашни такомиллаштириш, мавжуд муаммоларни аниқлаш ва бартараф қилиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир. Негаки, оилада ёшларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда ўз ечимини кутаётган муаммолар ҳам мавжудки, уларни ҳал қилиш биздан нафақат амалий чора-тадбирларни бажариш, балки бу борада илмий тадқиқотларни олиб боришни ҳам талаб этади.

Шунинг учун ҳам оиланинг таълим-тарбия соҳаси билан амалий ҳамкорлигини янада кучайтириш ҳамда таълим тизимидаги муассасалар томонидан оила институтини ривожлантиришга, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилишга, айниқса баркамол авлодни тарбиялашда ижтимоий ҳамкорликни ташкил этишга ҳар томонлама қодир бўлган етук малакали мутахассисларни тайёрлашни такомиллаштиришга қаратилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилишини талаб қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2020 йил 12 февраль кунини маҳалла тизimini такомиллаштириш, маҳаллаларда тинчлик-осойишталикни мустаҳкамлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишида "Оила - муқаддас деган азалий ва эзгу ғоя қадрсизланиб, минг йиллик миллий қадриятларимиз завол топар экан, бу каби оғриқли ҳолатларни камайтириб бўлмайди. Бунинг учун маҳалла катта ижтимоий куч сифатида майдонга чиқиши керак. Чунки фаоллар, кўпни кўрган оқсоқоллар, тажрибали нуронийларимиз, агар истаса, жамоатчилик билан биргаликда ҳар қандай муаммони ҳал қилишга, хато қилган ёшларни тўғри йўлга солишга қодир" [5], деб таъкидладилар.

Ўйлаймизки, юқоридаги вазифалардан келиб чиқиб, қуйидаги йўналишлар оилада ёшлар жиноятчиликнинг олдини олишни янада кучайтиришга хизмат қилади:

оила муносабатларини тартибга солувчи, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга хизмат қилаётган амалдаги қонун ҳамда қонун ости норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бугунги ва эртанги кунимизнинг талабларидан келиб чиққан ҳолда қабул қилиш;

ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларни, айниқса, ёш оилаларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларга кўмак, имтиёз ва имкониятлар беришни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий қайта кўриб чиқиш;

оилада соғлом муҳитни таъминлаш, ёшлар таълим-тарбияси ва ҳимояси учун ота-она масъулиятини ошириш борасида жамоатчилик назоратини кучайтириш;

оила қуриш арафасида турган ёшлар билан уларни мустақил ҳаётга тайёрлаш, айниқса, уларда оила, жамият олдидаги ўз бурчи ва масъулиятини чуқур англаб етиш фазилатларини шакллантириш мақсадида мутахассисларни таклиф қилган ҳолда учрашув, давра суҳбати ва бошқа маърифий тадбирлар ўтказиш;

маҳалла тизими, оила ва уларнинг фаолиятини такомиллаштириш борасида амалий ҳамкорликни ташкил этиш мақсадида жамоатчилик институтлари билан ҳамкорлик қилиш;

ёшлар таълим-тарбияси, уларни мустақил ҳаётга тайёрлаш ва барча кўринишдаги таҳдидлардан ҳимоя қилиш бўйича оила ва таълим муассасалари билан ҳамда улар ўртасида ҳамкорликни ташкил этиш;

ёшлар ўртасида "Намунали оила"га бағишланган соғлом турмуш тарзи, намунали ва аҳил оила қадриятларини тарғиб қилувчи ижодий кечалар ва тадбирлар ўтказиш;

Ўзбек оилаларининг бой миллий анъаналарига бағишланган, айниқса, оилага бўлган садоқат, ота-онага ҳурмат борасида маънавияти юксак бўлган халқимиз намояндаларининг ҳаёти ва ижоди мисолида миллий ҳужжатли фильмлар тайёрлаш;

ёш авлодни ота-онага нисбатан муҳаббат ва ҳурмат руҳида тарбиялаш мақсадида оилавий қадриятларни мустаҳкамлашга бағишланган ижодий тадбирларни, ёшлар иштирокида ташкил этиш;

ёшларда соғлом турмуш тарзига интилишни шакллантириш, шунингдек ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш ва ёшлар спортини оммавий ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш;

ёшларни ватанпарварлик, фуқаролик туйғуси, бағрикенглик, қонунларга, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида, зарарли таъсирлар ва оқимларга қарши тура оладиган, ҳаётга бўлган қатъий ишонч ва қарашларга эга қилиб тарбиялаш;

ёшларни ахлоқий негизларни бузишга олиб келадиган хатти-ҳаракатлардан, терроризм ва диний экстремизм, сепаратизм, фундаментализм, зўравонлик ва шафқатсизлик ғояларидан ҳимоя қилиш;

"Ҳар бир оила-тадбиркор", "Ёшлар - келажагимиз", "Ҳунармандчилик" каби тадбирлар маҳаллада ўтказилиб, бунга ёшларни кенг жалб этиш;

маҳаллаларда аҳиллик ва ўзаро меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлаш, ёш авлодда ватанпарварлик, меҳнатсеварлик туйғуларини мустаҳкамлашда кексалар тажрибасидан фойдаланиш;

оилада ёшларни тадбиркорликка кенг жалб этиш;

маҳалла ва оилада ёшлар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш;

ёшларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш кабилардан иборат.

Юқоридагиларга мувофиқ айтиш мумкинки, ёшлар томонидан содир этиладиган жиноятларни камайтиришнинг энг самарали йўли бу ҳуқуқий тарғиботдир. Тарғибот қандай кўринишда бўлмасин, киши онги, дунёқарашининг Калити ҳисобланади. Шундай экан, аҳолида ҳуқуқий саводхонлик ва ҳуқуқий маданиятни шакллантиришда тарғиботдан унумли ва самарали фойдаланиш зарур. Ҳуқуқий саводхонлик хоҳ у ёш, хоҳ у кекса бўлсин ёки жинсидан қатъи назар, ўз ҳуқуқ ва бурчини англаш, келажак ҳаёти учун зарур бўлган ҳуқуқий маълумотлардан хабардор бўлишдир. Аввало, оилада ёшларни қонунга нисбатан ҳурмат ҳиссини уйғотиб тарбиялаш муҳим омил саналади. Бунинг учун эса ота-она ҳуқуқий маданиятдан, қолаверса маънавиятдан воқиф бўлиши лозим. Ушбу керакли "озуқа"лар таъсирида вояга етган фарзанд қонун устуворлигини англаб етиши, оиласи, авлод-аждодлари тарихини улуғлаши, ўз ўлкаси, миллати, халқи, тили, дини, маданиятидан гурурланиши, уни авайлаб-асраши, дунёга кўз-кўз қилиши лозимдир.

Хулоса ўрнида таъкидлаш керакки, Абдурауф Фитрат таъкидлаганидек, "миллат тақдири мана шу миллат вакиллари яшаган оиланинг ҳолатига боғлиқдир. Қаерда оила муносабати кучли интизомга таянса, мамлакат ва миллат ҳам шунча кучли ва тартибли бўлади" [6, Б.8].

Демак, фарзанднинг эртанги билимли, етук, обрўли, фаровон ҳаётининг барпо бўлишида, бугунги кунда оилада айнан ота-онанинг ўзи маънавий-ҳуқуқий саводхон тарбиячи бўлиши талаб этилади. Шунинг баробарида айтиб ўтиш жоизки, улар ўз фарзандларини баркамол бўлиб вояга етишлари учун жамият олдида жавобгардир. Чунки, болани дунёга келтиришдан кўра, уни жамиятга нафи тегадиган, соғлом эътиқодли, солиҳ фарзанд қилиб тарбиялаш мушкулроқдир. Бунинг учун ёшларни оилага тайёрлаш, оилаларда ижтимоий-маънавий муҳитга салбий таъсир кўрсатувчи ҳолатларнинг барвақт олдини олиш бўйича тизимни йўлга қўйилиши лозим.

Иқтибослар/Сноски/References

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994 й., 1-сон, 5-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 06.03.2019 й., 03/19/527/2706-сон, 05.09.2019 й., 03/19/563/3685-сон. (Constitution of the Republic of Uzbekistan // Bulletin of the Supreme Council of the Republic of Uzbekistan, 1994, No. 1, Article 5; National

database of legal documents, 06.03.2019, 03/19/527/2706, 05.09.2019, 03/19/563/3685)

2. Мухитдинов Ф. Гегелнинг ҳуқуқ фалсафаси. Масъул муҳаррир: Р.Ж.Рўзиёв. Ўзбекистон Республикаси Ф.А. И.Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институти нашриёти 2007. (Muxitdinov F.Gegel's philosophy of law. Republic of Uzbekistan F.A. Publishing House of the Institute of Philosophy and Law named after I. Muminov 2007)

3. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Жиноий-ҳуқуқий статистика бошқармасининг маълумотномаси. (Reference book of the Criminal Justice Statistics Department of the Prosecutor General's Office of the Republic of Uzbekistan)

4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси (2020 йил 24 январь) // URL: <https://president.uz/uz/lists/view/3324> (Address of the President of the Republic of Uzbekistan Shavkat Mirziyoyev to the Oliy Majlis (January 24, 2020) // URL: <https://president.uz/uz/lists/view/3324>)

5. "Обод ва хавфсиз маҳалла" тамойили амалга оширилади. <https://president.uz/uz/lists/view/3351> (The principle of "prosperous and safe mahalla" will be implemented)

6. Фитрат А. Оила. - Т., 1998. 320. (Fitrat A. Family. - T., 1998. 320)

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИ. КРИМИНАЛИСТИКА, ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ҲУҚУҚ ВА СУД ЭКСПЕРТИЗАСИ

РАЖАБОВ Бахтиёр Алмахматович,
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси кафедра бошлиғи,
юридик фанлар доктори, доцент
E-mail: baxtiyorrajabov05@gmail.com

АБДУҚОДИРОВ Фарходжон Фахритдин ўғли,
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси ўқитувчиси
E-mail: farrukhjon655@gmail.com

ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА ИСБОТ ҚИЛИШНИНГ ИШТИРОКЧИЛАРИ

For citation (иқтибос келтириш учун, для цитирования): РАЖАБОВ Б.А., АБДУҚОДИРОВ Ф.Ф. ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА ИСБОТ ҚИЛИШНИНГ ИШТИРОКЧИЛАРИ// Юрист ахборотномаси - Вестник юриста - Lawyer herald. № 2 (2020) Б.94-101.



№.2 (2020) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2020-2-11>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада жиноят процессида исбот қилишнинг иштирокчилари борасида фикр ва мулоҳазалар келтирилган бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят процессуал кодексининг 86-моддасида белгиланган исбот қилишнинг иштирокчилари гуруҳларга ажратилган ҳолда таҳлил қилинган ҳамда бу борадаги етакчи олимларнинг фикрлари келтирилган. Таҳлил ва тадқиқотлар натижаларига кўра, бугунги кунда исбот қилишнинг иштирокчиларига оид нормалардаги ҳуқуқий бўшлиқларнинг мавжудлиги очиб берилиб, уни бартараф этиш юзасидан муаллифнинг асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: Исбот қилишнинг иштирокчилари, суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, жабрланувчи, гувоҳ, эксперт, мутахассис, таржимон, холис.

Ражабов Бахтиёр Алмахматович,
Начальник кафедры Академии МВД Республики Узбекистан, доктор
юридических наук, доцент
E-mail: baxtiyorrajabov05@gmail.com

Абдукодиров Фарходжон Фахритдин угли
Преподаватель Академии МВД Республики Узбекистан
E-mail: farrukhjon655@gmail.com

УЧАСТНИКИ ДОКАЗЫВАНИЯ В УГОЛОВНОМ ПРОЦЕССЕ

АННОТАЦИЯ

В данной статье рассматриваются участие в доказывании установленной статьей 86 Уголовно-процессуального кодекса Республики Узбекистан, и мнения ведущих ученых. В ходе анализа выявлены правовые пробелы в процессе участия в доказывании, основанных на фактических данных и выдвинуты обоснованные предложения и рекомендации по их устранению.

Ключевые слова: Участники доказывания, дознаватель, следователь, прокурор, суд, подозреваемый, обвиняемый, подсудимый, потерпевший, свидетель, эксперт, специалист, переводчик, понятые.

RAJABOV Bakhtiyor,
Head of the Department Academy of the MIA of the Republic of Uzbekistan,
Doctor of Law Sciences, Associate professor
E-mail: baxtiyorrajabov05@gmail.com
ABDUKODIROV Farkhodjon,
Lecturer of the Department of the Academy of
MIA of the Republic of Uzbekistan
E-mail: farrukhjon655@gmail.com

PARTICIPANTS OF EVIDENCE IN THE CRIMINAL PROCESS

ANNOTATION

This article presents the views and opinions of participants in the criminal process, analysis of participants in the evidence established by Article 86 of the Code of Criminal Procedure of the Republic of Uzbekistan, as well as the views of leading scientists. According to the analysis and research, today there are legal gaps in the rules of participants based on evidence, and reasonable proposals and recommendations of the author have been developed to address them.

Keywords: Participants of evidence, interrogator, investigator, prosecutor, court, suspect, accused, defendant, victim, witness, expert, specialist, translator, witnesses.

Одил судловнинг таъминланиши ва ҳуқуқни муҳофаза қилишнинг самарадорлиги нафақат жиноят ишини юритишга масъул бўлган давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг қонун нормаларига риоя этишига, балки судлов фаолиятига жалб қилинган ва уни амалга оширишда ёрдам кўрсатувчи барча шахслар: гувоҳлар, экспертлар, жабрланувчилар, таржимонлар ва бошқаларнинг ўз бурчларини виждонан бажаришларига ҳам бевосита боғлиқдир [1, Б.21], [2, Б.25]. Чунки, ЖПКнинг 86-моддаси учинчи қисмида белгиланганидек, ушбу иштирокчилар далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолаш билан боғлиқ ҳуқуқларни амалга оширадилар ҳамда мажбуриятларни бажарадилар.

Луғавий манбаларда арабчадан олинган "иштирок" сўзига биргалашиш, қўшилиш; шериклик; умумийлик, муштараклик (бирор иш, маросим, мажлис ва ш.к. да қатнашиш) деган маънони англатиши ҳақида изоҳ берилади [3, Б.260].

ЖПКда исбот қилиш иштирокчилари ҳақида 86-моддада белгиланган. Унга

кўра, исбот қилиш иштирокчилари уч гуруҳга таснифланган.

Биринчи гуруҳ, исбот қилишни амалга оширувчи субъектлар бўлиб, уларга суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд киради.

Иккинчи гуруҳ, исбот қилишда иштирок этувчи шахслар бўлиб, уларга гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, ҳимоячи, жамоат айбловчиси, жамоат ҳимоячиси, шунингдек жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакиллари киритилган.

Учинчи гуруҳга исбот қилиш жараёнига жалб этиладиган шахслар: гувоҳлар, экспертлар, мутахассислар, таржимонлар, холислар, шунингдек бошқа фуқаролар ва мансабдор шахслар киради.

Исбот қилиш иштирокчилари қонунда белгиланган тартибда далилларни тўплаш, текшириш ва (ёки) баҳолаш билан боғлиқ ҳуқуқларни амалга оширадиган ҳамда мажбуриятларни бажарадилар.

Исбот қилиш субъектлари ўз ваколатлари доирасида зиммаларига ҳуқуқий қарорлар қабул қилиш учун далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолаш мажбурияти юклатилган шахслардир. Жиноят ишини юритишга масъул бўлган мансабдор шахслар жиноят иши ҳолатларини аниқлаб, шахснинг айбли ёки айбсизлигини исботлашлари, сўнгра жиноят иши бўйича якуний қарор қабул қилишлари лозим [4, Б.193].

А.В. Авилов: "исботлаш мажбуриятининг субъектларини жиноят ишлари бўйича исботлаш субъектлари билан тенглаштириб бўлмайди. Исботлаш субъектлари бўлиб жиноят жараёнининг якунидан манфаатдор бўлган, ёзма ҳужжатлар ва предметларни далил сифатида жиноят ишига қўшиб қўйиш учун уларни тўплаш ва тақдим этиш ҳуқуқига эга бўлган жиноят жараёнининг қатнашчилари ҳисобланадилар" деб таъкидлайди. А.В.Авилов ишни судга қадар юритишда прокурорнинг ваколатлари шундай декларатив хусусиятга эга бўладики, натижада исботлаш мажбурияти юкланган субъект далилларни тўплайди, текширади ва баҳолайди, ўз қарорлари билан жиноят иши учун аҳамиятли бўлган ҳолатлар ва фактларни аниқлайди [5, Б.8-9].

Т.Ю. Иванова ҳам шунга ўхшаш фикрни илгари суриб, исботлаш жиноят-процессуал билиш шакли эканлигини, тергов жараёнида эса прокурор исботлашнинг фаол субъекти ҳисобланиши лозимлигини асослашга уринган [6, Б.7]. А.В. Авилов ва Т.Ю. Ивановалар томонидан исбот қилиш мажбурияти юклатилган фаол субъект сифатида прокурорнинг алоҳида кўрсатилиши бўйича таклифлари албатта ўринли.

ЖПКнинг 86-моддасининг биринчи қисмида исбот қилишни суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд амалга ошириши белгиланган. Фикримизча ушбу процессуал қоидада муайян ҳуқуқий бўшлиқлар мавжуд. Чунки, Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 6 сентябрдаги "Суриштирув институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги ЎРҚ-442-сон Қонунига мувофиқ ЖПКга жорий этилган 39-1 ва 39-2-моддаларда қайд этилган терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахсларини ҳам субъектлар қаторига киритиш зарур.

Бундан ташқари, ЖПКда белгиланган янги процессуал қоидаларга (39-1-39-2-моддалар) мувофиқ бугунги кунда терговга қадар текширувни амалга оширувчи органлар суриштирув органларига кирмайди. Ушбу ҳуқуқий бўшлиқнинг юзага келиши бизнингча, Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 6 сентябрдаги ЎРҚ-442-сон Қонунига мувофиқ ЖПКга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалардан кейин қонун чиқарувчининг назаридан четда қолиб кетганлиги билан изоҳланади. Бу ўз

навбатида, терговга қадар текширувни амалга оширувчи орган мансабдор шахсининг далилларни тўплаш ва уларни сақлаш, тўпланган далилларни текшириш ва баҳолаш натижасида процессуал қарорларни қабул қилиш ваколатига зид бўлиб, исбот қилишнинг умумий шартлари бузилишига замин яратади ва мазкур процессуал қоидаларнинг самарали ишлашига ҳалақит беради.

ЖПКнинг 39-2-моддасининг биринчи қисмида терговга қадар текширувни амалга оширувчи орган бошлиғининг ва унинг мансабдор шахсининг ваколатлари сифатида терговга қадар текширувни бошлашга ёки ўзига бўйсунувчи бошқа мансабдор шахсга уни юритишни топширишга, жиноят ишини кўзғатишга ёки иш кўзғатишни рад этишга ёхуд аризани, хабарни терговга тегишлилигига кўра ўтказишга ҳақли эканлиги белгиланган бўлиб, фикримизча ушбу субъектлар жиноят ишини кўзғатишга ёки иш кўзғатишни рад этишга ёхуд аризани, хабарни терговга тегишлилигига кўра ўтказиш тўғрисидаги қарорларни қабул қилиш жараёнида ўзлари томонидан тўпланган далилларни текширадилар ва баҳолайдилар.

Айниқса, терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси тўпланган иш ҳужжатлари бўйича жиноят ишини кўзғатишни рад қилиш тўғрисидаги қарор қабул қилаётган вақтда, синчковлик билан, тўла, ҳар томонлама ва ҳолисона текширилган далилларга асосланиши лозим. У тўпланган далилларни текшириши давомида уларни тасдиқловчи ёки рад этувчи қўшимча далилларни тўплашлари ва далилларни таҳлил қилиб баҳолаши, шундан сўнг уларга асосланган ҳолда жиноят ишини кўзғатишни рад қилиш тўғрисидаги қарор қабул қилиши лозим.

ЖПК 95-1-моддасининг иккинчи қисмида фактик маълумотлардан далил сифатида фойдаланишнинг мақбул эмаслиги ҳақида суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд билан бир қаторда терговга қадар текширувни амалга ошираётган органнинг мансабдор шахси ҳам ҳар бир ҳолатда йўл қўйилган бузилиш нимада аниқ ифодаланганлигини аниқлаб асослантирилган қарор қабул қилиши ҳақида белгиланганлиги юқоридаги фикрларни тасдиқлайди.

Бундан ташқари, ЖПКнинг 187-моддасининг биринчи қисмида терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси эксперт хулосасини жиноят иши ёки терговга қадар текширув материаллари бўйича тўпланган бошқа далиллар билан биргаликда унинг илмий асосланганлиги ва экспертиза ўтказиш учун белгиланган барча процессуал қоидаларга риоя этилганлиги нуқтаи назаридан баҳолашга ваколатли эканлиги белгиланган.

Фикримизча, терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси ҳам исбот қилишни амалга ошириши мумкинлигига оид қоида ЖПКнинг 86-моддасининг биринчи қисмида ўз аксини топиши лозим.

Исбот қилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар - гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, ҳимоячи, жамоат айбловчиси, жамоат ҳимоячиси, шунингдек жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакиллари далилларни тўплашда ёзма ҳужжатларни ва нарсаларни жиноят ишига далил сифатида қўшиш учун тақдим этиш орқали иштирок этадилар.

Исбот қилишга жалб этиладиган шахслар - гувоҳлар, экспертлар, мутахассислар, таржимонлар, холислар, шунингдек бошқа фуқаролар ва мансабдор шахслар жиноят иши бўйича аҳамиятга эга бўлган маълумотларнинг манбалари бўлиб хизмат қиладилар, яъни уларнинг кўрсатувлари далиллар учун манба вазифасини ўтайди [7, Б.7-8].

Ҳар бир таснифнинг мезони бўлгани сингари, фикримизча, исбот қилиш иштирокчиларининг таснифи ҳам маълум бир мезонлар асосида тизимлаштирилиши лозим. Исбот қилиш иштирокчиларининг таснифи бўйича

юқорида келтириб ўтилган ЖПК нормасининг шарҳи ва билдирилган фикрлар шартли бўлиб, исбот қилишда иштирок этадиган шахсларнинг исбот қилиш мажбурияти юклатилганлиги ва унда иштирок этиши (ёки жалб этилиши) ушбу таснифнинг мезони сифатида намоён бўлади. Қонун чиқарувчи айнан шу мезон асосида исбот қилиш иштирокчиларини гуруҳлаштирган ва алоҳида норма билан тартибга солган.

Юридик адабиётларда исбот қилиш иштирокчиларининг таснифи бўйича турли ҳил ёндашувларни кўриш мумкин. Чунки, айрим олимлар исбот қилиш иштирокчиларини таснифлашда қайси мезонлар асосида гуруҳлаштириш лозимлиги бўйича фикрларни очиқ қолдирганлар.

Айрим тадқиқотчиларнинг таснифи исботлаш жараёнининг субъектлари ва иштирокчиларининг исботлаш фаолиятидаги ўрни асосида амалга оширилган, бошқалари эса исбот қилиш иштирокчиларини ҳуқуқ ва мажбуриятлари мезони бўйича, яна бирлари далилларни шакллантириш босқичлари бўйича таснифлаш зарурлиги ҳақида фикр-мулоҳазаларни асослашга уринганлар.

С.М. Рахмонова исбот қилиш иштирокчиларини шартли равишда 3 гуруҳга бўлган ҳолда қуйидагича таснифлайди:

биринчиси, исбот қилиш мажбурияти юкланган шахслар, уларга суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд киритилади;

иккинчиси, исботлашда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар, уларга гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, ҳимоячи, жамоат ҳимоячиси, жабрланувчи, фуқаровий давогар, фуқаровий жавобгар киритилади;

учинчиси, исботлашда ҳам ҳуқуқ ва мажбуриятга эга бўлган шахслар, уларга гувоҳ, эксперт, мутахассис, таржимон, холис фуқаролар ва мансабдор шахслар киритилади [8, Б.173].

С.М. Рахмонованинг ушбу таснифи исбот қилишнинг барча иштирокчиларини таснифлашга ҳаракат қилган. Муаллифнинг исбот қилиш иштирокчиларини ҳуқуқ ва мажбуриятлари мезони бўйича таснифлашга уринганлигини кўриш мумкин. Шу асосда С.М.Рахмонованинг таснифини қўллаб қувватлаш мумкин.

Чунки исбот қилиш иштирокчилари мазкур жараёнга ўзларига юклатилган мажбуриятлар ва улардан келиб чиқадиган хизмат вазифалар орқали ёки исбот қилиш бўйича уларга берилган ҳуқуқни амалга оширган ҳолда исботлаш жараёнининг иштирокчисига айланиши бир қатор норматив ҳужжатларда мустаҳкамлан.

А.К. Маслов исбот қилиш иштирокчиларини таснифлаш жараёнида далилларни тўплашда иштирок этувчи бошқа шахслар гуруҳига алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини, уларнинг фаолияти ЖПКнинг алоҳида нормаси билан тартибга солиниши кераклигини таъкидлаб, ҳимоячи далилларни тўплашда маълумотларни тақдим этиш орқали иштирок этиши лозимлигини, одил судлов иштирокчиларидан ташқари далилларни бошқа шахслар, шу жумладан мансаб мажбуриятларини бажараётган (масалан, маъмурий-юрисдикция фаолиятини амалга оширувчи) шахслар тақдим этишлари мумкинлиги, олинган нарсалар, бошқа ҳужжатлар, жиноят қуроллари, пуллар, қимматликлар, кийимлар, ашёвий ва бошқа мулк терговчи томонидан кўздан кечирилади, эҳтиёж туғилса, текширилади ва далилларни тўплаш, текшириш ва баҳо беришни тартибга солувчи жиноят-процессуал қонунчилигининг қоидаларига мувофиқ, терговчининг асослантирилган қарори билан жиноят ишининг материалларига қўшилиши лозимлигини таъкидлаб ўтади [9, Б.10-11].

А.К. Масловнинг исбот қилиш иштирокчиларини таснифлаш жараёнида далилларни тўплашда иштирок этувчи бошқа шахслар гуруҳига алоҳида эътибор

қаратиш лозимлиги ҳақидаги фикри эътиборлидир. Амалдаги ЖПКда исбот қилиш иштирокчилари сифатида таснифланган шахслардан ташқари исбот қилишга бошқа шахслар ҳам жалб этилиши мумкин. ЖПКнинг 86-моддаси учинчи қисмида оддий фуқароларнинг ҳам исбот қилишда иштирок этишлари белгиланган. Яъни, ЖПКнинг 198-моддаси ва 200-моддасига мувофиқ нарса ёки ҳужжатни унинг эгаси унга алоқаси бўлмаган бошқа жиноят иши доирасида далил сифатида фойланиш учун тақдим қилиши мумкин.

Бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотлар самараси ўлароқ, Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 4 апрелдаги қонуни асосида ЖПКнинг 87-моддасининг иккинчи қисмига киритилган ўзгартиш билан ҳимоячининг жиноят процессидаги иштирокига оид процессуал қоидаларга тегишли қўшимчалар киритилиб, у далил тўплаш ваколатига эга бўлганлиги инкор этиб бўлмайдиган ҳолат.

Фикримизча, ҳимоячига далил тўплаш ваколати берилганлигини инобатга олиб уни исбот қилишда иштирок этувчи субъектлар тоифасидан чиқариш ва ЖПКнинг 86-моддаси биринчи қисмида белгиланган исбот қилишни бевосита амалга оширишувчи иштирокчилар қаторига киритиш мақсадга мувофиқдир. Чунки, ЖПКнинг 85-моддасида исбот қилишнинг тушунчаси таърифланган бўлиб, унда исбот қилиш ишни қонуний, асосланган ва адолатли ҳал қилиш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар тўғрисидаги ҳақиқатни аниқлаш мақсадида далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолашдан иборат эканлиги белгиланган. ЖПКнинг далилларни тўплашни тартибга солувчи 87-моддасининг иккинчи қисмида эса ҳимоячи жиноят иши бўйича далилларни тўплаш ва тақдим этишга ҳақли бўлиб, улар жиноят иши материалларига қўшиб қўйилиши, шунингдек терговга қадар текширув, суриштирув, дастлабки тергов ўтказиш ва жиноят ишини судда кўриш жараёнида мажбурий баҳолаши лозимлиги белгиланган. Айтиш мумкинки, ЖПКнинг 85-моддаси талаби билан 87-моддасининг иккинчи қисмида белгиланган шартлар бир-бирига номуносиб бўлиб қолган.

Ушбу ҳолат ЖПКга Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 4 апрелда қабул қилинган Қонуни [10] асосида ЖПКнинг 87-моддасининг иккинчи қисмига ўзгартишлар киритилганда қонун чиқарувчининг назаридан четта қолганлиги билан изоҳланади. ЖПКдаги мазкур бўшлиқ, ҳимоячининг далил тўплаш орқали исбот қилишда иштирок этиш ҳуқуқига тўсиқ бўлиши билан бир қаторда, исбот қилишнинг умумий шартлари бузилишига замин яратади ва мазкур процессуал қоидаларнинг бенуқсон ишлашига ҳалақит беради.

ЖПКнинг 86-моддасида келтирилган исбот қилиш иштирокчиларининг тизими ва рўйхати тўлиқ бўлмай, такомиллаштиришга муҳтож.

Юқорида қайд этилган фикрлардан хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, ЖПКнинг 86-моддасининг биринчи қисмини қуйидаги таҳрирда баён этиш мақсадга мувофиқдир:

"86-модда. Исбот қилиш иштирокчилари

Исбот қилишни терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд ва адвокатамалга оширади. Адвокат ҳужжатлар ва тушунтиришлар талаб қилиб олиш, шахсларни сўровдан ўтказиш ва экспертиза тайинлаш орқали далилларни тўплаши ва текшириши мумкин".

Айнан ушбу ўзгартишдан келиб чиқиб, ЖПК 329-моддаси иккинчи қисмини "топшириқлар бериш" деган жумладан кейин "шахсларни сўровдан ўтказиш" деган жумла билан тўлдириш талаб этилади.

Терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси ва

ҳимоячининг исбот қилишни амалга оширувчи субъектлар қаторига киритилиши ва буни ЖПКнинг 86-моддасининг биринчи қисмида белгиланиши бугунги кунда ЖПКда мавжуд ҳуқуқий бўшлиқларнинг бартараф этилишига ва исбот қилишнинг умумий шартларига бенуқсон равишда амал қилинишига замин яратади.

Иқтибослар/Сноски/References:

1.Тошпўлатов А.И. Ёлгон гувоҳлик учун жинойий жавобгарлик муаммолари: Юрид. фан. номз. дис. автореф. - Т., 2008. - 21 б. (Toshpulatov.A.I. Problems of criminal liability for perjury: Dissertation abstract of the candidate of law - Т., 2008. - 21 p.)

2.Караходжаева О.Р. Конституционные основы обязанностей граждан Республики Узбекистан: Автореф. дис. канд. юрид. наук. - Т., 2008. - 25 с. (Karaxodjayeva.O.R. Constitutional principles of the duties of citizens of the Republic of Uzbekistan: Dissertation abstract of the candidate of law - Т., 2008. - 25 p.)

3.Ўзбек тилининг изоҳли луғати. - Т., 2006. - 584 б.(Annotated dictionary of the Uzbek language- Т., 2006. - 584 p.)

4.Саҳадинов С. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига шарҳлар. Умумий қисм (илмий-амалий шарҳ) / - Т.: Янги аср авлоди, 2014. - 592 б. (Saxadinov S. Comments on the Criminal Procedure Code of the Republic of Uzbekistan. General section (scientific and practical commentary) - Т.: Янги аср авлоди, 2014. - 592 p.)

5.Авилов А.В. Субъекты обязанности доказывания в уголовном судопроизводстве: автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук. - Краснодар, 2011. - 25 с. (Avilov A.V. Subjects of the duty of proof in criminal proceedings: dissertation abstract of the candidate of law - Krasnodar, 2011. - 25 p.)

6.Иванова Т.Ю. Участие прокурора в доказывании на предварительном следствии: Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук.- Самара, 1999.- 18 с.(Ivanova.T.Yu.The participation of the prosecutor in the evidence at the preliminary investigation: dissertation abstract of the candidate of law - Samara, 1999. - 18p.)

7.Попов В.С. Участие адвоката-защитника в процессе доказывания на стадии предварительного расследования и в суде первой инстанции: Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук. - Челябинск, 2005.- 27 с.(Popov.V.S.The participation of the defense attorney in the process of proof at the preliminary investigation stage and in the court of first instance: Abstract of dissertation for the degree of candidate of legal sciences: dissertation abstract of the candidate of law - Samara, 2005. - 27p.)

8.Jinoyat-protsessual huquqi. Umumiy qism: Darslik / Mualliflar jamoasi. - Т.: TDYU, 2017. - 491 б. (Criminal procedure law. General section: Textbook / Team of authors - Т.: TDYU, 2017. - 491 p)

9.Маслов А.К. Деятельность следователя по процессуальному оформлению предметов, вещей и иных документов в качестве доказательств по уголовным делам: автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук. - Краснодар, 2011. - 24 с. (Maslov.A.K. Activities of the investigator in the procedural execution of objects, things and other documents as evidence in criminal cases: Abstract of dissertation for the degree of candidate of legal sciences: dissertation abstract of the candidate of law - Krasnodar, 2011. - 24p.).

10 Ўзбекистон Республикасининг "Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича чора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги 2018 йил 4 апрелдаги

Қонуни // <http://lex.uz>. (Law of the Republic of Uzbekistan "On amendments and additions to some legislative acts of the Republic of Uzbekistan in connection with the adoption of measures to strengthen the guarantees of rights and freedoms of citizens in judicial proceedings" dated April 4, 2018 // <http://lex.uz>.)

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

ХАСАНОВ Шавкатбек Хайбатуллаевич,
Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Юристар
малакасини ошириш маркази бўлим бошлиғи

СУД ЭКСПЕРТЛАРИНИНГ ПРОФИЛАКТИК ФАОЛИЯТИ

For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования): ХАСАНОВ Ш.Х. СУД ЭКСПЕРТЛАРИНИНГ ПРОФИЛАКТИК ФАОЛИЯТИ // Юрист ахборотномаси - Вестник юриста - Lawyer herald. № 2 (2020), Б.102-109.

 №2 (2020) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2020-2-12>

АННОТАЦИЯ

Мақолада суд экспертнинг профилактик фаолияти тушунчаси, шакллари ва турлари, асосий принциплари ва амалга ошириш бошқичлари, бу фаолиятни амалга ошириш ва назорат қилиш методлари, бу соҳадаги мавжуд камчилик ва муаммолар ёритилган. Республика суд экспертиза муассасалари фаолиятини ўрганиш натижаларига асосланиб, суд экспертларининг профилактик фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: суд экспертлик фаолияти, суд экспертнинг профилактик фаолияти, суд экспертнинг профилактик фаолиятининг турлари, суд экспертнинг профилактик фаолиятини такомиллаштириш.

ХАСАНОВ Шавкатбек Хайбатуллаевич

Начальник отдела Центра повышения квалификации юристов при
Министерстве Юстиции Республики Узбекистан

ПРОФИЛАКТИЧЕСКАЯ ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ СУДЕБНЫХ ЭКСПЕРТОВ

АННОТАЦИЯ

В статье рассматриваются вопросы понятия профилактической деятельности судебных экспертов, виды, формы, основные принципы и этапы проведения профилактической деятельности, методы проведения и контроля деятельности судебных экспертов. На основе анализа деятельности судебной экспертизы республики разработаны рекомендации по совершенствованию профилактической деятельности судебных экспертов.

Ключевые слова: судебно-экспертная деятельность, профилактическая

деятельность, судебные эксперты, виды профилактической деятельности, судебные эксперты, совершенствование профилактической деятельности судебных экспертов.

Khasanov Shavkatbek,

Head of Department of the Lawyers' Training Center under the Ministry of Justice of the Republic of Uzbekistan

PREVENTIVE ACTIVITIES OF JUDICIAL EXPERTS

ANNOTATION

The article discusses the issues of the concept of preventive activities of judicial experts, types, forms, basic principles and stages of preventive activities, methods of conducting and monitoring the activities of judicial experts. Based on the analysis of the judicial expertise of the republic, recommendations were developed on improving the preventive activities of judicial experts.

Keywords: judicial experts practices, preventive practices of judicial experts experts, types of preventive practices of judicial experts, developing preventive practices of judicial experts.

Ўзбекистон Республикасининг жиноят-процессуал қонунчилиги ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга қоидабузарликларнинг (ҳуқуқбузарлик, жиноятлар) олдини олиш ва уларни содир этилишига енгилик яратган, имкон берган сабаб ва шароитларни аниқлаш бўйича вазифаларни юклайди. Бу каби имкон ва шарт-шароитларни аниқлаш воситаси сифатида процессуал ҳаракатлар, уларни бартараф этиш воситаси сифатида прокурор, терговчи ёки суриштирувчининг тегишли тақдимномалари ҳисобланади.

Суд экспертларининг қоидабузарликларнинг олдини олиш фаолиятлари қонунда назарда тутилмаган. Аммо шунга қарамай, суд экспертларининг қоидабузарликларнинг олдини олиш, уларнинг содир этилишига имкон берган ёки енгилик яратган шарт-шароитларни аниқлаш бўйича фаолияти - яъни профилактик фаолияти инкор қилинмайди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига: "Хулосада ҳуқуқбузарлик сабаблари ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар, шунингдек уларни бартараф этишга доир ташкилий-техникавий тавсиялар кўрсатилган бўлиши мумкин" деб белгиланган [1].

Суд экспертларининг профилактик фаолияти - бу тегишли экспертиза тадқиқотларини ўтказишда, шунингдек тегишли тергов ҳаракатлари ва тезкор-қидирув тадбирларда иштирок этиш жараёнида аниқланган қоидабузарликларнинг (ҳуқуқбузарлик, жиноят ва ҳ.к.) сабаблари ва уларни содир этишга имкон берган шароитлар, шунингдек уларни бартараф этишнинг ташкилий-техникавий тавсияларини ишлаб чиқишдир.

Суд экспертларининг профиликтик фаолиятида, жумладан, тегишли суд экспертизаларини ўтказишда қоидабузарлик содир этилишига енгилик яратган ва имкон берган сабаб ҳамда шарт-шароитларни аниқлаш фаолиятида ҳам айрим муаммолар учраб туради. Тадқиқотлар, анкета-сўровлари ва Республикамиз суд-экспертлик фаолиятини таҳлиллари натижасида бу каби муаммо ва камчиликларга қуйидагилар тегишли деган хулосага келинди:

экспертиза тайинлаш тўғрисида қарорларда (ажрим) суд эксперти олдида қоидабузарликларнинг олдини олишга қаратилган тавсиялар беришга оид саволлар

қўйилмайди;

суд экспертлари қоидабузарликларнинг содир этишга енгиллик яратган ёки имкон берган сабаб ва шароитларни аниқлаш бўйича вазифаларни охиригича ҳал этмайдилар;

суд экспертларининг профилактик турдаги маълумотларидан самарали фойдаланилмайди.

Юқоридаги камчиликлар сифатида В. Рыжков "экспертиза хулосаларида профилактик таклиф ва тавсиялар ҳар доим ҳам берилмаслиги, баъзида суд экспертлари профилактик тавсиялар беришда ўз ваколатлари доирасидан чиқиб кетишини" [2, С.98], Г.Н. Порошин "айрим суд экспертлари, агар экспертиза тайинлаш тўғрисида кўрсатилмаган бўлса, профилактик турдаги вазифаларга ташаббускор муносабатда бўлмаслигини" [3, С.111] ҳамда Т.В. Стегнова ва В.М. Тертышниклар эса "ишларни кўриб чиқиш ва суд экспертлари томонидан берилган профилактик таклиф ва тавсияларни амалда жорий этилиши, ушбу соҳада олинган натижалар бўйича ахборот алмашинув, тегишли органлар орасида яхши йўлга қўйилмаганлигини" [4, С.235] ёзганлар.

Албатта, юқорида таъкидланган муаммолар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари ва суд экспертларининг ўзларига боғлиқ равишда вужудга келган ва дарҳол бартараф этилиши лозим бўлган масалалар ҳисобланади. Ушбу масалани самарали ҳал этиш учун эса ҳар икала хизмат раҳбарлари ҳамкорликда фаолият кўрсатишлари лозим.

Суд экспертларининг профилактик фаолиятини ташкил этишнинг асосий принциплари сифатида мутахассислар томонидан қўйидагилар кўрсатилган:

- режалилик; - ўз вақтидалилик; - профилактик тадбирларни амалга оширишни назоратини таъминлаш; - қоидабузарликларнинг олдини олиш бўйича тадбирларни ўтказишда суд экспертларини ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорлигини таъминлаш; - қоидабузарликларнинг олдини олиш бўйича тавсия ва таклифларнинг мақсадга мувофиқлиги ва иқтисодий жиҳатдан тежамлилиги [4, С.237].

Суд экспертларининг профилактик фаолиятини ташкил этиш уни амалга ошириш босқичларига ҳамда фаолиятни режалаштириш методларига боғлиқ бўлади. Суд экспертларининг профилактик фаолиятининг босқичлари:

профилактик фаолиятни режалаштириш;

профилактик фаолиятни ташкил этиш бўйича тадбирларни бажариш;

профилактик фаолиятни назорат қилиш.

Юқоридаги ҳар бир босқичнинг амалга ошириш учун эса алоҳида методлар мавжуд. В.Е. Капитонов "суд экспертларининг профилактик фаолиятларини режалаштиришда қўйидаги методлар қўлланилади:

профилактик фаолиятни қамраб олган режалар (йиллик, ярим йиллик, кварталлик ва бошқалар) тузиш;

суд экспертларининг функционал мажбуриятлари ва вазифаларини, уларни профилактик фаолиятида ҳам фаол иштирок этишини ҳисобга олган ишлаб чиқиш;

қоидабузарликларнинг олдини олиш тадбирларнинг намунавий ва истиқболли дастурларини ишлаб чиқиш" деб таъкидлайди [5, С.183].

Фикримизча, суд экспертларининг профилактик тадбирларни бажаришларида қўйидаги методлар ҳам қўлланилиши лозим:

қоидабузарликларни содир этилишига енгиллик яратган ёки имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш;

суд экспертларининг мутахассис сифатида тергов ҳаракатларида иштирок этишлари;

суд экспертларининг маълумот-маслаҳат бериш фаолияти;
суд экспертларининг ҳуқуқий тарғибот ишларида иштирок этишлари;
қоидабузарликларнинг олдини олиш муаммолари бўйича назарий ва экспериментал тадқиқотлар ўтказилиши;

суд экспертларининг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, давлат идоралари ва жамоат ташкилотлари томонидан ўтказиладиган профилактик тадбирларда иштирок этиши;

тегишли вазирликлар ва идораларнинг мансабдор шахсларига қимматбаҳо қоғозлар ва ҳужжатларни қалбакилаштириш усуллари, ёпиш мосламаларини очиш усуллари бўйича машғулотлар ўтказиш;

суд экспертларининг иш фаолиятига қоидабузарликларнинг олдини олиш бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорликнинг илмий асосларини татбиқ этиш;

профилактик фаолиятларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш. В.Л. Рыжков бу каби метод сифатида: "суд-экспертлари ва муҳофаза қилувчи органларининг қоидабузарликларнинг олдини олиш масалалари бўйича қўшма мажлис ва йиғилишлари, махсус машғулотлари ва илмий-амалий анжуманларини ташкил этиш" ни ҳам кўрсатиб ўтган [2, С.84.]

Г.Н. Порошининг фикрича, "суд экспертларининг профилактик фаолиятини назорат қилишни амалга оширишда эса қуйидаги методлар қўлланилиши мумкин:

суд экспертларининг амалий фаолиятини, уларнинг профилактик фаолиятни баҳолаш мақсадида умумлаштириш ва таҳлил этиш;

суд экспертларининг тергов ҳаракатларида мутахассис сифатидаги профилактик фаолиятини натижаларини таҳлил этиш;

муҳофаза қилувчи органларнинг қоидабузарликларнинг олдини олиш мақсадларида берган топшириқларининг ижроси бўйича техник-криминалистик восита ва методларни қўллаш амалиётини ўрганиш ва умумлаштириш" [3, С.117].

Юқоридаги фикрлар суд экспертика фаолиятида ўз тасдиғини топгани сабабли, уларга қўшилган ҳолда, суд экспертиза амалиётининг хусусиятларидан келиб чиқиб, профилактик фаолиятни назорат қилишни амалга ошириш методлари сифатида қуйидагиларни тавсия қилиш мумкин:

профилактик тадбирларни амалга оширишнинг муддати ва сифатини назорат қилиш;

муҳофаза қилувчи органлари раҳбарларига, суд экспертлари томонидан профилактик фаолиятни амалга ошириш имкониятлари ва ушбу имкониятлардан фойдаланиш ҳолатлари ҳақида маълумот бериш.

Суд экспертларининг профилактик фаолияти икки шаклда амалга оширилади - процессуал ва нопроцессуал. Суд экспертларининг профилактик фаолиятининг процессуал шакли - бу суд экспертиканинг Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал Кодексида белгиланган тарзда фаолиятларидан иборат, яъни: тергов ҳаракатларида мутахассис сифатида иштирок этиш жараёнида ҳамда суд экспертизаларига оид тадқиқотларни ўтказишда қоидабузарликларнинг содир этилишига енгиллик яратган ва имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш.

Суд экспертларининг профилактик фаолиятининг нопроцессуал шакли - процессуал шаклдаги фаолиятдан шуниси билан фарқ қиладики, фаолиятнинг ушбу тури амалдаги қонунчиликда тўғридан-тўғри кўрсатилмаган, В. Рыжков таъкидлаганидек "бу фаолият фақат меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардагина ўз аксини топган" [2, С.67-68].

В.Е. Капитоновнинг таъкидлашича: "ушбу фаолиятнинг қуйидаги турлари мавжуд:

маълумот-маслаҳат бериш фаолияти; экспертиза амалиётини таҳлил этиш ва умумлаштириш; криминалистик восита ва методларни қўллаш амалиётини ўрганиш ва умумлаштириш; ҳуқуқий ташвиқот ва тарғибот этиш фаолиятида иштирок этиш; назарий ва амалий тадқиқотлар ҳамда тажрибалар ўтказиш; профилактик тадбирларда бевосита иштирок этиш" [5, С.180].

Бу фикрларни тўғрилигини тасдиқлаган ҳолда, яна суд экспертларининг тегишли органлар ва ташкилотларнинг ходимлари билан машғулотлар ўтказиш бўйича ишларни ҳам киритиш мумкин.

Суд экспертларининг процессуал шаклдаги профилактик фаолияти самарали ҳисобланади. Масалан, суд эксперти бирорта жиноят иши юзасидан тегишли теров ҳаракатларида мутахассис сифатида иштирок этар экан, ушбу турдаги жиноятни содир этишига энгиллик яратган ёки имкон берган шароитларни аниқлаши мумкин, сўнг уларни таҳлил этиб ва умумлаштириб, бу шароитларнинг кўриляётган турдаги жиноят учун типик ҳолатларини ажратиб олади ва тегишли таклиф ва тавсияларни ўзига қамраб олган маълумотнома тузади.

Қоидабузарликларни содир этилишига энгиллик яратган ва имкон берган шароитлар суд экспертлари томонидан турли суд экспертизаларни ўтказиш чоғида ҳам аниқланиши мумкин. И.Р. Астанов, А.К. Закурлаев ва бошқа мутахассислар "суд экспертизаси жиноятнинг (субъектив томонидан бошқа) барча элементларига тегишли ҳолатларни аниқлаш имконини берадиган далилларнинг универсал манбаидир" деб ёзадилар [6. С,12].

Таъкидлаш жоизки, суд эксперти фақатгина қоидабузарликларни содир этилишига энгиллик яратган ва имкон берган шароитларни аниқлайди. Чунки, "Эксперт хулосасида қоидабузарлик сабаблари ва уларни содир этишга имкон берган шароитлар, шунингдек уларни бартараф этишнинг ташкилий-техникавий тавсиялари кўрсатилиши мумкин" [7]. Масалан, суд эксперти амалиётидан маълумки, пломбаларга жинойий мақсадда таъсир қилиш имкониятини олдини олиш мақсадида, уларни осишнинг қатъий қоидалари айнан суд экспертлари томонидан таклиф қилинган ва ҳозирда амалда бу қоидаларга риоя қилинади.

Агар тадқиқот учун тақдим этилган материаллар бўйича қоидабузарликларни содир этилишига энгиллик яратган ва имкон берган шароитларни аниқлашнинг имкони бўлса ва бироқ, экспертиза тайинлаш қарорла (ажрим) бу ҳақида саволлар қўйилмаган бўлса, у ҳолда эксперт бу тўғрисида терговчига (суриштирувчи, прокурор, судья) хабар бериши лозим. "Агар терговчи (суриштирувчи, прокурор, судья) экспертнинг хулосаларига розилик билдирса, - деб таъкидлайди В.Е. Капитонов, - у экспертга зарур бўлганда қўшимча материаллар тақдим қилиши, қўшимча маълумотлар бериши ёки экспертиза тайинлаш ҳақидаги қарорга янги саволлар киритиши мумкин" [5, С.79].

Суд экспертизаларни ўтказишда аниқланган, қоидабузарликларни содир этилишига энгиллик яратган ва имкон берган шароитлар эксперт ўзининг экспертиза хулосасида баён этиши лозим. Экспертизалар ўтказишда аниқланган профилактик таклифлар экспертиза тайинлаган орган (шахс) томонидан кўриляётган жиноят ишига тегишли бошқа материаллар билан биргаликда баҳоланиши керак.

Фикримизча, экспертизалар ўтказишда аниқланган, қоидабузарликларни содир этилишига энгиллик яратган ва имкон берган шароитларни бартараф этиш бўйича таклифлар қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

аниқ фактларга ва материалларга асосланиши;

керак бўлганда тажриба ва тадқиқотлар ёрдамида асосланиши ёки тасдиқланиши;

иқтисодий жиҳатдан тежамли ва замонавий фан ва техника шароитларида аниқ

бажариладиган бўлиши лозим.

Қоидабузарликларнинг содир этилишига енгиллик яратган ва имкон берган шароитларни аниқлашда юқорида айтилганидек, суд экспертларининг нопроцессуал шаклдаги профилактик фаолияти ҳам амалга оширилади. Суд экспертларининг профилактик фаолиятининг нопроцессуал шаклларида бири бу маслаҳат беришдир. Қоидабузарликларнинг олдини олиш мақсадларида кўрсатиладиган ушбу амалий ёрдамнинг хусусияти - ушбу фаолиятнинг предмети ҳамда унинг натижаларидан амалий фойдаланиш натижаларига боғлиқ бўлади. Соҳа мутахассисларининг таъкидлашича "қоидабузарликларнинг олдини олиш бўйича маслаҳатлар профилактик табиатдаги саволлар бўйича берилди ва терговчи (суриштирувчи, прокурор, судья) томонидан кўрилатган иш материаллари бўйича тақдимномалар киритишда фойдаланилиши лозим" [4, С.241].

Агар, қоидабузарликларни содир этилишига енгиллик яратган ва имкон берган сабаб ҳамда шароитлар экспертиза амалиётини таҳлил этиш ва умумлаштириш натижасида ёки бўлмаса, айнан шу мақсадларда суд экспертларида ўтказиладиган назарий ва экспериментал тадқиқотлар натижасида аниқланган бўлса, у ҳолда суд экспертларининг ушбу фаолиятининг хусусияти бутунлай бошқача бўлади. Бу тарзда олиган барча маълумотлар ва фактлар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган раҳбарига тақдим этилади. У эса ўз навбатида ушбу маълумотлар асосида тегишли тақдимнома тузади ҳамда ушбу масалалар юзасидан тегишли тадбирлар кўриш ваколатига эга юқори турувчи органга тақдим этади.

Қоидабузарликларни содир этилишига енгиллик яратган ва имкон берган шароитларни аниқлашда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари билан суд экспертларининг ўзаро ҳамкорликда амалга оширилиши яхши самара беради. Бунда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва суд экспертларининг бир турдаги фаолияти таҳлил этилади ва умумлаштирилади. Бундай ҳамкорликнинг натижалари чуқур асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишда муҳим аҳамият касб этади.

Суд экспертларининг профилактик фаолиятининг нопроцессуал шаклларида бири - тегишли тезкор қидирув хизматларининг топшириғига кўра техник-криминалистик восита ва методларни қўллаш амалиётини таҳлил этиш ва умумлаштириш ҳисобланади. Бу фаолиятни амалга оширишда криминалистик ҳисоблар билан ишлаш ҳолатига эътибор бериш лозим, ушбу ҳисоблар билан ишлашда аниқланган камчиликлар (масалан, ҳисоблардан ўз вақтида фойдаланмаслик, ўтказиладиган текширишларнинг тўлиқ эмаслиги, ҳисобларни нотўғри юритиш ва шакллантириш ва бошқ.) йўл қўйилган хато ва камчиликларни такрорланмаслигига имкон яратади.

Суд экспертларининг нопроцессуал шаклдаги профилактик фаолиятининг натижалари бўйича суд экспертиза муассасасининг раҳбари ёки ходимлари томонидан тегишли хулосалар ва тавсиялар баён этилган маълумотнома тузилади. Маълумотномага фотосуратлар, турли чизмалар ва бошқалар илова қилиниши мумкин. Ушбу ҳужжат суд экспертиза муассасасининг раҳбари орқали тегишли органлар раҳбарига тақдим этилади.

Суд экспертларининг профилактик фаолиятининг нопроцессуал шаклларида навбатдагиси - ҳуқуқий ташвиқот ва тарғибот фаолиятида иштирок этиш бўлиб, бундай ишлар профилактик фаолиятининг материалларига асосланади ҳамда турли жамолар орасида ҳуқуқбузарликларнинг ўсиши ҳолати бўйича маърузалар қилиш, илмий мақолалар чоп этириш, радио ва телевиденияда чиқишлар билан ифодаланади.

Ю.Д. Фёдоренконинг таъкидлашича "Суд экспертларининг процессуал ва нопроцессуал шакллардаги профилактик фаолиятини қуйидаги тўрт босқичдан

иборат дейиш мумкин:

қоидабузарликларни содир этилишига енгиллик яратган ва имкон берган шароитларни аниқлаш;

профилактик таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш ва уларни асослаш;

профилактик таклиф ва тавсияларни амалга татбиқ этиш;

профилактик таклиф ва тавсияларни амалга оширилиш жараёнини аниқлаб бориш" [8, С.46].

Юқоридаги фикрларни маъқуллаган ҳолда (чунки улар суд экспертлик амалиётида ўз тасдиғини топган), ушбу босқичларнинг биринчисидан суд эксперти қўйидаги функцияларни бажаради деб айтиш мумкин:

экспертиза йўли билан жавоб бериладиган саволларни тузишда маслаҳат беради;

суд экспертизалар ўтказиш жараёнида ёки экспертиза тайинлаган шахснинг (орган) топшириғига кўра ёхуд ўзининг ташаббус билан қоидабузарликларни содир этилишига енгиллик яратган ва имкон берган шароитларни аниқлайди; - профилактик таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқади;

профилактик фаолият бўйича экспертиза амалиётини умумлаштиради ва таҳлил қилади;

тегишли органларнинг топшириғига кўра техник-криминалистик восита ва методларни қўллаш бўйича амалиётни умумлаштиради ва таҳлил қилади;

қоидабузарликларнинг олдини олиш муаммолари бўйича назарий ва амалий тадқиқотлар ҳамда тажрибалар ўтказилади.

Суд экспертларининг профилактик фаолиятининг иккинчи босқичида, суд экспертлари ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари томонидан, аниқланган шарт-шароитлар асосида профилактик таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилади, асосланади ва шакллантирилади. Суд экспертларининг профилактик фаолиятининг учинчи босқичида, асосланган тақдимномани тегишли органга тақдим этилади; масъул раҳбарлар тегишли чора-тадбирларни амалга оширади. Суд экспертларининг профилактик фаолиятининг охириги тўртинчи босқичида, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органнинг масъул ходими суд экспертини ёки суд экспертиза муассасаси раҳбарини, профилактик таклиф ва тавсияларини амалга жорий этиш натижалари бўйича хабардор қилади.

Суд экспертларининг профилактик фаолиятларини такомиллаштириш учун эса, биринчи навбатда уларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан узвий ва самарали ҳамкорлигини таъминлаш лозим. "Бунинг учун эса, - деб таъкидлайди В.Капитонов, - ушбу органларнинг раҳбарлари мазкур фаолиятни доимий назорат остига олишлари лозим" [5, С.91].

Ўзбекистон Республикаси давлат суд экспертиза муассасаларида мазкур фаолиятни самарадорлигини янада ошириш учун аниқ тизим йўлга қўйилган. Жумладан, суд экспертиза муассасаси раҳбарининг топшириғи билан тегишли масъул ходим (суд эксперти) профилактик фаолиятга оид барча маълумотларни таҳлил қилади ва умумлаштиради. Фикримизча, мазкур таҳлилий иш жараёнида фикримизча қўйидаги кўрсаткичлар таҳлил этилиши лозим:

суд экспертлари иштирок этган профилактик тадбирларнинг сони;

олди олинган ёки қоибузарликларни содир этилишига енгиллик яратган ва имкон берган сабаб ва шароитлар аниқланган қоидабузарликларнинг сони ва турлари;

олди олинган ёки қоибузарликларни содир этилишига енгиллик яратган ва имкон берган сабаб ва шароитларни аниқланган қоибузарликларнинг содир этилган жой ва ҳудудлари;

суд экспертлари томонидан, ишлаб чиқилган профилактик таклиф ва

тавсияларнинг самарадорлик даражаси.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, суд экспертларининг профилактик фаолиятларида, суд экспертиза муассасалари раҳбарларининг алоҳида ўрнини таъкидлаш жоиздир. Чунки, суд экспертиза муассасаларининг ҳар қандай фаолиятни ташкил этиш учун мавжуд куч ва воситаларни тўғри тақсимлаш ва улардан унумли фойдаланиш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари билан узвий ҳамкорликни ташкил этиш, суд экспертларини ушбу ҳамкорликдан келиб чиқадиган барча функция ва вазифаларни самарали бажиршларини назорат қилиш, хизматнинг ҳар қандай фаолиятидаги, жумладан, суд экспертларининг профилактик фаолиятларидаги юзага келадиган муаммо ва камчиликларни ўз вақтида аниқлаш ҳамда уларни тез ва самарали бартараф этиш айнан раҳбарнинг вазифасидир.

Иқтибослар/Сноски/References

1. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. - Т., 2019. (Code of Criminal Procedure of the Republic of Uzbekistan. - Т., 2019)

2. В.Л. Рыжков. Профилактическая деятельность эксперта-криминалиста. Учебное пособие. - М., 2001. - 192 с. (V.L. Ryzhkov. Preventive activities of an expert criminalist. Tutorial. - М., 2001. -- 192 p.)

3. Г.Н. Порошин. Исследование места происшествия следователем и экспертом-криминалистом органов внутренних дел. - Волгоград, 1979. - 218 с. (G.N. Poroshin. Investigation of the scene by an investigator and forensic expert of the internal affairs bodies. - Volgograd, 1979.- 218 p.)

4. Т.В. Стегнова, В.М. Тертышник. Профилактика преступлений. Учебник. - М., 2005. - 456 с. (T.V. Stegnova, V.M. Terrier. Crime Prevention. Textbook. - М., 2005. -- 456 p.)

5. В.Е. Капитонов. Взаимодействия следственных органов и экспертно-криминалистических подразделений по профилактике преступлений. Учебное пособие. - М., 1999. - 220 с. (V. V.E. Kapitonov. Interactions of investigative bodies and forensic departments for crime prevention. Tutorial. - М., 1999. -- 220 p.)

6. Ш.Х. Хасанов, И.Р. Астанов, А.К. Закурлаев ва бошқ. Суд экспертизаси бўйича тавсиялар: Ўқув-амалий қўлланма. - Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015. - 211 б. (Sh.Kh. Khasanov, I.P. Astanov, A.K. Zakurlayev and others. Recommendations for forensic examination: Training manual. - Т.: Academy of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan, 2015. - 211 p.)

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "2011 йил 5 январдаги "Давлат суд-экспертиза муассасаси ёки бошқа корхона, муассаса, ташкилот томонидан суд экспертизасини ўтказиш тартиби тўғрисидаги намунавий низомни тасдиқлаш ҳақида"ги 5-сон қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 1-2-сон, 7-м. (Resolution of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan No. 5 of January 5, 2011 "On approval of the standard procedure for forensic examination by a state forensic institution or other enterprise, institution, organization" // Law of the Republic of Uzbekistan, 2011, No. 1-2, 7-m.)

8. Ю.Д. Фёдоренко. Применение технико-криминалистических средств в деятельности по профилактике преступлений. - Волгоград, 1999. - 196 с. (Y. D. Fedorenko. The use of technical and forensic tools in crime prevention activities. - Volgograd, 1999. -- 196 p.)

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ

САИДОВА Лола Абдувахидовна,
Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Юристлар
малакасини ошириш маркази кафедра мудири, юридик фанлар доктори

ЖАҲОН ГЕНДЕР ТАРИХИГА БИР НАЗАР ВА ЎЗБЕКИСТОНДА ГЕНДЕР СИЁСАТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

For citation (иқтибос келтириш учун, для цитирования): САИДОВА Л.А. ЖАҲОН
ГЕНДЕР ТАРИХИГА БИР НАЗАР ВА ЎЗБЕКИСТОНДА ГЕНДЕР
СИЁСАТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ // Юрист ахборотномаси - Вестник
юриста - Lawyer herald. № 2 (2020), Б.110-118.

 №2 (2020) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2020-2-13>

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақола гендер масалаларини қамраб олиб, унда гендер тенглиги учун курашнинг тарихий ривожини, ривожланган давлат ва халқаро ташкилотлар гендер тенглигини таъминлашга қўшган ҳиссаси, аёллар ҳаракатининг тадрижий хронологияси, Ўзбекистонда хотин-қизлар тенглигини таъминлашга қаратилган ҳуқуқий меъёрлар ва давлат сиёсатининг асосий йўналишлари ва бу борадаги долзарб масалалар ёритилган.

Калит сўзлар: Гендер тенглиги, хотин қизлар ҳуқуқлари, хотин қизлар ҳуқуқларини таъминлаш учун ҳаракатлар, халқаро ташкилотлар, халқаро шартномалар, Пекин платформаси, Канада тажрибаси, Ўзбекистонда гендер, гендер қонунлари, ваколатли шахс, давлат сиёсати.

САИДОВА Лола Абдувахидовна,

Заведующая кафедрой Центра повышения квалификации юристов при
Министерстве юстиции Республики Узбекистан, доктор юридических наук

ВЗГЛЯД В ВСЕМИРНУЮ ИСТОРИЮ ГЕНДЕРА И ПРАВОВЫЕ ОСНОВЫ ГЕНДЕРНОЙ ПОЛИТИКИ УЗБЕКИСТАНА

АННОТАЦИЯ

Данная статья охватывает гендерные вопросы, в ней освящены историческое развитие борьбы за гендерное равноправие, вклад развитых стран и международных организаций по обеспечению женского равноправия в международном масштабе.

Статья рассматривает правовые нормы и основные направления государственной политики Узбекистана и актуальные вопросы обеспечения гендерного равноправия.

Ключевые слова: Гендерное равноправие, права женщин, движения по обеспечению прав женщин, международные организации, международные конвенции, Пекинская платформа, Опыт Канады, гендер в Узбекистане, законы о гендере, уполномоченное лицо, государственная политика.

SAIDOVA Lola,

Head of the Department at the Lawyers' Training Center under the Ministry of Justice of the Republic of Uzbekistan, Doctor of Law Sciences

A LOOK INTO THE GLOBAL HISTORY OF GENDER AND THE LEGAL FOUNDATIONS OF GENDER POLICY IN UZBEKISTAN

ANNOTATION

This article covers gender issues; it outlines the historical development of the struggle for gender equality, the contribution of developed countries and international organizations to ensure women's equality on an international scale. The article considers the legal norms and the main directions of the state policy of Uzbekistan and urgent issues of ensuring gender equality.

Keywords: Gender equality, women's rights, women's rights movements, international organizations, international conventions, Beijing platform, Canadian experience, gender in Uzbekistan, gender laws, authorized person, public policy.

Ҳар қандай барқарор ривожланишнинг асосини инсон, унинг ривожи, яратилган тенг ҳуқуқлар ва имкониятлар белгилайди. Тенглик инсон ҳуқуқларининг фундаментал асосларини ташкил этади. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясида "Инсон қадр қиммати - эркинликнинг, тенгликнинг, адолатнинг асоси ҳисобланади" деб кўрсатилган. Бироқ инсоният тарихи тенгликка эришиш учун мутассил курашиб келган.

Бугун дунёнинг барча Конституциялари "барча фуқаролар тенгдирлар" деб эътироф этсаларда реал воқеиликда тенгликка эришиш йўли мураккаб ва машаққатлидир.

Гендер тенглиги ва аёл ҳуқуқлари масалалари 18-19 асрлардаёқ ривожланган мамлакатларнинг сиёсий кун тартибига чиқа бошлади.

Францияда 1791 йилда Олимпия де Гуж "Аёллар ва фуқаролар" Декларациясини эълон қилиб, аёллар ҳаракатига асос солди. 1848 йилда Элизабет Стэнтон ва унинг кўп сонли тарафдорлари АҚШда аёл ҳуқуқлари бўйича съезд чақирилиб, "Ёндошувлар ва қарорлар" Декларациясида аёлларнинг мулкӣ, овоз бериш, таълимга бўлган ва жамият ҳаётини сиёсий ва ижтимоий иқтисодий соҳадаги фаол иштирок этиш ҳуқуқини талаб қиладилар. Элизабет Стэнтон "Барча эркаклар ва аёллар тенг туғилдилар, Оллоҳ уларга ажралмас ҳуқуқларни ато этди, бу ҳуқуқларга: яшаш, эркинлик ва бахтга интилиш киради" деб такидлаган.

1888 йилга келиб АҚШ аёллари "Ҳалқаро Аёллар Кенгаши" ташкилотини тузадилар ва улар 50 дан ортиқ мамлакатларда фаолият юрита бошлайдилар.

Буюк Британияда инглиз файласуфи Джон Стьюарт Милл "Аёлнинг бўйсунуши" асарини ёзди ва унда аёлларни тенглигини таъминлашни давлат ва жамият ҳаётининг кун тартибига қўйди.

Араб давлатларида 19 асрнинг охирида, Сурияда Варда аль Язичи томонидан аёлларнинг тенглик ҳаракатлари, Мисрда, Туркияда аёллар ҳуқуқларини эътироф

этиш бўйича ташкилотлар тузилиб, журналлар чоп этила бошланди.

1899 йилда эса, дунёнинг ривожланган 20 мамлакатидан 2 миллион аёллар Гаага "Тинчлик конференцияси" мурожаатномасига имзо қўйиб тинчлик учун овоз бердилар. Бу ҳаракатларнинг раҳномоларидан бири Нобель мукофоти лауреати австриялик ёзувчи Берта Фон Зутнер эди [1, Б.19].

Бундай глобал ҳаракатлар аёлларнинг тенглигини исботлаш учун қилинган эди. Гендер тенглиги деганда, биз айнан жинслар яъни эркак ва аёлнинг ижтимоий тенглигини назарда тутамиз.

Аёлларнинг ижтимоийлашувига оид изланишлар 20 - аср бошларида файласуфлар, социологлар, психологлар ва ҳуқуқшунослар томонидан кенг тадқиқ қилина бошланди. Аёллар ва экакларнинг ижтимоий ҳаётдаги тенг имкониятларга эга бўлиши лозимлиги, уларни фарқлаш эса камситилишга олиб келиши ва нотенгликни келтириб чиқариши ижтимоий фанлар томонидан исботланди. Айни пайтда интеллектуал салоҳият нуқтаи назаридан ҳам физика соҳасида Нобел мукофотининг лауреати Мариа Складовская Кюри аёллар ақлий салоҳияти эркакларникидан фарқ қилмаслигини исботлади.

Шундай қилиб, 20 асрнинг бошида хотин-қизлар масаласида жиддий силжишлар рўй бера бошлади. Буюк Британия ва Скандинавия мамлакатларида аёллар маҳаллий бошқарувда иштирок этиш ҳуқуқини ва парламентга овоз бериш ҳуқуқини қўлга киритдилар.

Янги Зеландияда 1893 йил эркаклар билан тенг сайлов ҳуқуқи, 1902 йили Австралияда, 1906 йил Финляндияда ва 1913 йил Норвегияда аёллар сайлаш ҳуқуқига эга бўлдилар.

Осиё ва Яқин Шарқ минтақасида ҳам аёллар ҳаракатлари фаоллаша борди, жумладан Озарбайжон, Ўзбекистон, Афғонистонлик аёллар Европанинг етакчи олий ўқув юртларида таҳсил ола бошладилар. Ўзбекистонда 1930 йилларда "Хужум ҳаракати бунди" яққол мисоли бўла олади. И. Гаспиринский 1903 йилда ёзилган "Аёллар" номли китобида ва "Аёллар дунёси" журналида Туркистон жадидларини аёлларга нисбатан махсус дастур қабул қилиниши тарафдори бўлдилар [2, Б.222].

Биринчи Жаҳон Уруши давридаёқ жамият ҳаётининг жуда кўп соҳаларида аёллар эркаклар ўрнини боса олишларини исботладилар.

Машҳур файласуф ва ёзувчи Симонэ де Бовуар ўтган асрнинг 40 йилларида "Иккинчи жинс" асарини яратди. Унда аёлларнинг тенглиги масаласи фалсафий жиҳатдан исботлаб берилди [3].

Иккинчи Жаҳон уруши бошланиши олдида дунёнинг яна 25 мамлакатида аёлларнинг сайлов ҳуқуқлари тан олинди. Аёлларнинг ҳалқаро фаоллиги 1919 йилда қабул қилинган Миллатлар Лигаси уставида янги ҳолатни акс эттирди, шу даврдан эътиборан бу ҳалқаро ташкилотнинг барча мансабларида аёллар эркаклар билан тенг равишда ишлашлари мумкин бўлди. Энди аёллар ҳалқаро сиёсий фаолиятда тенг иштирок эта оладиган бўлдилар.

1939 йили Парижда Бутунжаҳон аёллар Конгресси чақирилди. Унда уруш ва фашизмга қарши Бутунжаҳон аёллар Қўмитаси ташкил қилинди. Иккинчи жаҳон уруши даврида минглаб аёллар уруш операцияларида, партизанлик ҳаракатларида фашизмга қарши курашдилар. Урушдан сўнг эса, кўплаб аёлларнинг демократик ташкилотлари тузилди. 1945 йилда Парижда бутунжаҳон аёллар аҳволини яхшилаш мақсадида Хотин-қизларнинг Ҳалқаро демократик Федерацияси ташкил топди. БМТ ташкил топиши билан инсон ҳуқуқлари масаласи тинчлик ва хавфсизликни таъминлашнинг асосий кўрсаткичи сифатида баҳоланди. Инсон ҳуқуқларини ажралмас қисми бўлган аёл ҳуқуқлари бўйича ҳам халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқиладиган бўшланди. Жумладан,

Одам савдоси ва фоҳишабозлик билан учинчи шахслар томонидан эксплуатация қилинишга қарши кураш тўғрисидаги конвенция, 1949 й.;

Аёлларнинг сиёсий ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция, 1952 й.;

Турмушга чиққан аёлнинг фуқаролиги тўғрисидаги конвенция, 1957 й.;

Турмушга чиқишга ва никоҳнинг минимал ёши ҳамда уни қайд этишга розилик бериш тўғрисидаги конвенция, 1962 й.;

Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шакллариغا барҳам бериш тўғрисидаги конвенция, 1979 й.;

БМТнинг Трансмиллий уюштирилган жиноятчиликга қарши конвенцияни тўлдирувчи Одам савдоси, айниқса аёллар ва болалар савдосини олдини олиш ва тўхтатиш ва у учун жазолар тўғрисидаги Протокол.

Ўтган асрнинг 60-70 йилларга келиб аёллар ҳуқуқлари бўйича ҳаракатлар АҚШда хотин-қизларнинг миллий ташкилотини шакллантирди ва бу ташкилот АҚШ сиёсий ва ижтимоий ҳаётида муҳим ўрин тутиб келмоқда.

Хотин-қизларнинг ҳуқуқлари ва аҳволини яхшилаш бўйича янги тўлқин бутун Европа мамлакатларининг сиёсий партияларнинг дастурларида ўз аксини топди ва 1980 йиллардаёқ Европада аёлларнинг аҳволи барча кўрсаткичлар бўйича яхши натижалар бера бошлади. 1970 йиллари БМТ аёллар мақомини кўтариш бўйича тадқиқотларни ва муаммоларни ҳалқаро миқёсда олиб борди. 1975 йилда Мехикода, 1980 йил Копенгагенда Хотин-қизларнинг аҳволи бўйича Конференциялари чақирилди. 1975-1985 йилларни ЮНЕСКО хотин-қизлар 10 йиллиги деб эълон қилди. Ўтган 100 йилга яқин давр мобайнида аёллар ҳаракатини қўллаб қувватловчи 15та ҳукуматлараро ташкилотлар, 336 халқаро аёллар ташкилотининг тармоқлари аёллар тенглиги масаласида фаоллик кўрсатдилар. Шу даврда, халқаро ташкилотлар томонидан аёллар ҳуқуқларига алоқадор бўлган 355 та халқаро кўптомонлама конвенциялар қабул қилинди [4, Б.285].

Дунёнинг 84 мамлакатиди БМТнинг Хотин қизлар бўйича Кўмитаси тавсиясига кўра, хотин қизларни давлат ва жамият ҳаётида иштирокини кўтариш мақсадида квоталаш тизими ишлай бошлади.

1985 йил БМТ Найробиди Хотин-қизларнинг аҳволи бўйича учинчи Конференцияни чақирди. Унда жинсларнинг тенглиги муаммоларига комплекс ёндашув масаласини кун тартибига кўйди. Бу масаланинг ечими Данияда бошқарув тизимида 49% аёлларнинг эгаллашига олиб келди, Англия ва Швецияда ҳам бу кўрсаткичлар 50% яқинлашди [5, Б.8].

Ислон давлатлари ичида Миср, аёллар муаммолари билан шуғулланадиган вазирлик, миллий кенгаш жорий қилди ва яхши кўрсаткичларга эришди.

1995 йилда 4-Бутунжаҳон Пекиндаги Конференциясида гендер тенглигига эришиш масаласи биринчи галдаги вазифа даражасига кўтарилди. 1995 йилда Пекинда БМТнинг аёллар бўйича тўртинчи жаҳон конференциясида (Beijing Platform for Action) қабул қилинган БМТ платформасини маъқуллаб, тартибга солиш ва бошқарув жараёнларида гендер таҳлилидан фойдаланишга чақирди. Пекиндаги Бутунжаҳон аёллар конференциясига дунёнинг 189 мамлакатидан 47 минг киши иштирок этди.

Чунончи, Пекин платформасида "давлатнинг турли идора ва ташкилотлари, ҳар қандай хусусий тузилмалар шунингдек, кўплаб бошқа бирлашмалар аёллар олдидаги мажбуриятларни бажариши учун ҳисобдорлик ва масъулиятнинг юқори талабларини ўрнатмоқлари лозим" деб белгиланди.

БМТнинг "Барқарор ривожланиш мақсадларининг" бешинчиси аёлларнинг тенглигига эришиш бўлиб, у "Эркаklar ва аёлларнинг тенглигини рағбатлантириш ва аёлларнинг ҳуқуқлари ва имкониятларини кенгайтириш" деб номланади.

Ўзбекистон ҳар иккала шартномада ҳам иштирок этмоқда.

Дунё ҳамжамиятида БМТ шафъелигида, ЮНИФЕМ ташкилоти 40 йилдан буён дунёдаги гендер аҳолини ўрганди, бу борада катта таҳлиллар ва тажриба тўпланди. Давлатлар, минтақалар ривожини тадқиқ қилиш шуни кўрсатдики, ривожланиш учун аҳолининг барча қатлами иштирок этмаса, ҳар қандай ислоҳот самарасиз ва натижа кутилгандек бўлмайди. Ривожланиш аёллар иштирокида бўлсагина самарали бўлиши Финляндия, Норвегия, Швеция, Дания, Германия ва Буюк Британия ва бошқа ўнлаб мамлакатлар мисолида ўз исботини топди.

Исландия, Ҳиндистон, Филиппин, Афғонистондаги хотин-қизлар партиялари гендер тенгликни таъминлашда муваффақиятларга эришмоқдалар.

Канада ярим аср давомида Гендер тенглиги бўйича изчил сиёсат юритиб, хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳуқуқий тарғиб қилиш ва ҳимоя қилиш бўйича яхши намуна бўла олади. 1971 йил Канадада ҳукумат жамиятда аёллар иштирокини кўтариш бўйича масъул вазир тайинлади, аёллар ишлари идораси ташкил этилди. Барча ҳокимият бўғинларида аёллар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ масалалар бўйича изчил сиёсатини амалга оширишни таъминлаш учун махсус аёлларга мўлжалланган давлат дастурлари қабул қилиб келмоқда.

Ўзбекистонда гендер тенглигини амалга ошириш тажрибаси. Мустақиллик йилларида хотин қизларнинг аҳолини яхшилаш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилди. Бугун Ўзбекистон аҳолисининг 16,5 млн. аҳолисини хотин-қизлар ташкил қилади, уларнинг потенциалидан фойдаланиш жамият ривожига катта ҳисса олиб келади. Зеро, ҳар қандай жамиятнинг энг катта захираси ва бойлиги бу инсон потенциалидир. Президент Ш.Мирзиёев хотин қизлар масаласида "Ҳозирги кунда ҳар бир хотин-қиз демократик жараёнларнинг кузатувчиси эмас, балки фаол ва ташаббускор иштирокчиси бўлмоғи шарт. Афсуски, биз узоқ вақт бу масалага етарлича эътибор бермасдан, ҳурматли опа-сингилларимизнинг дарду ташвишларига бепарво қараб келганимиз туфайли, йиллар давомида тўпланиб қолган ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш бугун, очигини айтиш керак, осон бўлмапти. Лекин қанчалик қийин ва мураккаб бўлмасин, муҳтарам опа-сингилларимиз учун муносиб иш ва турмуш шароитларини яратиш бериш бўйича биз бор куч ва имкониятларимизни тўла сафарбар этамиз" деб таъкидлаган эди [6].

Мамлакатимизда давлат ва жамоат ташкилотлари тизимида:

Расмий маълумотга кўра, бўлиб ўтган сайловларда фуқаролар томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 150 нафар депутатлари сайланди, уларнинг 48 нафари аёллардир. Шунингдек, 831 нафар вилоят ва Жўқорғи Кенгес депутатлари ҳамда 5 минг 738 нафар шаҳар ва туман депутатлари фуқаролар томонидан сайландилар. Ўзбекистон бўйича жами 6 минг 719 нафар депутатлар ўз фаолиятини бошлади. Уларнинг ҳам кўпчилигини аёллар ташкил этади [9]. Бошқарувдаги ўрни ва қарорлар қабул қилиш даражаси борасида Сенат раиси ва бир неча вилоятлар туманларида аёл ҳокимларнинг фаолият олиб бораётганликларини, кунги кеча эса ташқи алоқалар йўналишида аёл-элчи тайинланганини кузатишимиз мумкин.

1 минг 400 га яқин аёллар раҳбарлик лавозимларида ишламоқда. Хотин-қизларимиз орасидан Олий Мажлис Сенатида - 17 нафар сенатор, Қонунчилик палатасида - 42 нафар депутат фаолият олиб бормоқда.

Маҳаллий кенгашларда эса халқ вакилларининг 23 фоиздан зиёдини хотин-қизлар ташкил этади. Шунинг баробарида мавжуд муаммолар сирасига аёлларнинг фаоллик ва ташаббускорликни ошириш, Аёлларни иш билан таъминлаш, Хотин-қизларнинг замонавий касб-ҳунарларни пухта эгаллаши учун шароит яратиш,

Аёлларнинг ишбилармонлик кўникмаларини ривожлантириш, хотин-қизларни тадбиркорликка кенг жалб этишдан иборат. Хотин қизларимизни замонавий билим ва касб-хунарларга ўргатиш, илм-фан, сиёсат, давлат ва жамият бошқаруви маданият ва санъат, спорт соҳаларига кенг жалб этиш орқали уларнинг қобилияти ва салоҳиятини рўёбга чиқариш муҳим аҳамиятга эга. Шу мақсадларда 2019 йил 2 сентябрда "Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида"ги ва "Хотин қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонунлар қабул қилинди.

"Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида"ги Қонунда хотин-қизлар ва эркакларучун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қуйидагича белгиланди:

Гендер тенглиги соҳадаги норматив-ҳуқуқий базани шакллантириш ва такомиллаштириш;

гендер тенглиги давлат дастурларини, миллий ҳаракатлар режаларини ва стратегияларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш;

хотин-қизлар ва эркакларучун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар маданиятини шакллантириш;

жамият ва давлат ишларини бошқаришда хотин-қизлар ва эркакларнинг тенг иштирок этишини таъминлаш;

меҳнатга оид ва оилавий мажбуриятларни бирга бажаришда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш;

оилани, болаликни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлаш, масъулиятли оналик ва оталикни шакллантириш;

жинс бўйича бевосита ва билвосита камситишга қаратилган ахборотдан жамиятни ҳимоя қилиш;

мазкур соҳадаги давлат дастурларини, миллий ҳаракатлар режаларини ва стратегияларни ишлаб чиқишда нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини жалб этиш;

хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлашга доир чора-тадбирларни Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети ва бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштириш назарда тутилди [7].

Ўзбекистонда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш соҳасидаги давлат бошқаруви - Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига, Ўзбекистон Республикаси Гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича комиссиясига юклатилди. Қонунга кўра, давлат органларида хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш масалалари бўйича ваколатли мансабдор шахс белгиланди. Ваколатли шахснинг мажбуриятларини бажариш давлат органи раҳбарининг ўринбосарларидан бири зиммасига юклатиладиган бўлди.

Ваколатли шахс: хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш ҳолатини таҳлил қилади, гендер сиёсати амалга оширилишини таъминлашга доир вақтинчалик махсус чоралар қўлланилишининг мақсадга мувофиқлигини ўрганади, уларни қўллаш тўғрисида таклифлар киритади; хотин-қизлар ва эркакларучун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш соҳасида гендер кўрсаткичларини таҳлил қилади; жисмоний ва юридик шахсларнинг шу масалалар бўйича мурожаатларни кўриб чиқади, зарур ҳолларда ваколатли органларга хабар беради; хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш масалалари бўйича ходимларнинг касбий даражасини ошириш чораларини кўради; жинс бўйича бевосита ёки билвосита камситишнинг

намоён бўлиш фактларини бартараф этиш юзасидан чоралар кўради [8].

Ҳозирги замон гендер тенглигини таъминлаш мақсадида бир жинс вакилларининг бошқарувда 60% дан ошмаслигини назарда тутлади.

Қонун давлат хизмати соҳасидаги хизмат лавозимларни эгаллаш учун танловларда хотин-қизлар ва эркекларнинг тенг равишда иштирок этиши, ҳамда имкониятлар кафолатлари ва уларни таъминлаш назарда тутилган. Шунингдек, қонун аёлларнинг сайлов ҳуқуқларини амалга оширишда, иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда, меҳнат муносабатларида, жамоа шартномалари ва келишувларида, ижтимоий ҳимоя соҳасида хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатларини ҳам назарда тутлади.

Оилавий муносабатлар ҳамда болалар тарбияси соҳасида хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари,

Уй меҳнатини бажаришда тенг муносабатлар кафолатлари ўз ифодасини топган. Уй меҳнатини бажаришда, жумладан жинс бўйича бевосита ва билвосита камситилиш учун асос бўлиши мумкин эмас, у аёллар ва эркеклар томонидан тенг даражада амалга оширилади.

Хотин қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш мақсадида 2020 -2030 йилларга мўлжалланган мутлақо янги концептуал гендер стратегияси ишлаб чиқилди. Ҳозирги пайтда хотин қизларнинг парламентдаги ва маҳаллий кенгашлардаги вакиллиги кўпайтирилди: давлат бошқарувининг маҳаллий органларига, туман ҳокимлари лавозимларига аёллар тайинлана бошланди.

Парламент юқори палатасида гендер тенглиги масалалари бўйича ишчи органлар ташкил этилди.

Қонунда кўзда тутилган ҳолатларга кўра, бутун мамлакатимиз миқёсида зўравонлик жабрдийдаларига ёрдам кўрсатувчи 200 дан ошиқ хотин-қизларнинг реабилитация марказлари фаолият кўрсата бошлади.

Президент фармонлари билан кам таъминланган ва муҳтож аёлларни уй жой билан таъминлаш амалга оширилмоқда. 2020 йил олий таълимга қизларнинг ўқишга кириш учун 4% лик давлат грантлари ажратилди.

Хотин-қизлар учун янги иш ўринлари яратиш ва иш билан таъминлашнинг қулай механизмлари ишлаб чиқилмоқда, хотин-қизлар билан ишлайдиган нодавлат ноижорат ташкилотларнинг фаоллиги ошди.

Гендер тенгликни таъминлашнинг долзарб масалаларида гендер статистикаси етакчи ўрин тутлади. Биз гендер статистикаси деганда, давлат статистикасининг жамият ҳаёти ва фаолиятининг барча соҳаларида хотин-қизлар ва эркекларнинг ҳолати тўғрисида ҳар бир жинс бўйича алоҳида кўрсатилган маълумотларни ўз ичига олган, ҳар хил жинсдаги шахсларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг барча соҳаларидаги тегишли ҳолатини акс эттирадиган, гендер муаммоларини ва жамиятдаги муносабатларни ёритадиган қисмини тушунамиз. Бундай статистикани мунтазам тақдим қилиш ва уни таҳлил қилиш Ўзбекистонда гендер тенгликни амалга оширишда режалар ва истиқболли йўналишларни белгилаш учун асос бўлади. Бундай маълумотлар очиқ ва ошқора эълон қилиниши, гендер тенглигини таъминлаш учун ресурслар ва маблағларни молиялаштириш учун муҳим омил ҳисобланади.

Яна бир муҳим масала, давлатнинг турли идора ва ташкилотлари, ҳар қандай хусусий тузилмалар шунингдек, кўплаб бошқа бирлашмалар аёллар олдидаги мажбуриятларни бажариши учун ҳисобдорлик ва масъулиятнинг юқори талабларини ўрнатмоқлари лозим.

Кейинги долзарб масалалардан бири, аёлларнинг сиёсатда иштирокини таъминлаш учун қулай имкониятлар жабҳасига сайлов тизимининг такомиллашуви,

сайлов жараёнларида аёл номзодларга тазйиқ ўтказишга йўл қўймаслик каби кўплаб жиҳатлар киради.

Айни пайтда сиёсий партиялар, аёл лидерларни етиштиришда ҳал қилувчи роль ўйнаши лозим.

Сиёсий партияларнинг сайловлардаги пропорционал овози лидер аёллар учун кенг имкониятлар очади. Уйлаймизки, сайлов қонунчилиги бу жиҳатга эътиборни қаратади.

Сиёсий партияларнинг ички тузилмаларида демократияни таъминлаш мақсадида ислоҳ қилиш, аёлларнинг давлат мансабларига ва сайловларда қулай имкониятларни яратишга олиб келади.

Аёллар бўйича партияларнинг аниқ кўзланган стратегияси, ички квоталари, партиянинг етакчи позицияларига аёлларни кўтариш, аёллар бўйича махсус платформалар қабул қилиш партия сиёсатининг ўта муҳим ва устувор жиҳатидир.

Хорижий давлатлар тажрибасида сайловларда пропорционал рўйхат бўйича овоз олиш аёлларнинг вакиллик органларда кўпроқ овоз олишига имконият бермоқда ва бу ижобий тажрибани қўллаш мақсадга мувофиқдир.

Барча сиёсий партияларда аёллар бўйича махсус платформа, йўналиш ёхуд стратегия ишлаб чиқиши, улар гендер тенгликни таъминлаши хизмат қилиши лозим.

Исландия, Швеция, Ҳиндистон, Филиппин, Афғонистондаги хотин-қизлар партиялари гендер тенгликни таъминлашда муваффақиятларга эришмоқда.

Бугун аёлларнинг ҳукумат таркибида бўлиши муҳим омил сифатида баҳоланади. Айнан ижроия ҳокимият пиллапояларида аёлларни қарор қабул жараёнларидан тортиб то маҳаллий бошқарувда тенг иштирокини таъминлаш ниҳоятда катта аҳамият касб этади. Мамлакатимиздаги 19 вазирлик ва 21 давлат қўмитасида раҳбар аёллар 2% ни ташкил қилади ва бундай номуносибликни баргараф этиш чораларини ҳукумат кўриб чиқмоғи даркор. Аёлларнинг сайланадиган ва тайинланадиган лавозимларда бўлиши давлатнинг маъсулияти ва ҳисобдорлигини кучайтиради. Гендер-тенгликни рағбатлантирувчи квоталаш ва резервляш тизими аёлларни мансаб пиллапояларидан кўтаришига ёрдам беради.

Бундай тенгликни бошқарувда таъминлаш учун бошқа институционал механизмларни ҳам ишга солиш лозим. (конкурс тизими, квоталаш, аёл кадрлар захираси).

Етакчи сиёсий партиялар парламентда аёллар ҳаракатларини қўллаши, ҳукуматнинг турли тузилмаларида бундай ёндашувни мувофиқлаштиришлари лозим.

Аёлларнинг давлат бошқарувидаги муҳим мансаб лавозимларини эгаллаши кўп ҳолларда ижтимоий соҳаларни қамрайди. Аёлларнинг бундай соҳалардаги йиғилган жамламаси уларнинг бошқа соҳаларда жумладан, хавфсизлик, бюджет ва ташқи сиёсатга ўз ҳиссасини қўшишга тўсқинлик қилади.

Муҳтасар айтганда, аёл манфаатлари бутун жамият манфаатларига айлантирилгандагина самаралироқ бўлади, гендер тенглигини таъминлаш эса бошқарувда ислоҳ қилишини талаб этади.

Иқтибослар/Сноски/References

1. A History of Woman in West. / Gen. eds. G. Duby, M. Perrot V.I Cambridge (Mass.), 1992.

2. Adeeb Khalid. The Politics of Muslim Cultural Reforms/ Jadidism in Central Asia. Berkley and Los Angeles: University of California Press, 1998.

3. Де Бовуар С. Второй пол. М., 1997. (De Bovuar С. Second sex. М., 1997)

4. Шарлотта Б. Саманта Ф. Права женщин - права человека. Ж. "We/Мы", 1998, №5. (Sharlotta B. Samanta F. The right of woman and and human rights. J. "We/ Мы ", 1998, №5)

5. Обеспечение равенства полов: Политика стран Европы. М.: Идея-Пресс. 2000. (Gender quality: European policies.: М.: Idea-Press. 2000)

6. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Халқаро хотин-қизлар кунига бағишлаб ўтказилган тантанали маросимдаги нутқи // <http://uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-khal-07-03-2019>. (Adress by President of the Republic of Uzbekistan Shavkat Mirziyoyev at the solemn ceremony dedicated to the International Women's Day. /<http://uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-khal-07-03-2019>. (Law of the Republic of Uzbekistan "On guarantees of equal rights and opportunities for women and men" // <https://lex.uz/docs/4494849>)

7. Ўзбекистон Республикасининг "Хотин-қизлар ва эркалар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида"ги Қонуни // <https://lex.uz/docs/4494849>. (Law of the Republic of Uzbekistan "On protection of women from oppression and violence" / <https://lex.uz/docs/4494709>)

8. Ўзбекистон Республикасининг "Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонуни // <https://lex.uz/docs/4494709>. (Law of the Republic of Uzbekistan "On protection of women from oppression and violence" // <https://lex.uz/docs/4494709>)

9. "Сайлов натижалари: аёлларнинг жамиятдаги ўрни ва мавқеи янада ошиб бораётганлигини кўрсатмоқда". 08-01-2020. // <https://nuz.uz/uzbekiston> ("The election results show a further increase in the role and status of women in society". 08.01.2020 / <https://nuz.uz/uzbekiston>)

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

ОЧИЛОВ Бехзод Эргашович,

Проректор по научной работе Кокандского университета,

J.D. (Judicial doctor), доцент

E-mail: bekhzodochilov@gmail.com

ГЕНЕЗИС И ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ СУВЕРЕНИТЕТА И МЕЖДУНАРОДНОЙ ПРАВОСУБЪЕКТНОСТИ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН (ТЕОРЕТИКО-ПРИКЛАДНОЙ АНАЛИЗ)

For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования): ОЧИЛОВ Б.Э. ГЕНЕЗИС И ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ СУВЕРЕНИТЕТА И МЕЖДУНАРОДНОЙ ПРАВОСУБЪЕКТНОСТИ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН (ТЕОРЕТИКО-ПРИКЛАДНОЙ АНАЛИЗ) // Юрист ахборотномаси - Вестник юриста - Lawyer herald. № 2 (2020), С.119-132.



№2 (2020) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2020-2-14>

АННОТАЦИЯ

В настоящей статье раскрыты актуальные научно-теоретические и практико-прикладные вопросы правосубъектности и суверенитета в современном международном праве. При этом с авторских позиций анализируется процесс обретения правосубъектности Узбекистаном и вопросы укрепления суверенитета республики. Основной упор в статье делается на вопросах укрепления и расширения международной правосубъектности и суверенитета Республики Узбекистан. На основе проведенного объективного анализа предложены ряд мер и предложений по укреплению суверенитета и расширению международной правосубъектности Республики Узбекистан.

Ключевые слова: правосубъектность, суверенитет, государственная независимость, Республика Узбекистан, международное право, деликтоспособность, сделкоспособность, субъект международного права.

ОЧИЛОВ Бехзод Эргашович,

Қўқон университети илмий ишлар бўйича проректори,

J.D. (Judicial doctor), доцент

E-mail: bekhzodochilov@gmail.com

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СУВЕРЕНИТЕТИ ВА ХАЛҚАРО ҲУҚУҚИЙ СУБЪЕКТЛИГИНИНГ ГЕНЕЗИСИ ВА РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ (НАЗАРИЙ-ТАДБИҚИЙ ТАҲЛИЛ)

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада ҳозирги замон халқаро ҳуқуқида ҳуқуқий субъектлик ва суверенитетнинг долзарб илмий-назарий ва амалий-тадбиқий масалалари очиб берилган. Бунда муаллифлик ёндашуви асосида Ўзбекистон томонидан ҳуқуқий субъектликка эга бўлиш жараёнлари ва республикамизнинг суверенитетини мустаҳкамлаш масалалари тадқиқ этилган. Мақолада асосий эътибор Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий субъектлиги ва суверенитетини мустаҳкамлаш ва кенгайтириш масалаларига қаратилган. Амалга оширилган объектив таҳлил асосида Ўзбекистон Республикасининг суверенитетини мустаҳкамлаш ва халқаро ҳуқуқий субъектлигини мустаҳкамлаш бўйича қатор чоралар ва тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: ҳуқуқий субъектлик, суверенитет, давлат мустақиллиги, Ўзбекистон Республикаси, халқаро ҳуқуқ, деликт лаёқати, битим лаёқати, халқаро ҳуқуқ субъекти.

OCHILOV Bekhzod,

Vice Rector of the scientific affairs of the Kokand University,
J.D. (Judicial doctor), associate professor
E-mail: bekhzodochilov@gmail.com

GENESIS AND PROSPECTS OF DEVELOPMENT OF SOVEREIGNTY AND INTERNATIONAL LEGAL PERSONALITY OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN (THEORETICAL-APPLIED ANALYSIS)

ANNOTATION

In this article the current scientific-theoretical and practical-applied questions of legal personality and sovereignty in modern international law. In this case, with the author's position at the process of gaining legal personality of Uzbekistan and the strengthening of the sovereignty of our country. The focus of the article is on the issues of strengthening and expansion of the international legal personality and sovereignty of the Republic of Uzbekistan. Based on the objective analysis, a number of measures and proposals have been proposed to strengthen sovereignty and expand the international legal personality of the Republic of Uzbekistan.

Keywords: legal personality, sovereignty, state independence, Republic of Uzbekistan, international law, delictual, ability to conclude the treaty, a subject of international law.

Современная правовая система, будь то национальная или международная, состоит из совокупности отдельных отраслей. Каждая отрасль права - конституционное право, гражданское право, уголовное право, семейное право и др. в своем названии исходят из предмета правового регулирования, т.е. сферы правового регулирования. Только название международного права не несет сферовой принадлежности, (что здесь имеет ввиду автор) указывает на основной субъект международно-правовых отношений - на государства. Таким образом, государства являются не только основными субъектами международного права и акторами международных отношений, но и основным системообразующим элементом всей международной системы.

Современное международное право характеризуется тем, что его участники обладают особым статусом, в связи с чем, можно вести речь о правосубъектности субъектов международного права. Наряду с правоведцами, которые указывают на необходимость использования понятия "правосубъектность", существуют ученые, которые в своих трудах полностью отрицают правосубъектность, считая ее

абсолютно ненужной для науки, обременяющей юриспруденцию [1]. Субъекты международного права - это стороны международных правоотношений, наделенные нормами международного права юридическими правами и субъективными обязательствами. Отсюда следует, что субъекты международного права - это участники международных отношений, обладающие правами и обязанностями, которые установлены международным правом.

Сочетание международной правосубъектности с правами и обязанностями участника реальных международных правоотношений образует понятие юридического статуса (правового положения) соответствующего актора, что позволяет подразделять множество субъектов международного права на ограниченное число категорий - суверенные государства, народы и нации, борющиеся за свою независимость, национально-освободительные движения, международные межгосударственные (межправительственные) организации, государственноподобные [2, С.57] образования, а также физические и юридические лица, объем международной правосубъектности которых существенно ограничен по сравнению с четырьмя первыми категориями акторов.

Субъекты международного права должны обладать юридической способностью самостоятельно участвовать в урегулированных международным правом отношениях, самостоятельно осуществлять свои права и обязанности, установленные международным правом, непосредственно вступать во взаимодействие с другими субъектами международного права. Не находясь под чьей-либо юрисдикцией, субъекты международного права подчинены в своих действиях международному, а не национально-правовому порядку. Для всех субъектов международного права как коллективных образований характерно органическое единство международной правоспособности и дееспособности. Категория недееспособных субъектов международному праву неизвестна. Поэтому при регламентации международно-правового статуса субъекта обычно применяется термин "правоспособность". Так, в ст. 6 Венской конвенции о праве международных договоров 1969 г. говорится, что "каждое государство обладает правоспособностью заключать договоры" [3, С.71]. Сказанное позволяет говорить о наличии у субъектов международного права правоспособности, дееспособности, деликтоспособности, а также сделкоспособности [4, С.56].

Содержание и объем международной правоспособности того или иного субъекта международного права определяется совокупностью тех прав и обязанностей, которыми он наделен в соответствии с международным правом. Эта совокупность складывается из: общих прав и обязанностей, присущих всем субъектам в силу норм общего международного права; специфических прав и обязанностей данной разновидности субъектов международного права, прав и обязанностей данного субъекта (например, какого-то конкретного государства), установленных в двусторонних и многосторонних договорах и соглашениях, участником которых он является. Важно подчеркнуть, что права и обязанности, присущие всем субъектам международного права, определяются в соответствии с основными принципами международного права; эти "общесубъектные" права и обязанности конкретизируются с учетом специфики международного статуса той или иной разновидности субъектов либо статуса определенного, взятого в отдельности субъекта международного права [5, С.87].

Государства долгое время являлись единственными субъектами и творцами международного права. Ныне они продолжают быть таковыми, ибо современное международное право осталось в своей основе правом межгосударственным.

Нормы международного права регулируют преимущественно

межгосударственные отношения, т.е. отношения между государствами, поскольку именно государства обладают рядом весьма важных свойств, которых нет у других субъектов международного права. Отличительным политико-юридическим свойством государства является его суверенитет.

Оперируя термином "государство", международное право его не определяет, но устанавливает, что государства являются особыми, суверенными образованиями и что одним из основных принципов взаимоотношений между ними является принцип суверенного равенства государств.

Как подчеркивается в подготовленном Генеральным секретарем ООН "Обзоре международного права", принцип суверенного равенства государств является "отправным моментом возникновения различных основополагающих принципов международного права, относящихся к поведению государств" [6, С.16]. Данный принцип описывается в Декларации о принципах международного права 1970 г. следующим образом: "Все государства пользуются суверенным равенством. Они имеют одинаковые права и обязанности и являются равноправными членами международного сообщества, независимо от различий экономического, социального, политического или иного характера" [7, С.72]. В связи с этим, профессор Николай Александрович Ушаков совершенно справедливо акцентировал внимание на том, что "этот принцип является как бы исходным началом современного международного права в целом, объединяя в себе два характеризующих каждое государство специфических юридических признака - присущее государству свойство, обозначаемое "суверенитет", и равноправие с другими государствами в международном общении" [8, С.55]. Как справедливо отмечает профессор Борис Михайлович Клименко, "Пока существуют суверенные государства, принцип суверенного равенства будет оставаться важнейшим элементом системы принципов современного международного права. Строгое его соблюдение обеспечивает свободное развитие каждого государства и народа" [9, С.32].

Отметим, что при анализе принципа суверенного равенства государств важно не только раскрыть его юридическое содержание, составные элементы, но и особо важно раскрыть его связи с основными принципами международного права.

В связи с вышесказанным отметим, что пункт 1 ст. 2 Устава Организации Объединенных Наций устанавливает, что "Организация основана на принципах суверенного равенства всех ее членов". Согласно Декларации о принципах МП 1970 г. понятие суверенного равенства включает следующие элементы:

- a) государства юридически равны;
- b) каждое государство пользуется правами, присущими полному суверенитету;
- c) каждое государство обязано уважать правосубъектность других государств;
- d) территориальная целостность и политическая независимость государства неприкосновенны;
- e) каждое государство имеет право свободно выбирать и развивать свои политические, социальные, экономические и культурные системы;
- f) каждое государство обязано выполнять полностью и добросовестно свои международные обязательства и жить в мире с другими государствами [7, С.72].

Одним из элементов принципа суверенного равенства, отмечалось в Шестом комитете Генеральной Ассамблеи ООН, следует назвать "право государства участвовать в обсуждении международных дел и вступать в международные организации и открытые многосторонние договоры, цель и сфера которых являются предметом законного интереса данного государства" [10, С.24].

В рамках международного права все государства-участники имеют равные права

и обязанности. Они будут уважать право друг друга определять и осуществлять по своему усмотрению их отношения с другими государствами согласно международному праву. Они считают, что их границы могут изменяться, в соответствии с международным правом, мирным путем и по договоренности. Они имеют также право принадлежать или не принадлежать к международным организациям, быть или не быть участником двусторонних или многосторонних договоров, включая право быть или не быть участником союзных договоров; они также имеют право на нейтралитет" [7, С.74-75].

Таким образом, отметим, что целью принципа суверенного равенства государств является обеспечение юридически равного участия в международных отношениях всех государств независимо от различия экономического, политического, социального и иного характера.

Государственный суверенитет - это присущее государству верховенство на своей территории и его независимость в сфере международных отношений. Таким свойством обладают исключительно государства, что и предопределяет их главные характерные особенности как основных субъектов международного права. Суверенитет - это способность государства самостоятельно (независимо) осуществлять свои внутренние и внешние права и обязанности. Следовательно, "суверенитет" - это юридическое понятие, отражающее наиболее общие юридические свойства, присущие государству. Юридические признаки суверенитета (верховенство и независимость) выражают подлинные качественные особенности любого государства, проявляющиеся в реальных общественных отношениях. Государство существует как реальная сила, способная осуществлять верховную власть на своей территории и выступать в качестве суверенной независимой организации в международных отношениях.

Присущие государству признаки суверенитета - верховенство и независимость - неразрывно связаны между собой, предопределяют друг друга, являются взаимообусловленными. Без верховенства в пределах государственной территории не существует независимости государства в международных отношениях с другими государствами. Без независимости от других государств неосуществимо и верховенство государства в пределах его территории. Это не препятствует, однако, раздельному рассмотрению сущности указанных юридических признаков (свойств) государства, юридических признаков государственного суверенитета.

Отметим, однако, что изменившиеся политические реалии вызвали в международно-правовой литературе новое серьезное обсуждение проблемы понятия и пределов государственного суверенитета. В результате состоявшейся дискуссии в док-трине сформировалось позитивное отношение к мысли о том, что поиск баланса интересов государств в современном мире должен быть неразрывно связан с "интернационализацией традиционно внутринациональных вопросов, с передачей в общих интересах отдельных прав в международную компетенцию" [11, С.62].

Содержание понятий "внутренняя компетенция государства" и "внутренние дела государства" подвижно. Оно эволюционирует вместе с развитием международных отношений и в соответствии с волеизъявлением самих государств, облеченных в форму международно-правовых норм. Нормы международного права не содержат никаких ограничений или запретов по кругу вопросов, которые могут подвергаться международно-правовому регулированию, если при этом имеет место добровольное согласие взаимодействующих государств и не нарушаются права других субъектов международного права. Поэтому, "хотя те или иные общественные отношения могут не быть предметом международно-правового

регулируемого, препятствием к этому является не суверенитет государств, как таковой, а их нежелание пойти на такое регулирование" [12, С.75].

Шу сабабли нотариал фаолиятни босқичма-босқич хусусий секторга ўтказиш бўйича белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш давлат, жамият ва аҳоли учун манфаатлидир. Нотариал фаолиятни амалга оширишнинг хусусий секторга ўтказиш аҳолига хизмат кўрсатиш тизими сифатини яхшилаш ҳамда бюджет юқини енгиллаштиришни таъминлайди. Шу билан бирга бюджетга тушум миқдори кўпайиши ҳамда жамиятда солиқ маданиятини ошишига ҳам хизмат қилади.

Фикримизча, хусусий нотариал фаолиятни солиққа тортиш амалиёти янгидан жорий этилиши муносабати билан соҳа ходимларини ушбу йўналишда қисқа муддатли онлайн курсларда малакасини ошириш тизимини ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

Иқтибослар/Сноски/References

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июндаги "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида"ги №4947-сонли Фармони. // "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами". 2017 йил 13 февраль, 6-сон, 70-модда. // (Decree of the President of the Republic of Uzbekistan PF №4947 of June 27, 2018 "On approval of the Action Strategy for the five priority areas of development of the Republic of Uzbekistan for 2017-2021." "Collection of Legislation of the Republic of Uzbekistan". February 13, 2017, №. 6, Article 70)

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 сентябрдаги ПФ-5816-сонли "Ўзбекистон Республикасида нотариат тизимини тубдан ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони. // "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2019 йил 16 сентябрь, 37-сон, 676-модда. // (Decree of the President of the Republic of Uzbekistan dated September 9, 2019 № PF-5816 "On measures to radically reform the notarial system in the Republic of Uzbekistan." // "Collection of Legislation of the Republic of Uzbekistan", September 16, 2019, №. 37, Article 676)

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июндаги "Солиқ концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги ПФ-5468-сонли Фармони. // "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2018 йил 2 июль, 26-сон, 509-модда. // (Decree of the President of the Republic of Uzbekistan dated June 27, 2018 №-5468 "On approval of the tax concept". "Collection of Legislation of the Republic of Uzbekistan", July 2, 2018, №. 26, Article 509)

4. "Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2019 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида" Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 24 декабрдаги ЎРҚ-508-сон Қонуни // "Халқ сўзи", 2018 йил 25 декабрь. // (Law of the Republic of Uzbekistan №-508 of December 24, 2018 "On amendments and additions to some legislative acts of the Republic of Uzbekistan in connection with the adoption of the main directions of tax and budget policy for 2019" // "Xalq so'zi", December 25, 2018)

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари ҳамда 2020-2021 йилларга бюджет мўлжаллари тўғрисида"ги ПҚ 4086-сонли қарори // "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2018 йил 31 декабрь, 52-сон, 996-модда. // (Resolution of the President of the Republic of Uzbekistan dated December 26, 2018 №4086 "On the forecast of key macroeconomic indicators and parameters of the State Budget of the Republic of Uzbekistan for 2019 and budget targets for 2020-2021" // "Collection of Legislation of the Republic of Uzbekistan", December 31, 2018, №. 52, Article 996)

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги ПФ-4947-сонли Фармони. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2017 йил 13 февраль, 6-сон, 70-модда. // (Decree of the President of the Republic of Uzbekistan №-4947 of February 7, 2017 "On the Action Strategy for the further development of the Republic of Uzbekistan." // Collection of Legislation of the Republic of Uzbekistan ", February 13, 2017, №. 6, Article 70)

7. Ўзбекистон Республикасининг "Нотариат тўғрисида"ги Қонуни. // "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси", 1997 йил, 2-сон, 42-модда. // (Law of the Republic of Uzbekistan "On notaries". // "Bulletin of the Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan", 1997, №2, Article 42)

8. Ўзбекистон Республикасининг "Давлат божи тўғрисида"ги Қонуни. // "Халқ сўзи", 2020 йил 7 январь. // (Law of the Republic of Uzbekistan "On State Duty". // "Xalq so'zi", January 7, 2020)

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

ҲУҚУҚИЙ АМАЛИЁТ ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА

ТОШҚУЛОВ Журабой Ўринбоевич,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси профессори,
юридик фанлар доктори
УМИДУЛЛАЕВ Қаҳрамон Усманович
юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)
E-mail: umidullayev78@inbox.ru

ҲУДУДЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШИНИ РЕЙТИНГ БАҲОЛАШНИНГ МУҲИМ ЖИҲАТЛАРИ

For citation (иқтибос келтириш учун, для цитирования): ТОШҚУЛОВ Ж.Ў.,
УМИДУЛЛАЕВ Қ.У. ҲУДУДЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ
РИВОЖЛАНИШИНИ РЕЙТИНГ БАҲОЛАШНИНГ МУҲИМ ЖИҲАТЛАРИ /
/ Юрист ахборотномаси - Вестник юриста - Lawyer herald. № 2 (2020), Б.141-148.

 №2 (2020) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2020-2-16>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада асосий эътибор Ўзбекистон Республикасининг ҳудудлари яъни вилоят, туман ва шаҳарларни ижтимоий-иқтисодий ривожланишини рейтинг баҳолаш тартибининг муҳим жиҳатларини ёритиб беришга қаратилган. Мақолада ҳудудлар фаолиятини баҳолаш бўйича айрим хорижлик олимларнинг фикр мулоҳазалари ўрганиб таҳлил қилинган. Шунингдек, ўрганиш натижаларига асосланган ҳолда ҳудудларни баҳолашнинг методикаси ва мезонлари юзасидан айрим таклиф ва тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: ҳудудлар, фаолият, рейтинг, баҳолаш, методика, мезон, самарадорлик, кўрсаткич

ТОШҚУЛОВ Журабой Уринбоевич.
Профессор Международной исламской академии Узбекистана,
доктор юридических наук
УМИДУЛЛАЕВ Қаҳрамон Усманович,
доктор философии по юридическим наукам (PhD)
E-mail: umidullayev78@inbox.ru

ВАЖНЫЕ АСПЕКТЫ ОЦЕНКИ РЕЙТИНГОВОЙ СИСТЕМЫ СОЦИАЛЬНО-ЭКОНОМИЧЕСКОГО РАЗВИТИЯ РЕГИОНОВ

АННОТАЦИЯ

В данной статье основное внимание уделяется на важные аспекты социально-экономического развития регионов Республики Узбекистан, в том числе областей, районов и городов. В статье проанализированы и изучены труды зарубежных ученых в которых особое место занимает оценка деятельности регионов. На основании результатов даны некоторые предложения и рекомендации по методологии и критериям оценки регионов.

Ключевые слова: территории, деятельность, рейтинг, оценка, методология, критерии, эффективность, показатель.

TOSHKULOV Juraboy,

Professor of the International Islamic Academy of Uzbekistan,
Doctor of Law Sciences

UMIDULLOYEV Khahramon,

Doctor of Philosophy (PhD) in Law
E-mail: umidullayev78@inbox.ru

IMPORTANT FACTORS OF THE RATING OF SOCIO-ECONOMIC DEVELOPMENT OF REGIONS

ANNOTATION

The article focuses on the important factors of the ranking of socio-economic development of region(districts and cities)s in Republic of Uzbekistan. The article analyzes the views of some foreign scholars on the evaluation of regions. Moreover, based on the results of the study, some suggestions and recommendations on the methodology and criteria for evaluation the regions were provided.

Keywords: regions, activities, evaluation, methodology, criteria, efficiency, indicator

Маълумки мамлакатимиз ҳудудларини янада ривожлантиришга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар олиб борилмоқда. Мазкур ислоҳотлардан кўзланган асосий мақсад мамлакатимизнинг барча ҳудудларини барабар ва барқарор ривожлантириш, қишлоқларда ҳам шаҳардан кам бўлмаган шароитлар яратиш, янги иш ўринларини ташкил қилиш, аҳолининг дарамадлари манбаларини кўпайтириш, аҳоли ўртасида мулкий тенгсизликнинг кескин тус олишига шароит яратмасликдан иборат.

Давлатимиз раҳбари Ш.М.Мирзиёевнинг "...ҳудудларни, айниқса, қолоқ шаҳар ва туманларни комплекс ривожлантиришга доир энг муҳим устувор вазифани амалга ошириш заруратидан келиб чиқилди. Агар ҳудудларнинг аҳоли жон бошига тўғри келадиган кўрсаткичларини солиштирсак, улар кун ва тундек бирбиридан фарқ қилади" [1, Б.49] деб таъкидлаганлари соҳага тегишли ишларнинг кўлами ва амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар нақадар муҳимлигини англатади.

Ҳозирда мамлакатимиз ҳудудларини ҳар томонлама ривожлантиришга қаратилган кўплаб норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди ва қилинмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 1 майдаги "Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш тўғрисида"ги 4702-сонли қарорида [2] барқарор ва мутаносиб иқтисодий тараққиётни таъминлаш, иқтисодий ислоҳотлар самарадорлигига эришиш;

янги иш ўринлари яратиш, ишсизликни камайитириш ва меҳнат бозори самарадорлигини таъминлаш;

ижтимоий хизматлардан фойдаланиш имкониятларини ошириш ва аҳоли турмуш сифатини яхшилаш;

аҳоли ва бизнес учун зарур шарт-шароитлар яратиш, ишлаб чиқариш инфратузилмасининг барқарорлиги ҳамда ишончлилигини таъминлаш;

худудларнинг рақобатбардошлик даражасини ошириш, уларнинг иқтисодиётини янада диверсификация қилиш;

ишбилармонлик муҳити сифатини яхшилаш, тадбиркорликни доимий қўллаб-қувватлаш ва жадал ривожлантириш;

худудларнинг молиявий мустақиллигига эришиш ҳамда банк-молия соҳасини ривожлантириш;

маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг фуқаролар муурожаатлари билан ишлаш самарадорлиги ва маълумотларнинг очикчилигини ошириш каби мезонлар белгиланган. Мамлакатимиз худудларида амалга оширилаётган ишлар самарадорлигини баҳолаш мезонларини танлашда энг муҳим ва устувор масалаларни эътибордан четда қолдирмаслик лозим.

Шу ўринда Президентимизнинг "Умуман олганда, бундан кейин вазирлик ва идоралар, хўжалик бирлашмалари раҳбарлари ва ҳокимларнинг фаолияти натижаси қуруқ иқтисодий рақамлар билан эмас, балки уларнинг одамлар билан қандай мулоқот олиб бораётгани ва ишни ташкил этгани, фуқароларнинг муаммоларини қай даражада ҳал қилаётганига қараб баҳоланади ва тегишли хулосалар чиқарилади" [3, Б.19] деб таъкидлаганлари ижро органлари фаолиятини баҳолашда қайси соҳаларга эътибор қаратиш лозимлигини кўрсатади.

Шунингдек, давлат бошқаруви органлари фаолияти самарадорлигини баҳолаш борасида ривожланган давлатларда олиб борилаётган амалий ишлар билан бир қаторда шу соҳада қилинаётган илмий тадқиқотлар билан ҳам танишиб бориш юртимизда янгидан жорий этилаётган баҳолаш тизимини ривожлантириш, баҳолашнинг аниқ мақсадлари ва мезонларини белгилаб олиш ва тизимдан кутилган натижанинг самарадорлигини таъминлашга амалий замин яратади.

Ҳозирда давлат, унинг марказий бошқаруви органлари ҳамда худудларни ривожлантиришда улар фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш борасида бир қатор назарий ва методологик ёндашувлар мавжуд.

1. Етакчилик концепциясига асосланган ёндашув. Ушбу йўналишнинг вакиллари самарадорликни етакчилик қобилиятлари, бошқарув услуги, раҳбарларнинг индивидуал хусусиятлари, иш фаолиятини баҳолаш, мотивация ва давлат хизматчиларининг касбий ривожланиши билан боғлайди.

2. Англосаксон назарияси бўйича ривожлантирилган ёндашув. Мазкур ёндашув нуқтаи назаридан иерархик структурага, функционал ихтисослашувга, давлат хизматчиларининг касбий фаолиятини тартибга солишнинг аниқ принциплари мавжудлигига эътибор қаратилади. Ушбу назария тарафдорлари самарали ишлаш учун зарур шарт-шароитлар лозим деб ҳисоблашади.

3. Ҳаёт даврийлиги назарияси билан боғлиқ фаолият самарадорлиги бўйича ёндашув. Давлат бошқарувининг самарадорлигини доимий ва даврий равишда ташкил этувчи иштирокчилар ёки ҳукумат таркибидаги гуруҳлар таъсирини баҳолаш билан биргаликда кўриб чиқишдан иборат.

4. Касбийлик концепцияси доирасида самарали фаолият. Давлат органларининг касбий малакасига, малакали мансабдор шахсларнинг мавжудлиги, уларнинг касбий маҳорати ва малакавий даражасига боғлиқ.

5. Давлат органлари самарадорлигини ошириш. Давлат органлари ўртасида рақобат механизми, ижтимоий-сиёсий ҳисобдорликнинг мавжудлиги.

6. Ўзгаришларга мослашиш, яъни давлат органларидаги ўзгаришлар ва янгиликларни бошқариш қобилиятига боғлиқ бўлган экологик (ташкилот экологияси) ёндашув.

7. Сифатли бошқариш концепцияси асосида ёндашув. Ушбу ёндашув доирасида асосий эътибор давлат ҳокимияти органларида бошқарув жараёнлари ва давлат хизматларини узлуксиз такомиллаштириш тизимини яратишга қаратилади. Жумладан,

- давлат хизматчиларини ушбу фаолиятга жалб қилиш, уларнинг ижодий салоҳиятидан максимал фойдаланиш ва уларнинг гуруҳ ишларини ташкил этилади;
- сифат менежменти давлат органларининг салоҳияти ва фаолият натижалари ўртасидаги ўзаро боғлиқликка эришилади, стратегик мақсадлар билан доимий алоқадорлик таъминланади. Ходимларни жараёнларга жалб қилиш, уларни ўқитиш, малакасини ошириш ва рағбатлантиришга алоҳида эътибор берилади.

Ушбу ёндашувларнинг ҳар бири ўзига ҳос бўлиб, улардан қайсиларини танлаш давлат тузилиши ва унинг бошқарув органларининг фаолияти ва хусусиятларига қараб турлича бўлиши мумкин. Ҳар бир давлатнинг фақат ўзига ҳос бўлган жиҳатларини ҳам эътибордан четда қолдирмаслик керак. Чунки бир давлатда самара берган ёндашув бошқасида қутилган натижани бермаслиги мумкин. Бизнинг назаримизда ҳеч қайси бир давлатнинг ёндашувларини гарчи у самарали бўлсада, тўғридан тўғри кўчириб олиш мумкин эмас. Чунки кўр кўрона нусха кўчириш самарасиз бўлиб, хатто у мувофақиятсизликка ҳам сабаб бўлиши мумкин.

Ҳудудларни рейтинг баҳолаш аниқ белгилаб олинган методика ва мезонлар асосида амалга оширилиши зарур. Ҳудудларни рейтинг баҳолаш методикасининг мақсади ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга эришиш учун маҳаллий ижро ҳокимияти органлари раҳбарларининг масъулиятини белгиловчи кўрсаткичлар тизимини белгилашдир. Маҳаллий ижро ҳокимияти органлари фаолиятини баҳолаш методикасининг мақсадларидан яна бири ҳудудлар самарадорлигини таҳлил қилиш асосида бошқарувни янада такомиллаштириш ва сифатли қарорлар қабул қилишга, ва уларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлашга қаратилган. Кузатиш ва мониторинг баҳолаш методикасининг ажралмас қисми бўлиб, натижаларни таҳлил қилиш ва қайта ишлаш имконини беради.

Шу соҳада илмий изланишлар олиб борган Г.В. Атаманчукнинг фикрига кўра, самарадорликни аниқлашда назарий ва методологик ёндашувларнинг таҳлили, одатда, иқтисодий ва ижтимоий самарадорликни аниқлашга қаратилган. Бу турдаги самарадорлик, албатта, бир-бирига ўзаро боғлиқ. Давлат бошқаруви самарадорлигини таҳлил қилганда, ижтимоий таъсир алоҳида аҳамиятга эга. Ижтимоий таъсирнинг моҳияти шундаки, у барқарор, такрорланадиган, мунтазам, кейинги ижтимоий ривожланиш учун манба бўлиши керак [4, Б.303].

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, баҳолаш мезонларини танлашда аниқликка риоя қилиш, баҳоланаётган орган ваколатига тегишли вазифа эканлигига эътибор қаратиш лозим. Мезонлар сони қанчалик кўп ва баҳолаш методикаси мураккаб бўлса, шунчалик ноаниқлик ва хатоликларни келтириб чиқаради. Шу билан бир қаторда фикримизга кўра, давлат бошқаруви органлари фаолиятини баҳолашда Жаҳон банкининг GRICS кўрсаткичлари, яъни давлат бошқаруви самарадорлиги мезонларини ҳам инobatга олиш лозим. Бу Ўзбекистон Республикасининг барқарор ривожланиши билан бирга Халқаро рейтингдаги ўрнини ҳам яхшилланишига хизмат қилади. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 июлдаги "Жаҳон банки ва халқаро молия корпорациясининг "Бизнес юритиш" йиллик ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг рейтингини янада яхшилаш чоратadbирлари тўғрисида"ги ПҚ-3852-сонли қарори [5] қабул қилинган. Натижада ушбу қарордан кўзланган мақсадга эришиш жараёнларини ривожлантиришга амалий замин яратилади.

Самарадорликни баҳолашда фаолиятнинг стратегик мақсадларга асосланганлигини таҳлил қилиш муҳим аҳамият касб этади. Мувоzanатли кўрсаткичлар тизими асосий стратегик муаммоларни бир нечта асосий жиҳатлар билан таҳлил қилиш имконни беради:

молиявий фаолият;

истеъмолчилар билан муносабатлар;

ички маъмурий жараёнларни ташкил этиш;

давлат хизматчиларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, замон талабларидан келиб чиқиб фаолиятини йўналтириш кабиларга эътибор қаратиш муҳим ҳисобланади.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, ижро органлари ходимлари фаолияти самарадорлигини баҳолаш уларнинг иш ҳақини фарқлаш, яъни уларга меҳнатига қараб ҳақ тўлаш имкони ҳам беради. Ҳозирда меҳнатга қараб ҳақ тўлаш тизими деморатик давлат бошқарувининг талабларидан бирига айланмоқда.

Давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг самарадорлиги тўғридан-тўғри натижаларга эришиш кўрсаткичлари ҳамда якуний таъсир кўрсаткичларини ўз ичига олади. Тўғридан-тўғри натижаларга эришиш кўрсаткичлари маъмурий фаолият натижалари, маъмурий органларнинг ваколоти ва улар бажарадиган функцияларнинг табиати бўйича аниқланади. Якуний таъсир кўрсаткичлари ҳудудларда режалаштирилган мақсадларга эришиш билан боғлиқ. Якуний кўрсаткич тақдим этилаётган хизматлар ҳамда ижро этувчи органнинг фаолиятдан қониқиш даражаси ҳисобланади.

Шу соҳада илмий изланишлар олиб борган Н. Гегедюш, М. Мокеев, Е. Масленниковалар самарадорликни баҳолашда:

ишлаш кўрсаткичлари тизимини танлаш;

самарадорликнинг стандартлари ва тартибларини ишлаб чиқиш;

ишлаш кўрсаткичларини аниқлаш;

самарадорликнинг ҳақиқий ҳолатини ушбу стандартлар талабларига солиштириш лозимлигини таъкидлашади [6, Б.183]. Уларнинг фикрига кўра, кўрсаткичлар қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

1) кўрсаткичлар ваколатли орган томонидан ишлаб чиқилган ва мақсадларга бевосита тегишли бўлиши керак;

2) аниқ ва тушунарли бўлиши, улардан фойдаланишнинг соддалиги, маълумотларни йиғиш ва таққослашни таъминлаш учун кўрсаткич аниқ белгиланиши лозим. Кўрсаткичлар яхшиланаётган ёки аксинча, ёмонлашаётган жараённи ўзида акс эттириши керак;

3) таққослаш - ҳақиқий кўрсаткичларни (белгиланган вақт ичида) таққослаши керак;

4) тасдиқланиш - кўрсаткичлар, уларнинг қийматлари (йиғилган ва ҳисобланган маълумотлар) текширилиши учун шакллантирилиши керак. Иложи бўлса, улар ҳисоб-китобларда ишлатиладиган статистик усулларнинг тавсифи билан бирга бўлиши керак;

5) статистик ишонччилик - кўрсаткичларни ишончли манбалардан олиш, тизимига асосланган бўлиши ва ҳисоблаш усуллари ишончли бўлиши керак;

6) иқтисодий мақсадга мувофиқлиги - маълумотлар йиғиш харажатлари ва ушбу маълумотларнинг фойдаси ўртасида оқилона боғлиқликнинг мавжудлиги;

7) сезгирлик - кўрсаткичлар ўзгаришларга тезда жавоб бериши керак;

8) ички йўқотишларнинг йўқлиги - кўрсаткичларни ишлаб чиқишда, уларнинг қайси турдаги ҳаракатни рағбатлантириши кераклигини ҳисобга олиш лозим. Кўрсаткичларни аниқ белгилаш лозим. Акс ҳолда, ходимларнинг нотўғри ҳатти-ҳаракатларига олиб келиши мумкин;

9) инновацияларга нисбатан мослашувчанлик - инновациялар, хизматлар сифати ва миқдорини яхшилаш учун муқобил услублар тизимлар ёки жараёнларни жорий этишга тўсқинлик қилмаслиги керак;

10) янгилашиш тезлиги - кўрсаткичларда қарор қабул қилиш учун етарли даражада асос ҳамда ишончли маълумотлар бўлиши керак. Акс ҳолда эскирган ёки номаъқул маълумотлар асосида қарор қабул қилиш хавфи мавжуд.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, давлат бошқаруви органлари фаолиятини мезонлар асосида рейтинг баҳолаш тизими бўйича олимлар, амалиётчилар ва экспертлар томонидан билдирилган кўплаб ижобий фикрлар билан бирга, айрим танқидий фикр ва мулоҳазалар мавжуд. Хусусан, шу соҳада илмий тадқиқот ишлари олиб борган олим Х. Волманн самарадорликни баҳолаш жараёни ва методикаси мураккаблигини таъкидлайди. Унинг фикрига кўра, ҳисоблаш имкониятлари чекланганлиги сабабли таҳлил фаолиятининг шаффофлигини таъминлаш қийин [7, Б.95].

Тадқиқотчи А. Клименко ижро органлари фаолиятини баҳолаш тизими ҳақида фикр юритиб, Россия Федерацияси ижро ҳокимиятини модернизация қилишнинг деярли барча йўналишлари жаҳоннинг энг яхши амалиётига мос келса-да, кўзланган мақсадга эриша олмаётгани ҳақида ёзади [8]. Аммо кўплаб амалиётчилар, экспертлар ва олимларнинг фикрига кўра, шунингдек, Федерация ҳукуматининг йиғилишларида рейтинг баҳолаш тизимининг имкониятлари ва афзалликлари ҳамда эришилаётган амалий натижалар тўғрисида кўплаб ижобий фикрлар билдирилмоқда.

Бундан ташқари, юртимизда янгидан жорий этилаётган ҳудудларни рейтинг баҳолаш тизимини аввало ҳар томонлама ўрганиш, чуқур таҳлил қилиш, энг мақбул методика ва мезонларни белгилаб олиш талаб этилади.

Ҳозирда ижро органлари фаолияти самарадорлигини баҳолаш тизими жорий этилган аксарият давлатларда қуйидагиларга эътибор қаратилмоқда:

1. Стратегик мақсад ва вазифаларни амалга ошириш: марказий давлат органларининг стратегик режалари ва маҳаллий ижро ҳокимияти органлари томонидан ҳудудларни ривожлантириш дастурларини режалаштириш ва амалга ошириш сифатига баҳо бериш.

2. Мамлакат раҳбарияти томонидан чиқарилган ижро ҳужжатларини ўз вақтида ва сифатли бажариш.

3. Бюджет маблағларини бошқариш: баҳолаш давлат органлари бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини аниқлашга қаратиш.

4. Давлат хизматларини кўрсатиш: фуқароларга арзон ва сифатли давлат хизматларини кўрсатиш, шу жумладан, соҳада электрон тизимдан фойдаланиш самарадорлигини аниқлаш мақсадида ўтказиш.

5. Инсон ресурсларини бошқариш: давлат хизматларида инсон ресурсларини ривожлантириш бўйича чора-тадбирларнинг самарадорлигини баҳолаш.

6. Ахборот технологияларини қўллаш: давлат органларининг функцияларини автоматлаштириш, идораларо ахборот тизимларидан фойдаланиш ва айрим давлат органларининг ахборот тизимларини интеграциялаш.

7. Давлат органларини ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш: давлат органлари фаолияти самарадорлигини баҳолаш жараёнида уларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини ҳуқуқий назорат қилиш.

Давлат органлари фаолиятини баҳолаш тизимида инсон омили аралашувини имкон қадар камайтириш, баҳолаш жараёнларда ахборот технологияларини кенг жорий этиш муҳим ҳисобланади. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ҳудудлар самарадорлигини мезонлар асосида баҳолаш яқунлари бўйича маълумотларни

электрон базага қайси орган томонидан киритилиши, киритилган маълумотларнинг ҳаққонийлиги таъминланганлиги, маълумотлар ишончли ва ваколатли органлар томонидан олинганлиги баҳолаш тизимининг энг муҳим қисмидир. Бизнинг фикримизга кўра, баҳолаш жараёнларида давлат органлари билан бир қаторда, жамоатчилик вакилларининг ҳам иштирок этиши тизим шаффофлигини таъминлайди.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, рейтинг баҳолаш тизими шуниси билан аҳамиятлики, баҳоланаётган орган раҳбарларида боқимандалик, лоқайдлик, ўзибўларчилик каби иллатларга берилишга йўл бермайди. Баҳолаш мезонлари рўхатига киритилган соҳаларнинг биронтасини назардан четда қолдира олмайди. Худудларда барча соҳалар бир вақтида, бир-биридан орқада қолмасдан ривожланиб боришининг кафили бўлади. Бу эса, ўз навбатида, давлатимизнинг ҳар томонлама ривожланиши учун амалий замин яратади. Худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожланишини рейтинг баҳолаш тизимида ҳар бир соҳани алоҳида-алоҳида таҳлил қилиб бориш имконияти мавжуд. Самарадорликни рейтинг баҳолаш - тизимда фаолият юритаётган ходимларнинг иши натижадорлигини таъминлаш билан бирга, худудларда соғлом рақобат муҳитини яратади ва натижада мамлакат тараққиётини таъминлашга хизмат қилади. Шунинг билан бир қаторда баҳолаш мезонларини давлат ва мамлакат барча аҳоли қатламлари манфаатларини инобатга олган ҳолда йилдан-йилга такомиллаштириб, ривожлантириб бориш лозим.

Хорижий мамлакатлар тажрибаси баҳолашда имкон қадар инсон омили аралашувини камайтириш лозимлигини кўрсатади. Баҳолашнинг электрон тизими маълумотларни тез ва сифатли қайта ишлаш имконини беради. Қоғоз шаклидаги маълумотлар кўп миқдорда ҳужжатларни талаб қилади ва аксарият ҳолларда маълумотлар кечикишига сабаб бўлади. Бу аниқ ҳисоб-китоб ва хулоса қилиш имконини бермайди. Давлат органлари фаолиятини баҳолаш хизматини ахборотлаштириш давлат хизматларини кўрсатишда шаффофлик, тезкорлик билан бирга, меҳнат харажатларини ҳам камайтирди. Ахборот олиш имкониятининг мавжудлиги ва ахборотнинг ҳаққонийлиги демократик бошқарув тизимининг муҳим қисмидир. Баҳолаш тизими меҳнатга қараб ҳақ тўлаш, давлат хизматчиларини вазифага тайинлашда уларнинг эришган ютуқларига асосланиш, кадрлар билан боғлиқ жараёнларда инсон омили аралашувини камайтириш имкониятини беради.

Иқтибослар/Сноски/References

1. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳарбир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. -Т.: Ўзбекистон, 2017. - Б. 49. (Mirziyoev Sh.M. Critical analysis, strict discipline and personal responsibility should be the daily routine of every leader. -Т.: Uzbekistan, 2017. - 49 p)

2. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. - Т.: Ўзбекистон, 2016. - Б. 19. (Mirziyoev Sh. M. We will build together a free and prosperous, democratic state of Uzbekistan. - Т.: Uzbekistan, 2016. - 19.p)

3. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 02.05.2020 й., 07/20/4702/0528-сон. // <https://lex.uz/docs/4803531>. (National database of legal documents, 02.05.2020, 07/20/4702/0528. <https://lex.uz/docs/4803531>)

4. Атаманчук Г.В. Государственное управление (организационно-функциональные вопросы): учебное пособие. - М.: НПО "Экономика", 2000. - С. 303. (Atamanchuk G.V. Public administration (organizational and functional issues): a training manual. - М.: NPO "Economics", 2000. - P. 303)

5. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси (www.lex.uz), 2018 йил 14 июль, // "Халқ сўзи", 2018 йил 14 июль (5. National Database of Legal Documents (www.lex.uz), July 14, 2018, // "Xalq So"zi", July 14, 2018)

6. Гегедюш Н., Мокеев М., Масленникова Е. Государственное и муниципальное управление: конспект лекций. - М.: Издательство Юрайт, 2010. - 183 с. (Gegedyush N., Mokeev M., Maslennikova E. State and municipal administration: lecture notes. - M.: Yurayt Publishing House, 2010. - 183 p.)

7. Вольманн Х. Оценивание реформ государственного управления: "третья волна" // Социологические исследования. 2010. № 10. С. 95. (Wolmann H. Evaluation of public administration reforms: the "third wave" // Sociological studies. 2010. No. 10. P. 95.)

8. Клименко А.В. Модернизация функционала исполнительной власти и ее результаты: доклад на семинаре "Проблемы современного государственного управления в РФ" 22 мая 2009 г. // Интернет-сайт Центра проблемного анализа и государственно-управленческого проектирования // URL: http://www.rusrand.ru/about/news/news_361.html. (Klimenko A.V. Modernization of the functional of the executive branch and its results: report at the seminar "Problems of Modern Public Administration in the Russian Federation" May 22, 2009 // Website of the Center for Problem Analysis and Public Administration Design // URL: http://www.rusrand.ru/about/news/news_361.html)

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ ВЕСТНИК ЮРИСТА LAWYER HERALD

ERKABAeva Shakhnoza,
Paralegal at Law firm "QONUN HUQUQ VA HIMOYA"
Email: shakhnozaerkabaeva@yandex.ru

THE LEGAL STATUS OF PARTNERSHIPS IN SEVERAL DEVELOPED COUNTRIES AND THE LIABILITY ISSUES IN PARTNERSHIPS

For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования): ERKABAeva Sh. THE LEGAL STATUS OF PARTNERSHIPS IN SEVERAL DEVELOPED COUNTRIES AND THE LIABILITY ISSUES IN PARTNERSHIPS // Юрист ахборотномаси - Вестник юриста - Lawyer herald. № 2 (2020), P.149-154.

 №2 (2020) DOI <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9416-2020-2-17>

ANNOTATION

This article provides a thorough investigation of liability issues in partnerships, existing in national and foreign legislations based on the scientific views of scientists and a comparative-legal analysis of legal systems of the United Kingdom and the USA, Russia and the Republic of Uzbekistan. Moreover, it investigates special features of the liability of the partners together with identifying the advantages and disadvantages of subsidiary liability of general partners and limited liability of limited partners. Additionally, taking into account the importance of liability issues in decision making of investors, this article provides suggestions for the improvement of the liability issues by introducing several changes into the legislation regulating the liability issues in partnerships.

Keywords: a limited partnership, an investment partnership, a business partnership, a general (full) partner, a limited partner, special partnerships, a partnership agreement, limited liability, subsidiary liability.

ЭРКАБАЕВА Шахноза Икромжоновна,
"QONUN HUQUQ VA HIMOYA" адвокатлик фирмаси, адвокат ёрдамчиси
Email: shakhnozaerkabaeva@yandex.ru

АЙРИМ РИВОЖЛАНГАН МАМЛАКАТЛАРДА ШИРКАТЛАРНИНГ МАҚОМИ ВА ШИРКАТЛАРДА ЖАВОБГАРЛИК МАСАЛАЛАРИ

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада олимларнинг илмий нуқтайи-назарлари ҳамда Буюк Британия ва АҚШ, Россия ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий тартиботларининг қиёсий-ҳуқуқий таҳлили асосида миллий ва хорижий қонунчиликда акс этган

ширкатлардаги жавобгарлик масалалари чуқур таҳлил қилинади. Шунингдек, ушбу мақолада шериклар жавобгарлигининг ўзига хос хусусиятлари ўрганилган ҳамда тўлиқ шерикларнинг субсидиар жавобгарлиги ва чекланган шерикларнинг чекланган жавобгарлигининг афзалликлари ҳамда камчиликлари еритилган. Шунингдек назардан, жавобгарлик масалалари инвесторларнинг қарор қабул қилишида муҳим аҳамият касб этишини инобатга олган ҳолда, ушбу мақолада ширкатлардаги жавобгарлик масалаларини ислоҳ қилиш ҳамда тегишли қонунчилик ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш бўйича таклифлар берилади.

Калит сўзлар: чекланган ширкат, инвестицион ширкат, хўжалик ширкати, бошқарувчи (тўлиқ) шерик, чекланган шерик, коммандит ширкатлар, шерикчилик шартномаси, чекланган жавобгарлик, субсидиар жавобгарлик.

Эркабаева Шахноза Икромжоновна

Помощник адвоката в АФ "QONUN HUQUQ VA HIMOYA"

Email: shakhnozaerkabaeva@yandex.ru

ПРАВОВОЙ СТАТУС ПАРТНЕРСТВ В НЕКОТОРЫХ РАЗВИТЫХ СТРАНАХ И ВОПРОСЫ ОТВЕТСТВЕННОСТИ ПАРТНЕРСТВА

АННОТАЦИЯ

В данной статье анализируются вопросы ответственности в партнерствах, существующих в национальном и зарубежном законодательствах на основании научных работ ученых и сравнительно-правового анализа правовых систем Великобритании, США, России и Узбекистана. Кроме этого, в статье изучены особенности ответственности товариществ, а также определены преимущества и недостатки субсидиарной ответственности полных и ограниченной ответственности товариществ. Принимая во внимание важность вопроса ответственности в принятии решения инвесторами, в статье изложены предложения по совершенствованию вопросов ответственности, путем внесения изменений в законодательные акты, регулирующие деятельность товариществ.

Ключевые слова: ограниченное партнерство, инвестиционное товарищество, хозяйственное товарищество, управляющий (полный) товарищ, ограниченный партнер, коммандитные товарищества, соглашение о партнерстве, ограниченная ответственность, субсидиарная ответственность.

Nowadays, as it is mentioned in the Decree of the President of the Republic of Uzbekistan No.5583 "On additional measures on improvement of mechanisms of financing projects in the field of entrepreneurship and innovation" dated on November 24, 2018(<http://lex.uz/docs/4076954>), the foremost activities that should be carried out in order to improve investment climate in the Republic of Uzbekistan, comprise the expansion of existing mechanisms and sources of innovative financing, development of market institutions for the commercialization of innovative products and services, encouragement of private sector participation in the financing of the scientific and technological development, particularly the attraction of a wide range of private national and foreign investors to finance innovative projects, etc. [1]

However, it should be admitted that the first and the most important issue influencing the decision making of investors before allocating their assets in order to finance any investment or innovative project, is the liability issues, i.e. to what extent they will be liable in case of occurrence the indebtedness of the business entity running the project. Therefore, it is of a paramount importance to investigate thoroughly the liability issues

in limited partnerships, which are widely developed in both Common law countries and Continental law countries, and investment partnerships, which are becoming more and more popular among business entities in Russian Federation as well as make a comparative analysis with business partnerships in the Republic of Uzbekistan, which include general (full) partnerships and special partnerships.

Regarding the liability issues in limited partnerships, it should be noticed that the liability in a limited partnership is considered as a special feature of the partnership. Because the name itself gives us a notion that not all of the partners have the same rights or obligations, consequently the extent of their liability for the obligations of the partnership is also not equal. Having learned previously from Limited Partnership Act of 1907, it can be stated the general partners have unlimited liability, while limited partners have limited liability. It means that, as it is stated in Article 4 of this Act, general partners are liable for all debts and obligations of the partnerships, while limited partners are liable for the debts or obligations of the partnership to the extent of the amount contributed to the partnership while entering as a partner [2, Section 4].

However, there are some cases, indicated by this Act, determining the subsidiary liability of the limited partners. Particularly, part 3 of Article 4 states that in case the limited partner during the continuance of the partnership, either directly or indirectly, draw out or receive back any part of his contribution, he shall be liable for the debts and obligations of the partnership up to the amount so drawn out or received back. Moreover, Article 6 determines that if a limited partner takes part in the management of the partnership business, he shall be liable for all debts and obligations of the firm incurred while he so takes part in the management as though he were a general partner [3, Section 6].

In contrast to this, Section 303 of Uniform Limited Partnership Act states that, an obligation of a limited partnership, whether arising in contract, tort, or otherwise, is not the obligation of a limited partner. A limited partner is not personally liable, directly or indirectly, by way of contribution or otherwise, for an obligation of the limited partnership solely by reason of being a limited partner, even if the limited partner participates in the management and control of the limited partnership [4, Section 303].

Nevertheless, Lauris G.L. Rall states that the section does not prevent a limited partner from being liable for its own conduct when a third party asserts that limited partners own wrongful conduct has injured the third party [5, P.920].

Even though the Uniform Limited Partnership Act of 2001 provides the guarantees of limited liability of limited partners, the author Brett Trembly notices that there are instances where a limited partner is still liable. This is a very technical and easily avoidable situation. This situation emerges when the limited partnership certificate has not been properly filed with the state. Again, this is an extremely technical exception. Therefore, a limited partnership cannot overestimate the significance of the limited partnership certificate. The logic behind this exception is that without a limited partnership certificate, the limited partnership is nothing more than a general partnership, which retains traditional liability. If there is no certificate, all partners are jointly and severally liable. If the certificate is valid, only the general partners are jointly and severally liable [6, Paragraph 2].

Moreover, Uniform Limited Partnership Act 2001 provides liability of a limited partnership for general partners' conduct. According to Section 403 of this Act, a limited partnership is liable for loss or injury caused to a person, or for a penalty incurred, because of a wrongful act or omission, or other actionable conduct, of a general partner acting in the ordinary course of activities of the limited partnership or with authority of the limited partnership. If, in the course of the limited partnership's activities or

while acting with authority of the limited partnership, a general partner receives or causes the limited partnership to receive money or property of a person not a partner, and the money or property is misapplied by a general partner, the limited partnership is liable for the loss [7, Section 403].

Presumably, the liability of a partnership for general partner's conduct provided in the previous paragraph is accomplished at the expense of common property of partners. It can be supposed that Uniform Limited Partnership Act determines such liability of a partnership in order to provide a guarantee for business partners of a limited partnership.

As Charles Wild notices in his work, general partners are personally liable for the actions of the business and the other general partners, even if those actions appear unreasonable, excessive or if they result in legal judgments against the business. General partners can lose far more than their initial investments. These management and risk burdens are two reasons general partners usually receive management fees as well as a larger percentage of the partnership's profits above a certain level [8, P.251-258].

Turning to the liability issues in investment partnerships in Russian Federation, it should be stated that Article 14 of Federal law of Russian Federation "On investment partnerships" of 2011 maintains that all partners are jointly and severally liable for the general obligations not arising from the contract except for tax obligations. However, the limited partners will be liable only in case the court establishes their guilt in the violation of these general obligations. Regarding tax obligations, all the partners shall be liable for all their property in the manner prescribed by the legislation on taxes and fees. Regarding the general treaty obligations related to the implementation of joint investment of the partners, each partner shall be liable to the extent of the amount of share in common property of the investment partnership. But in case the common property of the partnership is not sufficient to meet the obligations, only the general partners will be jointly and subsidiary liable for the obligations with their own property. Article 18 of this Federal law determines that in case the investment partnership agreement is terminated between the general partner and other partners by reasons not provided in Federal law, such general partner or his successor shall be liable for the obligations of the partnership to third parties within three years from the date of termination of the investment partnership agreement [9, Articles 14, 18].

Regarding the liability issues in business partnerships, indicated in national legislation, it has to be noticed that Article 21 of Law of the Republic of Uzbekistan "On business partnerships" (<https://lex.uz/docs/2457>) states that the participants of the partnership bear subsidiary liability jointly and severally for the obligations of the partnership with their all property (except special partnerships, where special (limited) partners bear the risk of losses associated with the activities of the partnership, within the amounts of their contributions). A member of the partnership, who entered into the partnership after its establishment in the form of transfer of a share or succession, shall be liable on an equal basis with other participants for the obligations arising before its entry into the partnership, while a member of the partnership who enters into a partnership after its establishment in the form of accepting a new member, shall be liable only for obligations arising after its entry into the partnership. A participant that withdrew from the partnership remains liable for the obligations of the partnership for two years from the date of the retirement [10, Article 21].

Having analyzed the above mentioned authors' points of view and legislative acts, it can be stated that both in limited partnerships and investment partnerships, general partners bear subsidiary responsibility for the obligations of the partnership, while limited partners are liable for the obligations of the partnership only to the extent of made contribution. However, in contrast to an investment partnership, a limited partnership

does not provide a determined term within which general partners are obliged to bear a subsidiary liability, which makes the latter more attractive for potential investors. Regarding the business partnerships, it can be deduced that all partners in a general (full) partnership and full partners in a special partnership bear full subsidiary responsibility for the obligations of the partnership, while special (limited) partners in a special partnership are liable for the obligations of the partnership only to the extent of made contribution. In a similar way with investment partnerships, general (full) partners in business partnerships remain liable for the obligations of the partnership for a determined term even after their withdrawal.

Taking into account aforementioned deductions, we would like to introduce several suggestions related to the liability issues of general (full) partners in business partnerships. Determining an additional two-year period within which general (full) partners in both full partnerships and special partnerships remain subsidiary liable after their withdrawal from the partnership adversely affects the decision making of investors, and consequently, these forms of doing business become unattractive for potential investors to launch some investment or innovative projects. As for the types of business partnerships existing in national legislation, we should admit that special partnerships are considered more attractive rather than full partnerships because of their limited liability features. In furtherance of the experience of the United Kingdom and the USA, we could suggest that limited partners, while bearing a limited liability for the obligations of the partnership, should be subsidiary liable for the obligations of the partnership exclusively in cases resulted in their deliberate wrong conduct. We believe that the above mentioned suggestion will provide a dutiful attitude of not only general (full) partners but also special (limited) partners in their relations with partnership, and if it is determined by law or a partnership agreement, in their relations with third parties on behalf of the partnership.

In conclusion, it can be deduced that the liability features of special partnerships in the Republic of Uzbekistan are quite similar to the liability features of limited partnerships in the United Kingdom and the USA and investment partnerships in Russian Federation. However, it could not be stated that special partnerships are quite popular among business entities and investors in our country because of their other legal aspects such as formation issues, legal nature, taxation system and others, which are considered as time consuming and difficult by investors.

Иқтибослар/Сноски/References

1. Указ Президента Республики Узбекистан "О дополнительных мерах по совершенствованию механизмов финансирования проектов в сфере предпринимательства и инноваций" № УП-5583 от 24 ноября 2018 года // Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2018 г., № 06/18/5583/2221, ст.1. (author's translation)

2. Limited partnership Act of 1907. - [Electronic resource] is available at: <https://www.legislation.gov.uk/ukpga/Edw7/7/24/contents>

3. Limited partnership Act of 1907. - [Electronic resource] is available at: <https://www.legislation.gov.uk/ukpga/Edw7/7/24/contents>

4. Uniform Limited Partnership Act of 2001. - [Electronic resource] is: <https://users.wfu.edu/palmitar/ICBCorporations-Companion/Conexus/UniformActs/ULPA2001.pdf>

5. Lauris G.L.Rall. A General Partner's Liability under the Uniform Limited Partnership Act (2001) // Suffolk university law review [Vol. XXXVII]. - №913. - 2004. - P.913-926. [Electronic resource] is available at: <http://suffolklawreview.org/wp-content/uploads/2004/04/Rall.pdf>

6. Brett Trembly. Limited partnership: when is a limited partner still liable? - June, 2016. - [Electronic resource] is available at: <https://tremblylaw.com/limited-partnership-when-is-a-limited-partner-still-liable/>

7. Uniform Limited Partnership Act 2001. - [Electronic resource] is: <https://users.wfu.edu/palmitar/ICBCorporations-Companion/Conexus/UniformActs/ULPA2001.pdf>

8. Charles Wild, Stuart Weinstein. Company law. - London: Pearson Education Limited, 2009. - 640 p. - [Electronic resource] is available at: <http://www.twirpx.com/file/1878766/>

9. Федеральный закон №335-ФЗ "Об инвестиционном товариществе" от 28.11.2011. - [Электронный ресурс] доступен на: http://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_122222/

10. The Law of the Republic of Uzbekistan "On Business Partnerships" dated December 6, 2001 No. 308-II. // Collection of legislation of the Republic of Uzbekistan, 2002, No. 1, Art. 8.

ЮРИСТ АХБОРОТНОМАСИ

2 СОН, 1 ЖИЛД

ВЕСТНИК ЮРИСТА

НОМЕР 2, ВЫПУСК 1

LAWYER HERALD

VOLUME 2, ISSUE 1

TOSHKENT-2020